

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ
ТЎПЛАМИ

8-сон
(352)
2009 йил
23 февраль

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами беш бўлимдан иборат:

тўпламнинг биринчи бўлимида Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;

иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон, қарор ва фармойишлари эълон қилинади;

учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишлари эълон қилинади;

тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;

тўпламнинг бешинчи бўлимида вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.

МУНДАРИЖА

Иккинчи бўлим

76. «Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим фармонларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 16 февралдаги ПФ–4080-сон Фармони

Учинчи бўлим

77. «Аҳоли пунктларини комплекс куришда шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари қатъий бажарилишини назорат қилишни кучайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 12 февралдаги 41-сон қарори

Бешинчи бўлим

79. «Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (7-сонли БҲМС) «Номоддий активлар»га ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2009 йил 21 январдаги 7-сонли буйруғи. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил 14 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1485-1*)
80. «Инвестиция воситачиларининг эмитентларга расмий дилер (маркет-мейкер)лик хизматларини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази, Молия вазирлиги, Марказий банк Бошқарувининг 2009 йил 3 февралдаги 2009-08, 13, 289-В-1-сонли қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил 14 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1682-1*)
81. «Қимматли қоғозлар бозори мутахассисларининг малакасини ошириш, уларни қайта тайёрлаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази бош директорининг 2009 йил 9 февралдаги 2009-11-сонли буйруғи. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил 14 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1745-1*)
82. «Виночилик, спирт, ароқ ва ликёр-ароқ соҳаси ходимлари учун махсус кийим, махсус пойабзал ва бошқа якка тартибда ҳимояланиш воситаларини бепул беришнинг намунавий меъёрларини тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг 2009 йил 19 январдаги 1/Б-сонли буйруғи. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил 14 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1903*)
83. «Мебель ишлаб чиқаришда ходимлар учун махсус кийим, махсус пойабзал ва бошқа якка тартибда ҳимояланиш воситаларини бепул беришнинг намунавий меъёрларини тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг 2009 йил 23 январдаги 3/Б-сонли буйруғи. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил 14 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1904*)
84. «Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини тайёрлаш ва қабул қилиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2009 йил 14 феврал-

даги 42-мҳ-сонли буйруғи. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил 14 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1905*)

85. «Ягона ижтимоий тўловнинг базавий миқдори киритилиши муносабати билан ягона ижтимоий тўловни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги вақтинчалик низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг 2009 йил 5 февралдаги 16, 2009-8-сонли қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил 17 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1906*)

86. «Қорхона, ташкилот, муассаса, жамоа хўжалиги, ўқув юртининг ижтимоий суғурта бўйича комиссияси тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг 2009 йил 28 январдаги 4/Б-сонли буйруғи. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил 17 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 431-1*)

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида 2009 йил 14 февралдан 20 февралгача бўлган маълумот

ИККИНЧИ БЎЛИМ**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ФАРМОНИ****76 Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим
фармонларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг 2009 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида» 2008 йил 29 декабрдаги ПҚ–1024-сон қарорига мувофиқ:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим фармонларига иловага мувофиқ ўзгартишлар киритилсин.

2. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг Мамлакатни ислоҳ қилиш ва янгилашнинг ҳуқуқий базасини такомиллаштириш масалалари бўйича Давлат маслаҳатчиси хизмати (Ш.Х. Файзиев) зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2009 йил 16 февраль,
ПФ–4080-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2009 йил 16 февралдаги
ПФ–4080-сон Фармонига
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим
фармонларига киритиладиган ўзгартишлар**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Нефть ва газ конларини разведка қилиш ҳамда уларни қазиб чиқаришга бевосита хорижий сармояларни жалб этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2000 йил 28 апрелдаги ПФ–2598-сон Фармони 7-бандининг тўртинчи хатбоши чиқариб ташлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармасини ташкил этиш тўғрисида» 2006 йил 11 майдаги ПФ–3751-сон Фармони 5-бандининг тўртинчи хатбоши чиқариб ташлансин.

УЧИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

77 Аҳоли пунктларини комплекс қуришда шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари қатъий бажарилишини назорат қилишни кучайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Ўзбекистон Республикаси «Давархитектқурилиш» қўмитаси томонидан назоратнинг сусайтириб юборилганлиги натижасида, шунингдек шаҳарлар (туманлар) ҳокимларининг лоқайдлиги оқибатида аҳоли пунктларини реконструкция қилиш ва ободонлаштиришда, меъморий ва тарихий-маданий ёдгорликларни тиклашда, автомобиль йўллари қуришда, ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилма объектларини жойлаштиришда шаҳарсозлик фаолияти соҳасида белгиланган нормалар ва қоидаларнинг қўпол равишда бузилиши ҳоллари давом этмоқда.

Худудий архитектура ва қурилиш бўлинмалари раҳбарларида зарур қатъият йўқлиги оқибатида аҳоли пунктларини қуриш шаҳарсозлик ва архитектура нормалари, коммуникация, транспорт ва санитария талаблари, истиқболли қуриш режалари билан мутлақо боғланмасдан амалга оширилмоқда.

Юқорида кўрсатиб ўтилган камчиликлар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари тегишли мансабдор шахсларининг ҳаракатсизлиги, пассивлиги, шунингдек Ўзбекистон Республикаси «Давархитектқурилиш» қўмитаси ва унинг худудий бўлинмалари раҳбарларининг аҳоли пунктларини комплекс қуриш муаммоларини ҳал қилишдан ўзларини четга олишлари шаҳарлар ва туманларнинг ташқи қиёфаси бузилишига, аҳолининг асосли норозилигига олиб келмоқда, шунингдек республика меҳмонларида салбий таассурот туғдирмоқда.

Республика аҳоли пунктларини замонавий шаҳарсозлик талаблари ва миллий анъаналарга мувофиқ комплекс ривожлантиришни таъминлаш, меъморий-тарихий меросни сақлаб қолиш, қабул қилинаётган лойиҳа ечимлари сифатини ошириш, шунингдек шаҳарсозликка оид қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан назоратни кучайтириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Ўзбекистон Республикаси «Давархитектқурилиш» қўмитаси ва унинг худудий бўлинмаларининг тегишли худудда ша-

ҳарсозлик фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш, аҳоли пунктларини комплекс қуришда бош режаларга, шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига риоя этилишини таъминлаш бўйича ишлари қоникарсиз деб ҳисоблансин.

2. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари, Ўзбекистон Республикаси «Давархитектқурилиш» қўмитаси ва унинг ҳудудий архитектура ва қурилиш бўлинмалари, давлат архитектура-назорати раҳбарлари аҳоли пунктларини комплекс қуриш бош режаларига риоя этилиши учун шахсан жавобгар эканликлари тўғрисида қатъий огоҳлантирилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида 1-иловага* мувофиқ таркибда Аҳоли пунктлари комплекс қурилишини назорат қилиш комиссияси (кейинги ўринларда Комиссия деб аталади) республика минтақалари бўйича ишчи гуруҳлари билан ташкил этилсин.

4. Қўйидагилар Комиссиянинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, ҳудудий архитектура ва қурилиш, ер ресурслари ва давлат кадастри бўлинмалари, бошқа алоқадор органлар томонидан шаҳарсозликка оид қонун ҳужжатларига, шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига риоя этилиши устидан таъсирчан назоратни таъминлаш;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари, ҳудудий архитектура ва қурилиш бўлинмалари томонидан аҳоли пунктларининг тасдиқланган бош режаларининг асосий қоидалари амалга оширилишини назорат қилиш;

аҳоли пунктларини замонавий талаблар ва миллий анъаналарга мувофиқ шаҳарсозлик жиҳатидан комплекс ривожлантиришни, уларнинг меъморий-бадий қиёфасини ва бой меъморий-тарихий меросни сақлаб қолишни таъминлаш масалаларини кўриб чиқиш ва улар бўйича таклифлар киритиш;

шаҳарсозлик фаолияти субъектлари томонидан шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари, атроф муҳитни муҳофаза қилиш, экология хавфсизлиги талабларига, шунингдек санитария нормалари ва қоидаларига риоя этилиши аҳолини ҳар томонлама ўрганиш;

ноқонуний қурилишларнинг, шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш учун берилган ер участкаларидан ноўрин фойдаланилишининг олдини олиш ва уларга йўл қўймаслик юзасидан аниқ чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва рўёбга чиқариш;

шаҳарсозлик фаолияти самарадорлигини ошириш, аҳоли пунктлари бош режаларининг асосий қоидаларини ўз вақтида ва сифатли амалга ошириш, шаҳарсозликка оид қонун ҳужжатлари юзасидан таклифлар тайёрлаш;

аҳоли пунктларини комплекс қуришда шаҳарсозликка оид қонун ҳужжатларининг қўпол бузилишига йўл қўйилганлиги учун тегишли мансабдор шахсларни жавобгарликка тортиш тўғрисида таклифлар киритиш.

5. Белгилаб қўйилсинки, Комиссиянинг ўз ваколатлари доирасида қабул

* 1-илова берилмайди.

қилган қарорлари Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари, шунингдек давлат ва хўжалик бошқаруви органлари томонидан бажарилиши мажбурийдир.

6. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ўн кун муддатда Аҳоли пунктлари комплекс қурилишини назорат қилиш ҳудудий комиссиялари ташкил этсинлар.

7. Қўйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Аҳоли пунктлари комплекс қурилишини назорат қилиш комиссияси тўғрисидаги низом 2-иловага мувофиқ;

Аҳоли пунктлари комплекс қурилишини назорат қилиш ҳудудий комиссияси тўғрисидаги низом 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

8. Комиссия (Н. Ханов):

аҳоли пунктларини қуришда шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига риоя этилишининг ишчи гуруҳлар томонидан мунтазам равишда ўрганилишини таъминласин;

тасдиқланган жадвалга мувофиқ ишчи гуруҳлар томонидан ўрганиш натижалари кўриб чиқилишини, шунингдек маҳаллий давлат ҳокимияти органлари тегишли раҳбарларининг ҳисоботлари эшитиб борилишини таъминласин.

9. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Н.М. Ханов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2009 йил 12 февраль,
41-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2009 йил 12 февралдаги 41-сон қарорига
2-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси
ҳузуридаги Аҳоли пунктлари комплекс қурилишини
назорат қилиш комиссияси тўғрисида
НИЗОМ**

I. Умумий қоидалар

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Аҳоли пунктлари комплекс қурилишини назорат қилиш комиссияси (кейинги ўринларда Комиссия деб аталади) республика аҳоли пунктларини комплекс қуриш-

да шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига риоя этилиши устидан назоратни кучайтириш мақсадида ташкил этилган.

2. Комиссия ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, Ўзбекистон Республикаси қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари қарорлари ва бошқа ҳужжатларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, бошқа қонун ҳужжатларига, шунингдек ушбу Низомга амал қилади.

3. Комиссия таркиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

4. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ҳузурида Аҳоли пунктлари комплекс қурилишини назорат қилиш ҳудудий комиссиялари (кейинги ўринларда ҳудудий комиссиялар деб аталади) фаолият кўрсатади, уларнинг таркиби Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан тасдиқланади.

II. Комиссиянинг асосий вазифалари ва ҳуқуқлари

5. Қуйидагилар Комиссиянинг асосий вазифалари ҳисобланади:

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, ҳудудий архитектура ва қурилиш, ер ресурслари ва давлат кадастри бўлинмалари, бошқа алоқадор органлар томонидан шаҳарсозликка оид қонун ҳужжатларига, шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига риоя этилиши устидан таъсирчан назоратни таъминлаш;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари, ҳудудий архитектура ва қурилиш бўлинмалари томонидан аҳоли пунктларининг тасдиқланган бош режаларининг асосий қоидалари амалга оширилишини назорат қилиш;

аҳоли пунктларини замонавий талаблар ва миллий анъаналарга мувофиқ шаҳарсозлик жихатидан комплекс ривожлантиришни, уларнинг меъморий-бадий қиёфасини ва бой меъморий-тарихий меросни сақлаб қолишни таъминлаш масалаларини кўриб чиқиш ва улар бўйича таклифлар киритиш;

шаҳарсозлик фаолияти субъектлари томонидан шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари, атроф муҳитни муҳофаза қилиш, экология хавфсизлиги талабларига, шунингдек санитария нормалари ва қоидаларига риоя этилиши аҳволини ҳар томонлама ўрганиш;

ноқонуний қурилишларнинг, шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш учун берилган ер участкаларидан ноўрин фойдаланилишининг олдини олиш ва уларга йўл қўймаслик юзасидан аниқ чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва рўёбга чиқариш;

шаҳарсозлик фаолияти самарадорлигини ошириш, аҳоли пунктлари бош режаларининг асосий қоидаларини ўз вақтида ва сифатли амалга ошириш, шаҳарсозликка оид қонун ҳужжатлари юзасидан таклифлар тайёрлаш;

аҳоли пунктларини комплекс қуришда шаҳарсозликка оид қонун ҳуж-

жатларининг қўпол бузилишига йўл қўйилганлиги учун тегишли мансабдор шахсларни жавобгарликка тортиш тўғрисида таклифлар киритиш.

6. Комиссия қўйидаги ҳуқуқларга эга:

ўз қарорларининг Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари, шунингдек давлат ва хўжалик бошқаруви органлари томонидан бажарилишини назорат қилиш;

давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органларидан Комиссияга юкланган вазифаларни бажариш учун зарур бўлган маълумотлар ва ҳужжатларни сўраш;

маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари ҳудудий бўлинмалари тегишли раҳбарларининг ҳисоботларини эшитиш;

давлат ва хўжалик бошқаруви органларига, маҳаллий давлат ҳокимияти органларига Комиссия қарорларининг бажарилишини таъминламаган тегишли мансабдор шахсларга интизомий ва бошқа жазо чоралари қўллаш тўғрисида тақдимномалар киритиш;

ваколатли давлат органларига тегишли ҳудудда шаҳарсозликка оид конун ҳужжатлари талаблари бузилган ҳолда амалга оширилаётган шаҳарсозлик фаолиятини чеклаш, тўхтатиб туриш ёки белгиланган тартибда тақиқлаш тўғрисида тақдимномалар киритиш.

III. Комиссия фаолиятини ташкил этиш

7. Комиссияга раис бошчилик қилади, унинг ваколатларига қўйидагилар киради:

Комиссия мажлисларини чақириш ва унинг кун тартибини белгилаш;

Комиссия томонидан қабул қилинган қарорларнинг бажарилиши устидан назоратни ташкил этиш;

Комиссияга юкланган вазифаларни бажариш юзасидан Комиссия аъзолари ишларини мувофиқлаштириш;

Комиссия томонидан ташкил этилган ишчи гуруҳлар фаолияти устидан назоратни амалга ошириш;

Комиссиянинг самарали ишлашини таъминлаш юзасидан бошқа хатти-ҳаракатларни бажариш.

8. Комиссия ўз ишларини Комиссия раиси томонидан тасдиқланадиган йиллик режа ва ишчи гуруҳлар томонидан ўтказилган ўрганишлар натижаларини кўриб чиқиш жадвали асосида ташкил қилади.

9. Комиссия мажлислари тасдиқланган иш режаси ва жадвалга мувофиқ ҳар ойда камида бир марта ўтказилади. Комиссия раиси томонидан навбатдан ташқари мажлислар чақирилиши мумкин.

10. Комиссия мажлисини унинг раиси бошқаради. Комиссия раиси бўлмаган тақдирда мажлисни унинг ўринбосари бошқаради. Комиссия мажлиси унда Комиссия аъзоларининг камида учдан икки қисми қатнашган тақдирда ваколатли ҳисобланади.

11. Комиссия раиси билан келишган ҳолда унинг объектив сабабларга

кўра мажлисда қатнашмаётган аъзолари ўрнига уларнинг ваколатли вакиллари овоз бериш ҳуқуқисиз қатнашишлари мумкин.

12. Комиссия мажлисига тегишли ишчи гуруҳлар аъзолари, ҳудудий комиссияларнинг раҳбарлари, ҳокимликларнинг раҳбарлари ва бошқа мансабдор шахслари, шунингдек, кўриб чиқиладиган масалалар характерига кўра, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари раҳбарлари таклиф этилади.

13. Комиссия мажлисларида ишчи гуруҳлар томонидан ўтказилган ўрганишларнинг натижалари кўриб чиқилади, шунингдек ҳудудий комиссияларнинг, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари ҳудудий бўлинмалари тегишли раҳбарларининг ҳисоботлари эшитилади.

14. Комиссия ҳар чоракда Вазирлар Маҳкамасига бажарилган ишлар тўғрисида ахборот тақдим этади.

IV. Комиссиянинг ишчи гуруҳлари фаолиятини ташкил этиш тартиби

15. Комиссия юкланган вазифаларни амалга ошириш учун ишчи гуруҳлар ташкил қилади, уларга ишлаш учун тегишли мутахассисларни жалб этади.

16. Ишчи гуруҳлар фаолияти Комиссиянинг унинг раиси томонидан тасдиқланадиган иш режасига ва жойларда аҳоли пунктларини комплекс қуриш масалаларини ўрганиш жадвалига мувофиқ ташкил этилади.

17. Ишчи гуруҳ жойларга борган ҳолда аҳоли пунктларини комплекс қуришнинг аҳволини ўрганади ва таҳлил қилади. Бунда ўрганиш ва таҳлил қилиш Комиссия раиси тасдиқлайдиган ўрганиш режасига ва саволларига мувофиқ амалга оширилади.

18. Ишчи гуруҳлар ўз фаолиятини ҳудудий комиссиялар билан яқин ҳамкорликда амалга оширади. Жойлардаги ишчи гуруҳлар фаолиятини ташкилий жиҳатдан таъминлаш ҳудудий комиссиялар раислари зиммасига юкланади.

19. Ишчи гуруҳ жойларга боргунгача, тайёрланган ўрганиш режаси ва саволлари тегишли ҳудудий комиссияга юборилади, ҳудудий комиссия улар асосида зарур материаллар тайёрланишини таъминлайди.

20. Ишчи гуруҳ жойларга келгач ҳудудий комиссия томонидан тайёрланган материалларни, ҳудудий комиссия фаолиятини, Комиссия қарорларининг бажарилишини ўрганади ва таҳлил қилади.

Аҳоли пунктларини комплекс қуришнинг аҳволини ўрганиш ишчи гуруҳ томонидан, тегишли аҳоли пунктларига, ишлаётган, қуриладиган ва реконструкция қилинадиган объектларга, келгусида қуриш мўлжалланаётган ҳудудларга бевосита борган ҳолда амалга оширилади.

Ишчи гуруҳ ўз вазифаларини амалга оширишда қуйидаги ҳуқуқларга эга: аҳоли пунктларини комплекс қуришнинг аҳволини ўрганиш учун маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг, давлат ва хўжалик бошқаруви тегишли органларининг мутахассисларини жалб қилиш;

маҳаллий давлат ҳокимияти органларидан, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари бўлинмаларидан зарур маълумотлар ва ҳужжатларни сўраш;

маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари ҳудудий бўлинмалари тегишли раҳбарларининг ҳисоботларини эшитиш;

тегишли ҳудудий комиссияларга, маҳаллий давлат ҳокимияти органларига, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари бўлинмаларига аҳоли пунктларини комплекс қуриш соҳасидаги мавжуд камчиликларни бартараф этиш, шаҳарсозликка доир қонун ҳужжатларига, шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига қатъий ва изчил риоя қилинишини таъминлаш бўйича зарур чоратадбирлар қуриш тўғрисида таклифлар киритиш;

маҳаллий давлат ҳокимияти органларига, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари бўлинмаларига Комиссия қарорлари бажарилишини таъминламаган тегишли мансабдор шахсларга нисбатан интизомий ва бошқа жазо чоралари қўллаш тўғрисида тақдимномалар киритиш.

21. Ишчи гуруҳ ўрганиш натижалари бўйича ҳудудий комиссия билан биргаликда, комиссия мажлисларида кўриб чиқиш учун хулоса ва тегишли материаллар тайёрлайди. Хулоса ишчи гуруҳ ва ҳудудий комиссия раҳбари томонидан имзоланади ҳамда бошқа материаллар билан бирга Комиссияга киритилади.

Ишчи гуруҳлар ва ҳудудий комиссияларнинг раҳбарлари ва аъзолари тайёрланган материалларнинг сифати ва ҳолисоналиги учун шахсан жавоб берадилар.

22. Ишчи гуруҳларнинг иш регламенти, шаҳарсозлик фаолияти соҳасидаги ишларнинг аҳолини ўрганиш ва Комиссия мажлисида кўриб чиқишга киритиш учун тегишли таклифлар тайёрлаш тартиби Комиссия томонидан белгиланади.

V. Комиссиянинг ишчи органи ва котиби

23. Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси Комиссиянинг ишчи органи ҳисобланади.

24. Комиссиянинг ишчи органи:

навбатдаги давр учун Комиссиянинг иш режаси лойиҳасини тайёрлайди;

Комиссиянинг навбатдаги мажлисига барча зарур материалларнинг ўз вақтида тайёрланишини таъминлайди ва вазирликлар, идоралар, юридик шахслар бирлашмалари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, тижорат банклари, корхоналар ҳамда Комиссия аъзоларидан зарур материаллар ва эксперт хулосаларни олиш ҳуқуқига эга бўлади;

кун тартибидаги масалалар бўйича таҳлилий материаллар тайёрлашни ва Комиссия мажлисларини ўтказишни ташкил қилади;

Комиссияга кўриб чиқиш учун ахборот ва таҳлилий материалларни тақдим этади;

Комиссияга кўриб чиқиш учун унинг қарорларига мувофиқ бошқа материалларни тақдим этади.

25. Комиссия котиби:

Комиссиянинг навбатдаги мажлисига барча зарур материалларнинг ўз вақтида тайёрланишини таъминлайди;

Комиссия мажлисига материалларни тайёрлаш бўйича ишчи гуруҳлар ва ишчи орган ишларини ташкил қилади;

кун тартибдаги масалалар бўйича Комиссия мажлисларини ўтказишни ташкил қилади;

Комиссия раиси билан мажлисларни ўтказиш муддатлари ва жойини, шунингдек таклиф этиладиганлар контингентини келишиб олади;

Комиссия аъзолари ва таклиф этилган шахсларни мажлиснинг ўтказилиш санаси, вақти, жойи тўғрисида хабардор қилади;

Комиссия қарорларининг бажарилиши мониторингини олиб боради ва унинг натижаларини Комиссия мажлисида кўриб чиқиш учун тақдим этади;

Комиссия протоколларини расмийлаштиради ва тасдиқланган протоколларни Комиссия аъзоларига, манфаатдор вазирликлар, идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органларига юборади.

VI. Комиссия мажлисига материаллар тайёрлаш тартиби

26. Ишчи гуруҳлар ва ҳудудий комиссиялар томонидан тақдим этилган материалларни ишчи орган кўриб чиқади, у Комиссия мажлисида кўриб чиқиш учун уларни расмийлаштиради, Комиссия мажлисининг кун тартибини тайёрлайди ва ҳужжатлар пакетини Комиссия котибига тақдим этади.

27. Комиссия мажлиси кун тартибдаги ҳар бир масала учун ҳужжатлар пакетига қарор қабул қилиш учун зарур материаллар (ишчи гуруҳларнинг хулосалари, таҳлилий маълумотномалар, жадваллар ва шу кабилар) ҳамда Комиссия қарорининг лойиҳаси мавжуд бўлиши керак.

28. Комиссия котиби тақдим этилган материаллар тўғрисида Комиссия раисига ахборот беради, Комиссия раиси кун тартиби ва тақдим этилган материаллар маъқулланган тақдирда Комиссия мажлиси ўтказиладиган вақтни ва санани, шунингдек Комиссия мажлисига таклиф этиладиган шахсларни белгилайди.

29. Комиссия котиби ишчи орган билан биргаликда мажлис материалларини протокол лойиҳаси билан бирга Комиссия аъзоларига, зарурият бўлганда, шунингдек мажлисга таклиф этилган бошқа шахсларга юборишни таъминлайди.

VII. Комиссия томонидан қарорлар қабул қилиш ва уларнинг бажарилишини ташкил этиш

30. Комиссия қарори Комиссиянинг мажлисида қатнашаётган аъзоларининг оддий кўпчилик овози билан қабул қилинади. Овозлар тенг бўлган тақдирда Комиссия раисининг овози ҳал қилувчи ҳисобланади.

Комиссиянинг ҳар бир аъзоси қабул қилинаётган қарорлар юзасидан ўз фикрини ёзма равишда билдириш ҳуқуқига эга.

31. Комиссия раиси қарорларни тезкор қабул қилиш мақсадида Комиссиянинг алоҳида масалалар бўйича Комиссия аъзолари билан келишилган қарорларини сўров йўли билан тасдиқлаши мумкин.

32. Комиссия қарорлари Комиссия мажлиси протоколи билан расмийлаштирилади. Комиссия мажлиси протокоliga унинг барча аъзолари томонидан розилик белгиси қўйилади, у котиб томонидан имзоланади, Комиссия раиси томонидан тасдиқланади ва бир ҳафта муддатда Комиссия аъзоларига ҳамда манфаатдор ташкилотларга юборилади.

33. Комиссия протоколининг асл нусхаси ва унга тегишли материаллар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Коммунал соҳа, транспорт, капитал қурилиш ва қурилиш индустрияси масалалари ахборот-таҳлил департаментида сақланади.

34. Комиссиянинг ўз ваколатлари доирасида қабул қилинган қарорларининг Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари, шунингдек давлат ва хўжалик бошқаруви органлари томонидан бажарилиши мажбурийдир.

35. Комиссия қарорларининг бажарилишини назорат қилиш Комиссиянинг ишчи органи ва ишчи гуруҳлари томонидан амалга оширилади.

36. Ишчи орган ва ишчи гуруҳлар Комиссия қарорларини бажарилишини мунтазам равишда ўрганишади ва кўриб чиқишади, зарурият бўлганда Комиссия раисига тегишли таклифлар киритишади.

Қабул қилинган қарорлар бажарилмаган тақдирда Комиссия раиси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига айбдор мансабдор шахсларга нисбатан жавобгарлик чораларини қўллаш тўғрисида таклифлар киритишга ҳақлидир.

37. Комиссия қарорларининг ҳудудларда бажарилишини ташкил этиш ҳудудий комиссияларга юкланади. Ҳудудий комиссиялар Комиссия қарорлари бажарилишини ташкил этиш бўйича зарур тадбирларни ишлаб чиқадилар ва уларнинг ўз вақтида амалга оширилишини таъминлайдилар.

38. Ишчи орган, ишчи гуруҳлар ва ҳудудий комиссиялар Комиссия қарорларининг бажарилиши натижалари тўғрисида ҳар ойда Комиссияга зарур материалларни илова қилган ҳолда тегишли таҳлилий маълумотнома тақдим этадилар.

39. Комиссия қабул қилинган қарорларнинг бажарилиши аҳволини ўз мажлисларида мунтазам равишда кўриб чиқади.

Вазирлар Маҳкамасининг
2009 йил 12 февралдаги 41-сон қарорига
3-ИЛОВА

**Аҳоли пунктлари комплекс қурилишини назорат қилиш
худудий комиссияси тўғрисида
НИЗОМ**

I. Умумий қоидалар

1. Аҳоли пунктлари комплекс қурилишини назорат қилиш худудий комиссиялари Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ҳузурида тегишли ҳудудда аҳоли пунктларини комплекс қуришда шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига риоя этилиши устидан назоратни кучайтириш мақсадида ташкил этилади.

2. Аҳоли пунктлари комплекс қурилишини назорат қилиш худудий комиссияси (кейинги ўринларда худудий комиссия деб аталади) ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, Ўзбекистон Республикаси қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари қарорлари ва бошқа ҳужжатларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, бошқа қонун ҳужжатларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Аҳоли пунктлари комплекс қурилишини назорат қилиш комиссияси тўғрисидаги низомга, шунингдек ушбу Низомга амал қилади.

3. Худудий комиссия тегишли равишда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларига, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Аҳоли пунктлари комплекс қурилишини назорат қилиш комиссиясига (кейинги ўринларда Комиссия деб аталади) ҳисоб беради.

Худудий комиссиянинг ўз ваколатлари доирасида қабул қилган қарорларининг туманлар (шаҳарлар) ҳокимликлари, худудий архитектура ва қурилиш бўлинмалари, шунингдек тегишли ҳудудда жойлашган давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, уларнинг таркибий бўлинмалари томонидан бажарилиши мажбурийдир.

II. Худудий комиссиянинг вазифалари ва ҳуқуқлари

4. Қуйидагилар худудий комиссиянинг асосий вазифалари ҳисобланади: туманлар (шаҳарлар) ҳокимликлари, худудий архитектура ва қурилиш, ер ресурслари ва давлат кадастри бўлинмалари, бошқа алоқадор органлар томонидан шаҳарсозликка оид қонун ҳужжатларига, шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига риоя этилиши устидан назоратни амалга ошириш; туманлар (шаҳарлар) ҳокимликлари, худудий архитектура ва қурилиш бўлинмалари томонидан аҳоли пунктларининг тасдиқланган бош режалари-

нинг асосий қоидалари, ҳудудларни режалаштириш схемалари, муҳандислик, транспорт ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш, ободонлаштириш схема ва лойиҳалари, туманни (туманлар гуруҳини) режалаштириш лойиҳалари, қуриш қоидалари амалга оширилишини мувофиқлаштириш ва таъминлаш;

муҳандислик, транспорт ва ижтимоий инфратузилмаларни оқилона жойлаштириш, ривожлантириш, аҳоли пунктлари ерларидан мақсадли фойдаланиш, уй-жой фонди ҳамда ижтимоий ва ишлаб чиқариш мақсадидаги объектлар сақланишини таъминлаш бўйича комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

замонавий талаблар ва миллий анъаналарга мувофиқ аҳоли пунктларини шаҳарсозлик бўйича комплекс ривожлантиришни, уларнинг меъморий-бадий қиёфаси ва бой меъморий-тарихий мерос сақланишини таъминлаш бўйича масалаларни кўриб чиқиш ва таклифлар киритиш;

шаҳарсозлик фаолияти объектларининг, шаҳарсозлик ҳужжатларини амалга ошириш, уларни экспертизадан ўтказиш, шаҳарсозлик фаолияти субъектлари томонидан шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига, атроф муҳитни муҳофаза қилиш, экологик хавфсизлик талабларига, шунингдек санитария норма ва қоидаларига риоя этилиши мониторингини олиб бориш;

ноқонуний қурилишларнинг, шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш учун берилган ер участкаларидан ноўрин фойдаланишнинг олдини олиш ва унга йўл қўймаслик чора-тадбирларини кўриш;

шаҳарсозлик фаолияти самарадорлигини ошириш, аҳоли пунктлари бош режалари асосий қоидаларининг ўз вақтида ва сифатли амалга оширилиши, шаҳарсозликка доир қонун ҳужжатларини такомиллаштириш бўйича таклифлар тайёрлаш.

5. Худудий комиссия қуйидаги ҳуқуқларга эга:

ўз қарорларининг шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари, шунингдек давлат ва хўжалик бошқаруви органлари томонидан бажарилишини назорат қилиш;

давлат ва хўжалик бошқаруви органларидан, маҳаллий давлат ҳокимияти органларидан худудий комиссияга юкланган вазифаларни бажариш учун зарур бўлган маълумотлар ва ҳужжатларни сўраш;

маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари худудий бўлинмалари тегишли раҳбарларининг ҳисоботларини эшитиш;

давлат ва хўжалик бошқаруви органларига, маҳаллий давлат ҳокимияти органларига Комиссия қарорларининг бажарилишини таъминламаган тегишли мансабдор шахсларга нисбатан интизомий ва бошқа жазо чораларини қўллаш тўғрисида тақдимномалар киритиш;

ваколатли давлат органларига тегишли худудда шаҳарсозликка доир қонун ҳужжатлари талабларини бузган ҳолда амалга оширилаётган шаҳарсозлик фаолиятини чеклаш, тўхтатиб туриш ёки белгиланган тартибда тўхта-тиш тўғрисида таклифлар киритиш.

III. Худудий комиссиялар фаолиятини ташкил этиш

6. Худудий комиссия ушбу Низомга иловага мувофиқ таркибда ташкил этилади.

7. Худудий комиссияга раис бошчилик қилади, унинг ваколатига қуйидагилар киради:

худудий комиссия фаолиятини унга юкланган вазифаларга мувофиқ ташкил этиш;

худудий комиссия мажлисларини чақириш ва уларнинг кун тартибини белгилаш;

Комиссия ва худудий комиссия қарорлари бажарилиши устидан назоратни ташкил этиш;

худудий комиссия аъзоларининг унга юкланган вазифаларни бажариш бўйича ишларини мувофиқлаштириш;

худудий комиссиянинг самарали ишлашини таъминлаш бўйича бошқа хатти-ҳаракатларни бажариш.

Худудий комиссия раиси:

Комиссияга ва унинг ишчи гуруҳларига ҳаққоний ва муфассал ахборотнинг ўз вақтида тақдим этилиши;

худудий комиссиянинг унга юкланган вазифаларни бажариш бўйича фаолиятининг натижадорлиги учун жавоб беради.

8. Худудий комиссия аъзолари улар ўртасида тақсимланган вазифаларнинг бажарилиши учун жавоб берадилар.

9. Худудий комиссия ўз ишларини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Аҳоли пунктлари комплекс қурилишини назорат қилиш комиссияси иш режасига мувофиқ ишлаб чиқиладиган ва худудий комиссия раиси тасдиқлайдиган йиллик режа асосида ташкил қилади.

10. Худудий комиссия доимий ва мунтазам равишда, тегишли аҳоли пунктларига, ишлаётган, қурилаётган ва реконструкция қилинаётган объектларга истиқболли қуриш мўлжалланаётган худудларга бевосита борган ҳолда шаҳарсозликка оид қонун ҳужжатлари, шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларининг талаблари бажарилишининг аҳволини ўрганади.

11. Худудий комиссия мажлислари тасдиқланган иш режасига мувофиқ ҳар ойда камида бир марта ўтказилади. Худудий комиссия раиси томонидан навбатдан ташқари мажлислар чақирилиши мумкин.

12. Худудий комиссия мажлисини унинг раиси бошқаради. Худудий комиссия раиси бўлмаган тақдирда мажлисни унинг ўринбосари бошқаради. Худудий комиссия мажлиси унда ўз аъзоларининг камида учдан икки қисми қатнашган тақдирда ваколатли ҳисобланади.

Худудий комиссия қарори аъзоларнинг оддий кўпчилик овози билан қабул қилинади. Овозлар тенг бўлган тақдирда худудий комиссия раисининг овози ҳал қилувчи ҳисобланади.

Худудий комиссиянинг ҳар бир аъзоси қабул қилинаётган қарорлар юзасидан ўз фикрини ёзма равишда билдиришга ҳақлидир.

13. Худудий комиссия раиси билан келишган ҳолда унинг объектив са-

бабларга кўра мажлисда қатнашмаётган аъзолари ўрнига уларнинг ваколатли вакиллари овоз бериш ҳуқуқисиз қатнашишлари мумкин.

14. Худудий комиссия раиси қарорларни тезкор қабул қилиш мақсадида худудий комиссия аъзолари билан келишилган алоҳида масалалар бўйича қарорларни сўров йўли билан тасдиқлаши мумкин.

15. Худудий комиссия мажлисларига ҳокимликларнинг раҳбарлари ва бошқа мансабдор шахслари, шунингдек, кўриб чиқиладиган масалалар характерига кўра, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари бўлинмалари раҳбарлари таклиф этилади.

Худудий комиссия мажлисларида худудий гуруҳлар томонидан ўтказилган ўрганишларнинг натижалари кўриб чиқилади, шунингдек маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, давлат ва хўжалик бошқаруви худудий бўлинмалари тегишли раҳбарларининг ҳисоботлари эшитилади.

16. Худудий комиссия қарорлари худудий комиссия мажлисининг протоколи билан расмийлаштирилади. Худудий комиссия мажлиси протокоliga унинг барча аъзоларининг розилик белгиси қўйилади, протокол котиб томонидан имзоланади, худудий комиссия раиси томонидан тасдиқланади ҳамда бир ҳафта муддатда худудий комиссия аъзоларига, манфаатдор ташкилотларга ва Комиссиянинг ишчи органига юборилади.

17. Худудий комиссия протоколининг асл нусхаси ва унга тегишли материаллар худудий комиссиянинг ишчи органида сақланади.

18. Худудий комиссия қарорларининг бажарилишини назорат қилиш худудий комиссиянинг ишчи органи томонидан амалга оширилади.

19. Худудий комиссия ҳар ойда, ой тугагандан кейин 10 кун мобайнида Комиссияга ҳисобот даврида бажарилган ишлар тўғрисида ҳисобот тақдим этади.

IV. Худудий комиссиянинг ишчи органи

20. Қорақалпоғистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар архитектура ва қурилиш бош бошқармалари тегишли равишда худудий комиссиянинг ишчи органи ҳисобланади.

21. Худудий комиссиянинг ишчи органи:

навбатдаги давр учун худудий комиссиянинг иш режаси лойиҳасини тайёрлайди;

худудий комиссиянинг навбатдаги мажлисига барча зарур материалларнинг ўз вақтида тайёрланишини таъминлайди ва маҳаллий давлат ҳокимияти тегишли органларидан, давлат ва хўжалик бошқаруви худудий органларидан ҳамда худудий комиссия аъзоларидан зарур материаллар ва эксперт хулосаларни олиш ҳуқуқига эга бўлади;

кун тартибидаги масалалар бўйича таҳлилий материаллар тайёрлашни ва худудий комиссия мажлисларини ўтказишни ташкил қилади;

худудий комиссияга кўриб чиқиш учун ахборот ва таҳлилий материалларни тақдим этади;

худудий комиссияга кўриб чиқиш учун унинг қарорларига мувофиқ бошқа материалларни тақдим этади;

кун тартибдаги масалалар бўйича худудий комиссиянинг мажлисларини ўтказишни ташкил қилади;

худудий комиссия раиси билан мажлисларни ўтказиш муддатлари ва жойини, шунингдек таклиф этиладиганлар контингентини келишиб олади;

худудий комиссия аъзоларини ва таклиф этилган шахсларни мажлиснинг ўтказилиш санаси, вақти, жойи тўғрисида хабардор қилади;

худудий комиссия қарорларининг бажарилиши мониторингини олиб боради ва унинг натижаларини худудий комиссия мажлисида кўриб чиқиш учун тақдим этади;

худудий комиссия протоколларини расмийлаштиради ва тасдиқланган протоколларни худудий комиссия аъзоларига, манфаатдор ташкилотларга юборади.

Аҳоли пунктлари комплекс қурилишини
назорат қилиш худудий комиссияси
тўғрисидаги низомга
ИЛОВА

**Аҳоли пунктлари комплекс қурилишини назорат
қилиш худудий комиссиясининг
НАМУНАВИЙ ТАРКИБИ**

1. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг қурилиш масалаларига мутасадди ўринбосари (худудий комиссия раиси).

2. Худудий архитектура ва қурилиш бўлини маси раҳбари ва раҳбарининг ўринбосарлари.

3. Худудий ер ресурслари ва давлат кадастри бўлини масининг раҳбари.

4. Худудий санитария-эпидемиология назорати бўлини масининг раҳбари.

5. Худудий табиатни муҳофаза қилиш бўлини масининг раҳбари.

6. Худудий ички ишлар бўлини маси раҳбарининг ўринбосари.

7. Худудий иқтисодиёт бўлини масининг раҳбари.

8. «Маҳалла» жамғармасининг худудий бўлини маси раҳбари.

9. Бошқа алоқадор органлар ва ташкилотларнинг раҳбарлари ва мансабдор шахслари.

БЕШИНЧИ БЎЛИМ**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ****79 Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (7-сонли БҲМС) «Номоддий активлар»-га ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил 14 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1485-1

(2009 йил 24 февралдан кучга киради)

«Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 5-моддасига асосан ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 23 ноябрдаги 553-сонли қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги тўғрисидаги низомга мувофиқ **бююрман:**

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2005 йил 25 мартдаги 35-сонли буйруғи билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (7-сонли БҲМС) «Номоддий активлар»га (2005 йил 27 июнь, рўйхат рақами 1485 — Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 йил, 25-26-сон, 188-модда) иловага* мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

Молия вазири

Р. АЗИМОВ

Тошкент ш.,
2009 йил 21 январь,
7-сон

* Илова рус тилидаги матнда берилган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУЛКИ ҚЎМИТАСИ
ХУЗУРИДАГИ ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР БОЗОРИ ФАОЛИЯТИНИ
МУВОФИҚЛАШТИРИШ ВА НАЗОРАТ ҚИЛИШ МАРКАЗИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ
БОШҚАРУВИНИНГ
ҚАРОРИ

80 Инвестиция воситачиларининг эмитентларга расмий дилер (маркет-мейкер)лик хизматларини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақидаги қарорга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил
14 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1682-1*

(2009 йил 24 февралдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикасининг «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»-ги Қонунига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил, 29-30-сон, 278-модда) мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази, Молия вазирлиги ва Марказий банк Бошқаруви **қарор қиладилар:**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази, Молия вазирлиги ва Марказий банк Бошқарувининг 2007 йил 9 мартдаги 2007-03, 33, 289-В-сонли «Инвестиция воситачиларининг эмитентларга расмий дилер (маркет-мейкер)лик хизматларини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорига (2007 йил 26 май, рўйхат рақами 1682 — Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 22-сон, 227-модда) иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киритилсин.

**Қимматли қоғозлар бозори
фаолиятини мувофиқлаштириш
ва назорат қилиш маркази
Бош директори**

К. ТОЛИПОВ

Тошкент ш.,
2009 йил 3 февраль,
2009-08-сон

Молия вазири**Р. АЗИМОВ**

Тошкент ш.,
2009 йил 3 февраль,
13-сон

Марказий банк раиси**Ф. МУЛЛАЖОНОВ**

Тошкент ш.,
2009 йил 3 февраль,
289-В-1-сон

Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини
мувофиқлаштириш ва назорат қилиш
маркази, Молия вазирлиги ва Марказий
банки Бошқарувининг
2009 йил 3 февралдаги 2009-08, 13,
289-В-1-сон қарорига
ИЛОВА

**Инвестиция воситачиларининг эмитентларга расмий дилер
(маркет-мейкер)лик хизматларини амалга ошириш тартиби
тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақидаги қарорга
киритилаётган ўзгартиришлар**

1. Қарорнинг муқаддимасида «Қимматли қоғозлар ва фонд биржаси тўғрисида»ги, «Қимматли қоғозлар бозорининг фаолият кўрсатиш механизми тўғрисида» сўзлари «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида» сўзлари билан алмаштирилсин.

2. Низомнинг муқаддимасида «Қимматли қоғозлар ва фонд биржаси тўғрисида»ги, «Қимматли қоғозлар бозорининг фаолият кўрсатиш механизми тўғрисида» сўзлари «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида» сўзлари билан алмаштирилсин.

3. Мазкур ўзгартиришлар Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси билан келишилган.

*Монополиядан чиқариш,
рақобат ва тадбиркорликни
қўллаб-қувватлаш давлат
қўмитаси раиси в.б.*

Б. УЛАШОВ

Тошкент ш.,
2009 йил 3 февраль

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУЛКИ ҚЎМИТАСИ
ХУЗУРИДАГИ ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР БОЗОРИ ФАОЛИЯТИНИ
МУВОФИҚЛАШТИРИШ ВА НАЗОРАТ ҚИЛИШ МАРКАЗИ БОШ
ДИРЕКТОРИНИНГ
БУЙРУҒИ

81 Қимматли қоғозлар бозори мутахассисларининг ма-
лакасини ошириш, уларни қайта тайёрлаш тартиби
тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил
14 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1745-1*

(2009 йил 24 февралдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикасининг «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»-
ги Қонунига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил,
29-30-сон, 278-модда) ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг
1996 йил 30 мартдаги 126-сонли қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон
Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозо-
ри фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази тўғрисидаги
низомга (Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорлари тўплами,
1996 йил, 3-сон, 11-модда) мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қим-
матли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш
маркази бош директорининг 2007 йил 30 октябрдаги 2007-10-сон буйруғи
билан тасдиқланган Қимматли қоғозлар бозори мутахассисларининг мала-
касини ошириш, уларни қайта тайёрлаш тартиби тўғрисидаги низомга
(2007 йил 5 декабрь, рўйхат рақами 1745 — Ўзбекистон Республикаси қонун
ҳужжатлари тўплами, 2007 йил, 48-49-сон, 494-модда) иловага мувофиқ ўзгар-
тиришлар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат
рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга кири-
тилсин.

**Қимматли қоғозлар бозори
фаолиятини мувофиқлаштириш ва
назорат қилиш маркази
Бош директори**

К. ТОЛИПОВ

Тошкент ш.,
2009 йил 9 февраль,
2009-11-сон

Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини
мувофиқлаштириш ва назорат қилиш
маркази Бош директорининг
2009 йил 9 февралдаги
2009-11-сонли буйруғига
ИЛОВА

**Қимматли қоғозлар бозори мутахассисларининг
малакасини ошириш, уларни қайта тайёрлаш тартиби
тўғрисидаги низомга киритилаётган ўзгартиришлар**

1. 1-бандида «ёхуд мустақил равишда жисмоний шахс — қимматли қоғозлар бозори профессионал иштирокчиси сифатида» сўзлар чиқариб ташлансин.

2. 2-бандида «инвестиция институтларининг» ва «инвестиция институтида» сўзлари «қимматли қоғозлар бозорининг профессионал иштирокчиларининг» ва «қимматли қоғозлар бозорининг профессионал иштирокчисида» сўзлари билан тегишли равишда алмаштирилсин.

3. Мазкур ўзгартиришлар Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан келишилган.

*Олий ва ўрта махсус
таълим вазири*

А. ПАРПИЕВ

Тошкент ш.,
2009 йил 9 февраль

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МЕҲНАТ ВА АҲОЛИНИ
ИЖТИМОЙ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ВАЗИРИНИНГ
БҮЙРУҒИ

82 **Виночилик, спирт, ароқ ва ликёр-ароқ соҳаси ходимлари учун махсус кийим, махсус пойабзал ва бошқа якка тартибда ҳимояланиш воситаларини бепул беришнинг намунавий меъёрларини тасдиқлаш ҳақида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил
14 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1903*

(2009 йил 24 февралдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 12 июлдаги 267-сон қарори билан тасдиқланган «Меҳнатни муҳофаза қилишга доир қоида ва нормаларни қайта кўриб чиқиш, ишлаб чиқиш ва жорий этиш дастури» ижросини таъминлаш мақсадида **буюраман:**

1. Виночилик, спирт, ароқ ва ликёр-ароқ соҳаси ходимлари учун махсус кийим, махсус пойабзал ва бошқа якка тартибда ҳимояланиш воситаларини бепул беришнинг намунавий меъёрлари иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгач кучга киритилади.

**Меҳнат ва аҳолини ижтимоий
муҳофаза қилиш вазири в.б.**

А. ХАЙТОВ

Тошкент ш.,
2009 йил 19 январь,
1/Б-сон

Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг 2009 йил 19 январдаги
1/Б-сонли буйруғига
ИЛОВА

**Виночилик, спирт, ароқ ва ликёр-ароқ соҳаси ходимлари учун
махсус кийим, махсус пойабзал ва бошқа якка тартибда
ҳимояланиш воситаларини бепул беришнинг
НАМУНАВИЙ МЕБЁРЛАРИ**

Т/р	Касб ва лавозим номлари	Махсус кийим, махсус пойабзал ва бошқа якка тартибда ҳимояланиш воситаларининг номлари	Фойдаланиш муддати (ойларда)
I. Виночилик саноати корхоналарида			
1.	Қадоқлаш ва безаш цехлари ишчилари	Ип газлама халат	6
		Ип газлама оқ рўмол ёки қалпоқча	6
		Чарм ботинка	12
		Технологик ускуналар ва цехни тозалаш пайтида қўшимча:	
		Кўкракпешли резиналанган фартук	Яроқсиз бўлгунча
		Маҳсулотларни жойлаш пайтида қўшимча:	
		Резина этик	Яроқсиз бўлгунча
2.	Тайёр маҳсулотлар омбори ишчилари	Ип газлама қўлқоп	1
		Ип газлама қўлқоп	1
		Чарм ботинка	12
		Аёллар учун:	
		Ип газлама халат	6
		Эркаклар учун:	
3.	Вино омбори (винподвал) ишчилари	Ип газлама қўлқоп	1
		Ип газлама халат	6
		Чарм ботинка	12
		Технологик ускуналар ва цехни тозалаш пайтида қўшимча:	
		Резина этик	Яроқсиз бўлгунча
		Кўкракпешли резиналанган фартук	Яроқсиз бўлгунча
4.	Шиша бутилка қабул қилиш ва ювиш цехи ишчилари	Ип газлама қўлқоп	1
		Чарм ботинка	12
		Аёллар учун:	
		Ип газлама халат	6
		Эркаклар учун:	
		Ип газлама костюм	12

Т/р	Касб ва лавозим номлари	Махсус кийим, махсус пойабзал ва бошқа якка тартибда ҳимояланиш воситаларининг номлари	Фойдаланиш муддати (ойларда)
		Бутилкани қўлда ювиш пайтида қўшимча:	
		Резина этик	Яроқсиз бўлгунча
		Кўкракпешли резиналанган фартук	Яроқсиз бўлгунча
5.	Цехлардаги созловчи чилангарлар	Ип газлама қўлқоп	1
		Ип газлама костюм	12
		Чарм ботинка	12
		Каустик сода билан ишлаш пайтида қўшимча:	
		Ҳимояловчи кўзойнак	Яроқсиз бўлгунча
		Резина этик	Яроқсиз бўлгунча
		Резина қўлқоп	Яроқсиз бўлгунча
		Кўкракпешли резиналанган фартук	Яроқсиз бўлгунча
6.	Технолог-муҳандислар, кимёгар ва лаборантлар	Ип газлама оқ халат	6
7.	Бош муҳандис, бош технолог, цех ва лаборатория бошлиқлари	Ип газлама оқ халат	6
8.	Бош механик, бош энергетик ва хавфсизлик техникаси бўйича муҳандис	Ип газлама халат	12
9.	Вино пункти бошлиқлари	Ип газлама оқ халат	12
10.	Узум қабул қилиш ва қайта ишлаш пунктлари ишчилари	Чарм ботинка	12
		Ип газлама халат	6
		Технологик ускуналар ва узумни қайта ишлаш майдонини тозалаш пайтида қўшимча:	
		Кўкракпешли резиналанган фартук	Яроқсиз бўлгунча
		Резина этик	Яроқсиз бўлгунча
11.	Товар-моддий ресурслар омбори ишчилари	Брезент қўлбандлар	1
		Чарм ботинка	12
		Ип газлама костюм	12
		Ип газлама халат	6
12.	Қозонхона ва компрессор цехи ишчи-	Брезент қўлбандлар	1
		Чарм ботинка	12

Т/р	Касб ва лавозим номлари	Махсус кийим, махсус пойабзал ва бошқа якка тартибда ҳимояланиш воситаларининг номлари	Фойдаланиш муддати (ойларда)
	лари	Ип газлама костюм	12
		Ип газлама халат	6
13.	Чилангарлар	Ип газлама қўлқоп	1
		Ип газлама костюм	12
		Чарм ботинка	12
		Иссиқ тутувчи астарли ип газлама костюм	36
14.	Транспорт цехи ишчилари	Ип газлама костюм	12
15.	Пайвандчи	Чарм ботинка	12
		Брезент костюм	24
		Брезент қўлбандлар	Яроқсиз бўлгунча
		Ҳимояловчи кўзойнак	Яроқсиз бўлгунча
		Юзҳимоялагич тўсиқ	Яроқсиз бўлгунча
16.	Электромонтёр ва электрочилангарлар	Ип газлама костюм	12
		Резина қўлқоп	12
		Резина этик	24
17.	Корхона раҳбари, ўринбосарлари ва бошқа ходимлар	Ип газлама оқ халат	Навбатчи
18.	Фаррошлар ва боғбонлар	Ип газлама қўлқоп	1
		Аёллар учун:	
		Чарм ботинка	12
		Эркаклар учун:	
		Ип газлама халат	6
		Ип газлама костюм	12
II. Спирт ишлаб чиқарувчи корхоналарда			
19.	Дон қабул қилиш бўлими ишчилари	Респиратор	3
		Ип газлама халат	6
		Чарм ботинка	12
20.	Донга ишлов бериш ва пишириш бўлими ишчилари	Респиратор	3
		Ип газлама халат	6
		Чарм ботинка	12
21.	Бижғитиш бўлими ишчилари	Ип газлама халат	6
		Чарм ботинка	12
22.	Ачитқи тайёрлаш бўлими ишчилари	Ип газлама оқ халат	6
		Чарм ботинка	12
23.	Брагоректификация бўлими ишчилари	Ип газлама оқ халат	6
		Чарм ботинка	12
24.	Спирт йиғиш бўлими ишчилари	Ип газлама халат	6
		Чарм ботинка	12
25.	Спиртлар омбори ишчилари	Ип газлама халат	6
		Чарм ботинка	12

Т/р	Касб ва лавозим номлари	Махсус кийим, махсус пойабзал ва бошқа якка тартибда ҳимояланиш воситаларининг номлари	Фойдаланиш муддати (ойларда)
26.	Барда сақлаш ва сотиш бўлими ишчилари	Ип газлама халат	6
		Чарм ботинка	12
27.	Углекислота йиғиш ва сотиш бўлими ишчилари	Резина қўлқоп	1
		Ип газлама халат	6
		Чарм ботинка	12
28.	Технологик автоматлар ва ускуналарни ювиш ишчилари	Резина этик	Яроқсиз бўлгунча
		Кўкракпешли резиналанган фартук	Яроқсиз бўлгунча
29.	Технолог-муҳандислар, кимёгар ва лаборантлар	Ип газлама оқ халат	6
30.	Бош муҳандис, бош технолог, цех ва лаборатория бошлиқлари	Ип газлама оқ халат	6
31.	Бош механик, бош энергетик ва хавфсизлик техникаси бўйича муҳандис	Ип газлама халат	12
32.	Цех ва бўлимлар чилангарлари	Ип газлама костюм	12
		Чарм ботинка	12
33.	Товар-моддий ресурслар омбори ишчилари	Ип газлама қўлқоп	1
		Чарм ботинка	12
		Ип газлама костюм	12
		Ип газлама халат	6
34.	Қозонхона ва компрессор цехи ишчилари	Беш бармоқли ип газлама қўлқоп	1
		Чарм ботинка	12
		Ип газлама костюм	12
		Ип газлама халат	6
35.	Чилангарлар	Беш бармоқли ип газлама қўлқоп	1
		Ип газлама костюм	12
		Чарм ботинка	12
		Иссиқ тутувчи астарли ип газлама костюм	36
36.	Транспорт цехи ишчилари	Ип газлама костюм	12
37.	Пайвандчи	Чарм ботинка	12
		Брезент костюм	24
		Брезент қўлбандлар	Яроқсиз бўлгунча
		Ҳимояловчи кўзойнак	Яроқсиз бўлгунча
		Юз ҳимоялагич тўсиқ	Яроқсиз бўлгунча
38.	Электромонтёр ва электрочилангарлар	Ип газлама костюм	12
		Резина қўлқоп	12
		Резина этик	24

Т/р	Касб ва лавозим номлари	Махсус кийим, махсус пойабзал ва бошқа якка тартибда ҳимояланиш воситаларининг номлари	Фойдаланиш муддати (ойларда)
39.	Корхона раҳбари, ўринбосарлари ва бошқа ходимлар	Ип газлама оқ халат	Навбатчи
40.	Фаррошлар ва боғбонлар	Ип газлама қўлқоп	1
		Чарм ботинка	12
		Аёллар учун:	
		Ип газлама халат	6
		Эркаклар учун:	
		Ип газлама костюм	12
III. Ароқ ва ликёр-ароқ саноати корхоналарида			
41.	Қадоқлаш ва безаш цехлари ишчилари	Ип газлама оқ халат	6
		Ип газлама оқ рўмол ёки қалпоқча	6
		Технологик ускуналар ва цехни тозалаш пайтида қўшимча:	
		Чарм ботинка	12
		Кўкракпешли резиналанган фартук	Яроқсиз бўлгунча
		Маҳсулотларни жойлаш пайтида қўшимча:	
		Резина этик	Яроқсиз бўлгунча
		Ип газлама қўлқоп	1
42.	Шиша бутилка қабул қилиш ва ювиш цехи ишчилари	Ип газлама қўлқоп	1
		Чарм ботинка	12
		Ип газлама костюм	12
		Бутилкани қўлда ювиш пайтида қўшимча:	
		Ип газлама халат	6
		Резина этик	Яроқсиз бўлгунча
		Кўкракпешли резиналанган фартук	Яроқсиз бўлгунча
43.	Купаж цехи ишчилари	Ип газлама халат	6
		Чарм ботинка	12
		Технологик ускуналар ва цехни тозалаш пайтида қўшимча:	
		Кўкракпешли резиналанган фартук	Яроқсиз бўлгунча
		Резина этик	Яроқсиз бўлгунча
44.	Тайёр маҳсулотлар омбори ишчилари	Ип газлама қўлқоп	1
		Чарм ботинка	12
		Аёллар учун:	
		Ип газлама халат	6
		Эркаклар учун:	
		Ип газлама костюм	12

Т/р	Касб ва лавозим номлари	Махсус кийим, махсус пойабзал ва бошқа якка тартибда ҳимояланиш воситаларининг номлари	Фойдаланиш муддати (ойларда)
45.	Технолог-муҳандислар, кимёгар ва лаборантлар	Ип газлама оқ халат	6
46.	Бош муҳандис, бош технолог, цех ва лаборатория бошлиқлари	Ип газлама оқ халат	6
47.	Бош механик, бош энергетик ва хавфсизлик техникаси бўйича муҳандис	Ип газлама халат	12
48.	Товар-моддий ресурслар омбори ишчилари	Ип газлама қўлқоп	1
		Чарм ботинка	12
		Ип газлама костюм	12
		Ип газлама халат	6
49.	Қозонхона ва компрессор цехи ишчилари	Беш бармоқли ип газлама қўлқоп	1
		Чарм ботинка	12
		Ип газлама костюм	12
		Ип газлама халат	6
50.	Транспорт цехи ишчилари	Ип газлама костюм	12
51.	Чилангарлар	Беш бармоқли ип газлама қўлқоп	1
		Ип газлама костюм	12
		Чарм ботинка	12
		Иссиқ тутувчи астарли ип газлама костюм	36
52.	Пайвандчи	Чарм ботинка	12
		Брезент костюм	24
		Брезент қўлбандлар	Яроқсиз бўлгунча
		Ҳимояловчи кўзойнак	Яроқсиз бўлгунча
53.	Электромонтёр ва электрочилангарлар	Ип газлама костюм	12
		Резина қўлқоп	12
		Резина этик	24
54.	Цехлардаги соловчи чилангарлар	Беш бармоқли ип газлама қўлқоп	1
		Ип газлама костюм	12
		Чарм ботинка	12
		Каустик сода билан ишлаш пайтида қўшимча:	
		Ҳимояловчи кўзойнак	Яроқсиз бўлгунча
		Резина этик	Яроқсиз бўлгунча

Т/р	Касб ва лавозим номлари	Махсус кийим, махсус пойабзал ва бошқа якка тартибда ҳимояланиш воситаларининг номлари	Фойдаланиш муддати (ойларда)
		Резина қўлқоп	Яроқсиз бўлгунча
		Кўкракпешли резиналанган фартук	Яроқсиз бўлгунча
55.	Технологик автоматлар ва усқуналарни ювиш билан боғлиқ ишчилар учун қўшимча	Резина этик	Яроқсиз бўлгунча
		Кўкракпешли резиналанган фартук	Яроқсиз бўлгунча
56.	Корхона раҳбари, ўринбосарлари ва бошқа ходимлар	Ип газлама оқ халат	Навбатчи
57.	Фаррошлар ва боғбонлар	Ип газлама қўлқоп	1
		Чарм ботинка	12
		Аёллар учун:	
		Ип газлама халат	6
		Эркаклар учун:	
		Ип газлама костюм	12
IV. Компаниянинг барча корхоналарида			
58.	Таъмирлаш ва қурилиш бўйича ишчилар	Беш бармоқли ип газлама қўлқоп	1
		Ип газлама костюм	12
		Чарм ботинка	12
		Иссиқ тутувчи астарли ип газлама костюм	36
59.	Қўриқлаш бўлими ходимлари	Ип газлама костюм	12
		Чарм ботинка	12
		Иссиқ тутувчи астарли ип газлама костюм	36
60.	Ишлаб чиқариш цехларига четдан ташриф буюрган кишилар учун	Ип газлама оқ халат	Навбатчи

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МЕХНАТ ВА АҲОЛИНИ
ИЖТИМОЙ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ВАЗИРИНИНГ
БҮЙРУҒИ

83 Мебель ишлаб чиқаришда ходимлар учун махсус кийим, махсус пойабзал ва бошқа якка тартибда ҳимояланиш воситаларини бепул беришнинг намунавий меъёрларини тасдиқлаш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил
14 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1904*

(2009 йил 24 февралдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 12 июлдаги 267-сон қарори билан тасдиқланган «Мехнатни муҳофаза қилишга доир қоида ва нормаларни қайта кўриб чиқиш, ишлаб чиқиш ва жорий этиш дастури» (Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорлари тўплами, 2000 й., 7-сон, 39-модда) ижросини таъминлаш мақсадида **буюраман:**

1. Мебель ишлаб чиқаришда ходимлар учун махсус кийим, махсус пойабзал ва бошқа якка тартибда ҳимояланиш воситаларини бепул беришнинг намунавий меъёрлари иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгач кучга киритилади.

**Мехнат ва аҳолини ижтимоий
муҳофаза қилиш вазири в.б.**

А. ХАЙТОВ

Тошкент ш.,
2009 йил 23 январь,
3/Б-сон

Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза
қилиш вазирининг 2009 йил 23 январдаги
3/Б-сонли буйруғига
ИЛОВА

**Мебель ишлаб чиқаришда ходимлар учун махсус кийим,
махсус пойабзал ва бошқа якка тартибда ҳимояланиш
воситаларини бепул беришнинг
НАМУНАВИЙ МЕБЁРЛАРИ**

Т/р	Касб ва лавозим номлари	Махсус кийим, махсус пойабзал ва бошқа якка тартибда ҳимояланиш воситаларининг номлари	Фойдаланиш муддати (ойларда)
I. Ёғоч арралови, уй-жой қурилиши, мебель, паркет ва ёғоч идиш (яшик) ишлаб чиқариш ходимлари учун			
1.	Автомобиль ҳайдовчиси	Автомобилда ёғоч ташиш ишларида:	
		Ип газлама костюм	24
		Ип газлама қўлқоп	2
		Иссиқ тутувчи астарли ип газлама куртка	36
		Иссиқ тутувчи астарли ип газлама шим	36
2.	Лента ва темирли сетка ясовчи	Ип газлама халат	12
		Чарм қўлқоп	12
		Ҳимояловчи кўзойнак	Яроқсиз бўлгунча
3.	Елим пиширувчи	Ип газлама халат	12
		Резина этик	12
		Ип газлама қўлқоп	3
4.	Мебель учун қоғозчи материаллар терувчиси	Ип газлама халат	12
5.	Мебелни қоғозчи	Ип газлама фартук	12
6.	Мебель қисмларига ишлов берувчи	Ип газлама фартук	12
		Чақичсимон елим билан доимо ишлаганда:	
		Ип газлама халат	12
7.	Қуритиш ускунаси оператори	Ёғоч арралов материаллари, қисмлари ва буюмларини, ҳамда тўлдирувчи материалларни қуритишда:	
		Ип газлама фартук	12
		Ип газлама қўлқоп	2
8.	Ёғоч буюмларга ишлов берувчи	Ип газлама халат	12
		Ип газлама кўкракпешли фартук	12
		Чарм пойабзал	12
		Респиратор	Яроқсиз бўлгунча
		Ҳимояловчи кўзойнак	Яроқсиз бўлгунча

Т/р	Касб ва лавозим номлари	Махсус кийим, махсус пойабзал ва бошқа якка тартибда ҳимояланиш воситаларининг номлари	Фойдаланиш муддати (ойларда)
		Пульверезацион усулда (кабиналарда) мебелни бўяшда:	
		Ип газлама фартук ўрнига ип газлама ярим комбинезон	12
		Кислотали лаклар билан ишлаганда:	
		Резина қўлқоп	Яроқсиз бўлгунча
9.	Тўшаш ва тўлдириш материалларини тайёрловчи	Ип газлама ярим комбинезон	12
		Ип газлама қўлқоп	Яроқсиз бўлгунча
		Респиратор	Яроқсиз бўлгунча
		Ҳимояловчи кўзойнак	Яроқсиз бўлгунча
10.	Ёрдамчи ишчи	Ип газлама костюм	12
		Ип газлама қўлқоп	2
		Очиқ ҳавода қишда бункерларда ишлаганда:	
		Иссиқ тутувчи астарли ип газлама куртка	36
		Иссиқ тутувчи астарли ип газлама шим	36
11.	Ёғоч буюмлари ва арра материаллари шимдирувчиси	Кислотадан ҳимояловчи модда шимдирилган ип газлама костюм	12
		Резина этик	12
		Резина қўлқоп	Навбатчи
12.	Бўёқ, ва лак тайёрловчи	Резина кўкракпешли фартук	12
		Резина қўлқоп	Навбатчи
13.	Бўктириш чуқурларига хизмат кўрсатувчи ишчи	Резина кўкракпешли фартук	1
		Резина этик	12
		Ип газлама қўлқоп	3
		Заҳарли ишлов бериш материаллари билан ишлаганда:	
		Резина қўлқоп	Навбатчи
		Очиқ ҳавода қишда доимо банд бўлган ишларда:	
		Иссиқ тутувчи астарли ип газлама куртка	36
		Иссиқ тутувчи астарли ип газлама шим	36
14.	Ромчи	Ип газлама костюм	12
		Ип газлама қўлқоп	2
		Очиқ ҳавода қишда доимо банд бўлган ишларда:	
		Иссиқ тутувчи астарли ип газлама куртка	36

Т/р	Касб ва лавозим номлари	Махсус кийим, махсус пойабзал ва бошқа якка тартибда ҳимояланиш воситаларининг номлари	Фойдаланиш муддати (ойларда)	
		Иссиқ тутувчи астарли ип газлама шим	36	
15.	Ёғоч буюмлари йиғувчиси	Ип газлама фартук	6	
		Ип газлама қўлқоп	2	
		Очиқ ҳавода қишда банд бўлган ишларда:		
		Иссиқ тутувчи астарли ип газлама куртка	36	
		Иссиқ тутувчи астарли ип газлама шим	36	
16.	Ёғоч буюмлари ва материалларини сараловчиси	Ип газлама кўкракпешли фартук	12	
		Ип газлама қўлқоп	2	
		Очиқ ҳавода қишда доимо банд бўлган ишларда:		
		Иссиқ тутувчи астарли ип газлама куртка	36	
		Иссиқ тутувчи астарли ип газлама шим	36	
17.	Барча номдаги дастгоҳчи	Ёғочни ишлаш ишлаб чиқариш ускуналарига хизмат кўрсатиш бўйича ишларда:		
		Ип газлама костюм	12	
		Ип газлама қўлқоп	2	
		Ҳимояловчи кўзойнак	Яроқсиз бўлгунча	
		Очиқ ҳавода қишда банд бўлган ишларда:		
		Иссиқ тутувчи астарли ип газлама куртка	36	
		Иссиқ тутувчи астарли ип газлама шим	36	
18.	Дурадгор	Ип газлама фартук	6	
		Ип газлама қўлқоп	2	
		Елимловчи смолалар билан ишлаганда:		
		Ип газлама фартук ўрнига ип газлама халат	12	
		Резина қўлқоп	6	
19.	Ёғоч буюмлари, қисмлари ва арра материалларини тахловчи	Ип газлама костюм	12	
		Ип газлама қўлқоп	2	
		Очиқ қишда доимо банд бўлган ишларда:		
		Иссиқ тутувчи астарли ип газлама куртка	36	
		Иссиқ тутувчи астарли ип газлама шим	36	
20.	Ёғоч бўйича силлиқловчи	Ип газлама ярим комбинезон	12	
		Чарм пойабзал	12	
		Респиратор	Яроқсиз бўлгунча	

T/p	Касб ва лавозим номлари	Махсус кийим, махсус пойабзал ва бошқа якка тартибда ҳимояланиш воситаларининг номлари	Фойдаланиш муддати (ойларда)
		Қўлда силлиқлаганда:	
		Ип газлама қўлқоп	2
II. Фанера ва гугурт ишлаб чиқаришда			
1. Фанера ишлаб чиқаришда			
21.	Сунъий чақич ишлаб чиқариш аппаратчиси	Ип газлама костюм Резина қўлқоп	12 Яроқсиз бўлгунча
22.	Ёғочни қайта ишлаш тегирмончиси	Елим материалларини майдалаш ишларини бажаришда: Ип газлама ярим комбинезон Резина қўлқоп Ҳимояловчи кўзойнак	12 Навбатчи Яроқсиз бўлгунча
23.	Мебель учун безовчи материаллар йиғувчиси	Ип газлама қўлқоп	2
24.	Ёғочдан ясалган буюмлар сайқалловчиси	Ип газлама халат Ип газлама кўкракпешли фартук Респиратор Ҳимояловчи кўзойнак	12 12 Яроқсиз бўлгунча Яроқсиз бўлгунча
25.	Ёрдамчи ишчи	Ип газлама кўкракпешли фартук Ип газлама қўлқоп	12 2
26.	Ёғочдан ясалган буюмлар прессловчиси	Ингичка плитка прессида ишлаганда: Резина фартук Резина этик Резина қўлқоп Ҳимояловчи кўзойнак Совуқ елимлаш бўйича ишларни бажаришда: Ип газлама фартук Сақичли елим билан доимо ишлаганда: Ип газлама костюм	12 12 Яроқсиз бўлгунча Яроқсиз бўлгунча 12 12 12
27.	Ёғоч шпон шимдирувчиси	Резина фартук Резина этик Резина қўлқоп Ҳимояловчи кўзойнак	12 12 Яроқсиз бўлгунча Яроқсиз бўлгунча
28.	Йиғувчи	Резина фартук Ип газлама қўлқоп Респиратор	12 2 Яроқсиз бўлгунча

Т/р	Касб ва лавозим номлари	Махсус кийим, махсус пойабзал ва бошқа якка тартибда ҳимояланиш воситаларининг номлари	Фойдаланиш муддати (ойларда)
		Ҳимояловчи кўзойнак	Яроқсиз бўлгунча
		Сақичли елим билан доимо ишлаганда:	
		Ип газлама костюм	12
29.	Фанерли труба йиғувчиси	Ип газлама ярим комбинезон	12
		Респиратор	Яроқсиз бўлгунча
30.	Фанерли труба елимловчиси	Ип газлама ярим комбинезон	12
		Ип газлама қўлқоп	2
31.	Ёғоч шпон ва фанера сараловчиси	Ип газлама халат	12
32.	Ёғочни қайта ишлов бериш даргоҳларидаги токар дастгоҳида ишловчи дастгоҳчи	Ип газлама кўкракпешли фартук	12
		Респиратор	Яроқсиз бўлгунча
		Ҳимояловчи кўзойнак	Яроқсиз бўлгунча
33.	Арраловчи-дастгоҳчи, йўнувчи дастгоҳ дастгоҳчиси	Ип газлама ярим комбинезон	12
		Ип газлама қўлқоп	2
34.	Ёғоч шпон ва фанера қуритувчиси	Ип газлама кўкракпешли фартук	12
		Ип газлама қўлқоп	2
35.	Транспортировкачи	Фанера ва шпонни олиб келиш ва олиб кетиш ишларида:	
		Ип газлама халат	12
		Ип газлама қўлқоп	2
36.	Ёғочдан ясалган арралов материаллари, қисмлар ва буюмларни тахловчи	Ип газлама қўлқоп	3
		Сақичли елим билан доимий ишлашда:	
		Ип газлама костюм	12
		Резина фартук	12
37.	Тахловчи-ўровчи	Фанерани ўраш бўйича ишларда:	
		Ип газлама фартук	12
		Ип газлама қўлқоп	2
2. Гугурт ишлаб чиқаришда			
38.	Қуруқ гугурт чўпларини ишлаб чиқариш бўйича аппаратчи	Ип газлама қўлқоп	2
39.	Ботирувчи	Ёнғиндан сақловчи модда шимдирилган ип газлама костюм	12
		Резина қўлқоп	Яроқсиз бўлгунча
40.	Гугурт қутисига суртувчи	Ип газлама фартук	12
		Резина қўлқоп	Яроқсиз бўлгунча
41.	Қутини тўлдирувчи дастгоҳ оператори	Ёнғиндан сақловчи модда шимдирилган ип газлама халат	12

Т/р	Касб ва лавозим номлари	Махсус кийим, махсус пойабзал ва бошқа якка тартибда ҳимояланиш воситаларининг номлари	Фойдаланиш муддати (ойларда)	
42.	Гугурт қутисини тайёрлаш бўйича автоматик линия оператори	Ип газлама фартук	12	
43.	Гугурт автоматлари оператори	Ёнғиндан сақловчи модда шимдирилган ип газлама халат	12	
		Ёнғиндан сақловчи модда шимдирилган ип газлама рўмол	12	
44.	Ёйилган гугуртни тахлаш бўйича дастгоҳ оператори	Ёнғиндан сақловчи модда шимдирилган ип газлама кўкракпешли фартук	12	
45.	Гугурт массасини тайёрловчи	Ёнғиндан сақловчи модда шимдирилган ип газлама халат	12	
		Резина қўлқоп	Яроқсиз бўлгунча	
		Респиратор	Яроқсиз бўлгунча	
		Тегирмон ва массага ишлов бериш дастгоҳига хизмат кўрсатиш бўйича ишларда:		
		Ип газлама халат ўрнига, ёнғиндан сақловчи модда шимдирилган ип газлама костюм	12	
46.	Ёғочдан ясалган арралов материаллари ва буюмларни шимдирувчи	Резина фартук	12	
		Резина этик	12	
		Резина қўлқоп	Яроқсиз бўлгунча	
47.	Ёғочдан ясалган буюмлар йигувчиси	Қути (яшик) ясаш бўйича ишларни бажаришда:		
		Ип газлама костюм	12	
		Ип газлама қўлқоп	2	
48.	Транспортировкачи	Химикатлар транспортировкаси бўйича ишларни бажаришда:		
		Ёнғиндан сақловчи модда шимдирилган ип газлама фартук	12	
		Резина қўлқоп	Яроқсиз бўлгунча	
49.	Тахловчи-ўровчи	Химикатларни қадоқлашда:		
		Резина қўлқоп	Яроқсиз бўлгунча	
		Респиратор	Яроқсиз бўлгунча	
3. Гугурт ва фанера ишлаб чиқаришдаги умумий касблар учун				
50.	Елим пиширувчи	Ип газлама халат	12	
		Резина этик	12	
		Ип газлама қўлқоп	3	
51.	Ёғоч шпонига ишлов берувчи	Ип газлама ярим комбинезон	12	

Т/р	Касб ва лавозим номлари	Махсус кийим, махсус пойабзал ва бошқа якка тартибда ҳимояланиш воситаларининг номлари	Фойдаланиш муддати (ойларда)
52.	Ёғочни бугловчи-пиширувчи	Резина фартук	12
		Резина этик	12
		Ип газлама қўлқоп	2
III. Ёғоч уни ишлаб чиқаришда			
53.	Ёғочни қайта ишлаб чиқариш тегирмончиси	Ип газлама халат	12
		Ип газлама қўлқоп	2
54.	Қуритиш ускунаси оператори	Ип газлама халат	12
		Ип газлама қўлқоп	2
55.	Ёрдамчи ишчи	Ип газлама халат	12
		Ип газлама қўлқоп	2
		Ип газлама (шлем) рўмол	12
56.	Сепараторчи	Ип газлама халат	12
		Ип газлама қўлқоп	2
57.	Тахловчи-ўровчи	Ёғоч уни олишда ва қошларни унга тўлдириш ишларида:	
		Ип газлама халат	12
		Ип газлама қўлқоп	2
		Ип газлама (шлем) рўмол	12
IV. Ёғоч плиталар ишлаб чиқаришда			
58.	Бириктирувчи модда тайёрловчи аппаратчи	Ксилолли массани тайёрлаш бўйича ишларни бажаришда:	
		Ип газлама ярим комбинезон	12
		Ип газлама қўлқоп	2
		Респиратор	Яроқсиз бўлгунча
59.	Қуюв машинаси машинисти	Ип газлама ярим комбинезон	1
		Резина этик	12
		Ип газлама қўлқоп	2
60.	Аралаштирув ускунаси машинисти	Ип газлама костюм	1
		Ип газлама қўлқоп	2
61.	Ёғоч аралов материаллари ва буюмларини шимдирувчи	Ип газлама ярим комбинезон	12
		Резина қўлқоп	Яроқсиз бўлгунча
		Противогаз	Яроқсиз бўлгунча
62.	Ёғоч-толали плиталарга ранг берувчи	Ёғоч-толали плитани бўяшда:	
		Ярим резина этик	12
63.	Толали плиталарни майдаловчи	Резина фартук	Яроқсиз бўлгунча
		Резина этик	12
		Ип газлама қўлқоп	2
64.	Ёғоч майдаловчи	Ип газлама ярим комбинезон	12
		Ип газлама қўлқоп	2

Т/р	Касб ва лавозим номлари	Махсус кийим, махсус пойабзал ва бошқа якка тартибда ҳимояланиш воситаларининг номлари	Фойдаланиш муддати (ойларда)
		Аралаштирувчи бассейнларга хизмат кўрсатиш бўйича ишларни бажаришда:	
		Ярим резина этик	12
65.	Шақлсизлантирувчи	Ип газлама ярим комбинезон	12
		Ип газлама қўлқоп	2
		Резина фартук	Навбатчи
66.	Мойловчи	Ип газлама костюм	12
		Резина қўлқоп	Яроқсиз бўлгунча
67.	Ёғоч буюмлари сараловчиси	Ип газлама ярим комбинезон	12
		Ип газлама қўлқоп	15 кун
		Респиратор	Яроқсиз бўлгунча
		Ҳимояловчи кўзойнак	Яроқсиз бўлгунча
68.	Ёғоч-толали плитани иссиқда ишлов берувчи	Ип газлама костюм	12
		Ип газлама қўлқоп	2
69.	Тахловчи-ўровчи	Плиталарни тахлаш бўйича ишларни бажаришда:	
		Ип газлама фартук	12
		Ип газлама қўлқоп	2
70.	Филтрловчи	Ип газлама костюм	12
		Ип газлама қўлқоп	2
71.	Тозаловчи	Ип газлама костюм	12
		Ип газлама қўлқоп	2
		Металл пластинкаларидан тозалаш ишларида:	
		Ип газлама қўлқоп ўрнига резина қўлқоп	Яроқсиз бўлгунча
72.	Ёғочни силлиқловчи	Плитани силлиқлаш бўйича ишларни бажаришда:	
		Ип газлама костюм	12
		Ип газлама қўлқоп	2
V. Қалам ишлаб чиқаришда			
1. Графит (стерженли) ишлаб чиқаришда			
73.	Ташувчи	Графит ташишда:	
		Ип газлама комбинезон	12
		Ип газлама қўлқоп	2
74.	Ёғочни қайта ишлаш назоратчиси	Ип газлама халат	12
		Ип газлама ярим комбинезон	12
75.	Уста	Ип газлама костюм	12
76.	Графитли ўзакни куйдирувчи	Ип газлама комбинезон	12
		Резина фартук	6
		Чарм пойабзали	12
		Ип газлама қўлқоп	3

Т/р	Касб ва лавозим номлари	Махсус кийим, махсус пойабзал ва бошқа якка тартибда ҳимояланиш воситаларининг номлари	Фойдаланиш муддати (ойларда)
77.	Ёрдамчи ишчи	Ип газлама ярим комбинезон	12
		Ип газлама қўлқоп	2
78.	Қалам блоки пресловчиси	Ип газлама халат	12
		Ип газлама қўлқоп	2
79.	Ўзакни шимдирувчи	Ип газлама комбинезон	12
		Резина фартук	6
		Чарм пойабзал	12
		Ип газлама	3
80.	Ўзакни юмалатувчи	Ип газлама халат	12
		Ип газлама қўлқоп	3
		Респиратор	Яроқсиз бўлгунча
		Иссиқ плитада ишлашда:	
		Резина фартук	12
		Ип газлама қўлқоп ўрнига чарм қўлқоп	12
		Респиратор	Яроқсиз бўлгунча
81.	Қалам массасини майдаловчиси	Чанг ўтказмайдиган ип газлама комбинезон	12
		Резина фартук	12
		Ип газлама қўлқоп	3
		Респиратор	Яроқсиз бўлгунча
82.	Ўзак ипи кесувчиси	Ип газлама халат	12
		Ип газлама қўлқоп	12
		Респиратор	Яроқсиз бўлгунча
83.	Таъмирловчи чилангар	Ип газлама халат	12
		Ип газлама ярим комбинезон	12
84.	Аралаштирувчи	Аппаратни тайёрлаш бўйича ишларни бажаришда:	
		Ип газлама халат	12
		Резина фартук	12
		Резина этик	12
		Резина қўлқоп	12
		Респиратор	Яроқсиз бўлгунча
		Ҳимояловчи кўзойнак	Яроқсиз бўлгунча
		Валцада аралаштириш бўйича ишларни бажаришда:	
		Ип газлама костюм	12
Ип газлама қўлқоп	2		
85.	Қалам ишлаб чиқариш сараловчиси	Ўзак (стержен)ни саралаш бўйича ишларни бажаришда:	
		Ип газлама халат	12

Т/р	Касб ва лавозим номлари	Махсус кийим, махсус пойабзал ва бошқа якка тартибда ҳимояланиш воситаларининг номлари	Фойдаланиш муддати (ойларда)
		Ип газлама қўлқоп	3
		Респиратор	Яроқсиз бўлгунча
86.	Ўзак (стержен)ни қуритувчи	Ип газлама комбинезон	12
		Ип газлама қўлқоп	2
87.	Ишлаб чиқариш ва хизмат хоналари фарроши	Ип газлама халат	12
		Чарм пойабзал	12
88.	Шихталовчи	Ип газлама костюм	12
		Ип газлама қўлқоп	2
		Резина қўлқоп	Яроқсиз бўлгунча
		Респиратор	Яроқсиз бўлгунча
		Ҳимояловчи кўзойнак	Яроқсиз бўлгунча
		Ип газлама фартук	12
		Ички кийим	6
2. Қалам ишлаб чиқаришда			
89.	Елимлаш яримавтоматлар автоматчиси	Ип газлама халат	12
90.	Омборчи	Ип газлама халат	12
		Ип газлама қўлқоп	2
91.	Ёғочни қайта ишлаб чиқариш назоратчиси	Ип газлама халат	12
92.	Қалам ва ўзакни бутловчи	Ип газлама фартук	12
93.	Қалам бўёвчи	Ип газлама халат	12
		Респиратор	Яроқсиз бўлгунча
94.	Ювиш машинаси машинисти	Резина фартук	12
		Резина қўлқоп	Яроқсиз бўлгунча
		Бўш идишларни ювиш ишларини бажаришда:	
		Ип газлама халат	12
		Резина фартук	6
		Резина этик	12
		Резина қўлқоп	3
95.	Қаламлар йиғиш автомати оператори	Ип газлама фартук	12
96.	Автоматда қаламларга ишлов берувчи	Ип газлама ярим комбинезон	12
		Резина қўлқоп	Яроқсиз бўлгунча
97.	Ёрдамчи ишчи	Ип газлама халат	12
		Ип газлама костюм	12
98.	Қаламлар блоқи прессловчиси	Ип газлама ярим комбинезон	12
		Резина фартук	12

Т/р	Касб ва лавозим номлари	Махсус кийим, махсус пойабзал ва бошқа якка тартибда ҳимояланиш воситаларининг номлари	Фойдаланиш муддати (ойларда)
		Ип газлама қўлқоп	2
99.	Механик йиғиш ишлари чилангари	Ип газлама фартук	12
100.	Қалам ишлаб чиқариш сараловчиси	Ип газлама фартук	12
101.	Таёқчаларни қуритувчи	Ип газлама халат	12
102.	Ёғочни силиқловчи	Ип газлама халат	12
		Ип газлама костюм	12
		Ип газлама фартук	12
VI. Ёғочни қайта ишлаб чиқаришдаги умумий касблар учун			
103.	Битум пиширувчи	Ип газлама костюм	12
		Чарм пойабзал	12
		Ип газлама қўлқоп	3
104.	Шишани майдаловчи	Химикатлар ва шишани майдалаш бўйича ишларни бажаришда:	
		Ип газлама костюм	12
		Резина этик	12
		Ип газлама қўлқоп	2
		Респиратор	Яроқсиз бўлгунча
Ҳимояловчи кўзойнак	Яроқсиз бўлгунча		
105.	Ёғочни қайта ишлаш асбоби чархловчиси	Ип газлама костюм	12
		Ип газлама қўлқоп	2
106.	Ёғочни қайта ишлаш назоратчиси	Ип газлама халат	12
		Ип газлама қўлқоп	2
		Очиқ ҳавода қишда доимо банд бўлган ишларда:	
		Иссиқ тутувчи астарли ип газлама куртка	36
		Иссиқ тутувчи астарли ип газлама шим	36
107.	Чиғирчи	Очиқ ҳавода қишда доимо банд бўлган ишларда:	
		Иссиқ тутувчи астарли ип газлама куртка	36
		Иссиқ тутувчи астарли ип газлама шим	36
108.	Ёғочни чопиш машинаси машинисти	Ип газлама ярим комбинезон	12
		Ип газлама қўлқоп	2
109.	Ювиш машинаси машинисти	Технологик идишларни ювишни бажаришда:	
		Резина фартук	12
		Резина этик	12
		Резина қўлқоп	Яроқсиз бўлгунча
110.	Ёғочга ишлов бериш автоматик ва ярим авто-	Ип газлама костюм	12
		Ип газлама қўлқоп	2

Т/р	Касб ва лавозим номлари	Махсус кийим, махсус пойабзал ва бошқа якка тартибда ҳимояланиш воситаларининг номлари	Фойдаланиш муддати (ойларда)	
	матик линиялари оператори			
111.	Арралов материалларига ишлов бериш қурилмаси ва линияси оператори	Ип газлама костюм	12	
		Ип газлама қўлқоп	2	
		Очиқ ҳавода қишда банд бўлган ишларда:		
		Иссиқ тутувчи астарли ип газлама куртка	36	
		Иссиқ тутувчи астарли ип газлама шим	36	
112.	Дурадгор	Ип газлама фартук	6	
		Ип газлама қўлқоп	3	
113.	Ёрдамчи ишчи	Ип газлама костюм	1	
		Ип газлама қўлқоп	2	
		Очиқ ҳавода қишда банд бўлган ишларда:		
		Иссиқ тутувчи астарли ип газлама куртка	36	
		Иссиқ тутувчи астарли ип газлама шим	36	
114.	Ишлаб чиқаришга ёғочни узатишда банд бўлган ишчи	Ишлаб чиқаришга ёғочни узатиш бўйича ишларни бажаришда:		
		Сув ўтказмайдиган модда шим-дирилган ип газлама костюм	12	
		Ип газлама қўлқоп	23	
		Очиқ ҳавода қишда банд бўлган ишларда:		
		Иссиқ тутувчи астарли ип газлама куртка	36	
		Иссиқ тутувчи астарли ип газлама шим	36	
		Юқори намлик шароитидаги ишларда:		
		Резина этик	12	
115.	Ёғоч шпони ва безак материалларини кесувчиси	Ип газлама халат	12	
		Ип газлама қўлқоп	2	
116.	Ёғоч буюмлари йиғувчиси	Ип газлама фартук	6	
		Ип газлама қўлқоп	2	
		Резина этик	12	
		Ип газлама қўлқоп	2	
117.	Арраловчи дастгоҳчи	Ип газлама ярим комбинезон	24	
		Резина этик	12	
		Ип газлама қўлқоп	2	
		Очиқ ҳавода қишда банд бўлган ишларда:		
		Иссиқ тутувчи астарли ип газлама куртка	36	
		Иссиқ тутувчи астарли ип газлама шим	36	

Т/р	Касб ва лавозим номлари	Махсус кийим, махсус пойабзал ва бошқа якка тартибда ҳимояланиш воситаларининг номлари	Фойдаланиш муддати (ойларда)
118.	Елим суртувчи дастгоҳчи	Ип газлама костюм	12
		Ип газлама қўлқоп	2
119.	Юк ташувчи	Тупроқ, шлам ва химикатларни ташишда:	
		Ип газлама костюм	12
		Резина фартук	Навбатчи
		Резина этик	12
		Ип газлама қўлқоп	2
		Бошқа ишларни бажаришда:	
		Ип газлама кўкракпешли фартук	12
		Ип газлама қўлқоп	2
		Очиқ ҳавода қишда доимо банд бўлган ишларда:	
		Иссиқ тутувчи астарли ип газлама куртка	36
		Иссиқ тутувчи астарли ип газлама шим	36
120	Технологик усқунани созловчи чилангар; усқунани монтаж қилиш ва таъмирлаш бўйича чилангар	Ип газлама костюм	12
		Ип газлама қўлқоп	6
		Очиқ ҳаводаги ишларда қишда доимо банд бўлганда:	
		Иссиқ тутувчи астарли ип газлама куртка	36
		Иссиқ тутувчи астарли ип газлама шим	36
121.	Электр усқунасини таъмирловчи электрмонтёр	Ип газлама костюм	12
		Ип газлама қўлқоп	6
		Диэлектрик қўлқоп	Навбатчи
		Диэлектрик этик ва калиш	Навбатчи
		Очиқ ҳавода қишда доимо банд бўлган ишларда:	
		Иссиқ тутувчи астарли ип газлама куртка	36
		Иссиқ тутувчи астарли ип газлама шим	36
122.	Сантехника чилангари	Брезент костюм	12
		Резина этик	12
		Ип газлама қўлқоп	Яроқсиз бўлгунча
		Сув ўтказмайдиган модда шим-дирилган ип газлама костюм	12
123.	Автоэлектрик	Ип газлама костюм	12
		Резина фартук	Навбатчи
		Резина этик	12
124.	Юк ташиш ва махсус автокранли ва шатакли	Ип газлама комбинезон	12
		Ип газлама қўлқоп	6

Т/р	Касб ва лавозим номлари	Махсус кийим, махсус пойабзал ва бошқа якка тартибда химояланиш воситаларининг номлари	Фойдаланиш муддати (ойларда)
	автомобиллар ҳайдовчиси		
125.	Автомобиль болонларига хизмат кўрсатувчи (вулканизатор)	Ип газлама комбинезон	12
		Ип газлама қўлқоп	2
126.	Ёқилғи мойлаш маҳсулотлари қуувчи	Ип газлама халат	12
		Ип газлама қўлқоп	6
127.	Автомобилни таъмирлаш бўйича чилангар	Ип газлама костюм	12
		Ип газлама қўлқоп	6
		Очиқ ҳавода қишда банд бўлган ишларда:	
		Иссиқ тутувчи астарли ип газлама куртка	36
		Иссиқ тутувчи астарли ип газлама шим	36
128.	Асбобсоз чилангар	Ип газлама ярим комбинезон	12
129.	Двигатель таъмирлаш чилангари	Ип газлама костюм	12
		Резина фартук	12
		Резина этик	12
		Резина қўлқоп	6
130.	Пайвандчи	Юқори температурадан химояловчи ип газлама костюм	12
		Чарм пойабзал	12
		Брезент қўлқоп	Яроқсиз бўлгунча
		Юзни химояловчи ниқоб (маска)	Навбатчи
		Химояловчи кўзойнак	Навбатчи
		Очиқ ҳавода қишда банд бўлган ишларда:	
		Иссиқ тутувчи астарли ип газлама куртка	36
		Иссиқ тутувчи астарли ип газлама шим	36
131.	Токаръ	Ип газлама костюм	12
		Чарм пойабзал	12
		Брезент қўлқоп	Яроқсиз бўлгунча
		Химояловчи кўзойнак	Навбатчи
132.	Фаррош	Ип газлама халат	6
		Резина этик ва калиш	Навбатчи
133.	Омборчи	Ип газлама халат	12

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ**84** **Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг
норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини тайёрлаш ва қабул
қилиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил
14 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1905*

(2009 йил 1 июндан кучга киради)

Ўзбекистон Республикасининг «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 й., 1-2-сон, 8-модда), Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 9 октябрдаги 469-сон «Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар меъёрий ҳужжатларининг қонунийлигини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорлари тўплами, 1997 й., 10-сон, 33-модда) ҳамда 2000 йил 19 майдаги 197-сон «Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг меъёрий ҳужжатларини қабул қилиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорлари тўплами, 2000 й., 5-сон, 26-модда) қарорларига мувофиқ, шунингдек вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар томонидан норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлаш тартибини янада такомиллаштириш мақсадида **бўюраман:**

1. Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини тайёрлаш ва қабул қилиш қоидалари иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур буйруқ давлат рўйхатига олинсин ва бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идоралари норматив-ҳуқуқий ҳужжатларининг Давлат реестрига тегишли ёзув киритилсин.

3. Идоравий меъёрий ҳужжатларни давлат рўйхатидан ўтказиш бошқармаси (Б. Хасанов) ва Қонун ҳужжатларини туркумлаш ва ҳуқуқий ахборот бошқармаси (А. Инанбабаев) ушбу норматив-ҳуқуқий ҳужжатни ўн кун муддат ичида барча манфаатдор шахсларга етказилишини ва «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами» — «Собрание законодательства Республики Узбекистан»да нашр этилишини таъминласин.

4. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирининг 2000 йил 16 октябрдаги 124-сон «Идоравий меъёрий ҳужжатларни тайёрлаш ва қабул қилиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғи (рўйхат рақами 979, 2000 йил 16 октябрь) (Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идораларининг меъёрий ҳужжатлари ахборотномаси, 2000 й., 20-сон) ўз кучини йўқотган деб топилсин.

5. Ушбу буйруқ 2009 йил 1 июндан кучга киради.

6. Мазкур буйруқ ижросини назорат қилиш вазир ўринбосари Е. Канъязов зиммасига юклатилсин.

Адлия вазири

Р. МУҲИТДИНОВ

Тошкент ш.,
2009 йил 14 февраль,
42-мх-сон

Адлия вазирининг
2009 йил 14 февралдаги
42-мх-сон буйруғига
ИЛОВА

**Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-
ҳуқуқий ҳужжатларини тайёрлаш ва қабул қилиш
ҚОИДАЛАРИ**

Мазкур Қоидалар Ўзбекистон Республикасининг «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 й., 1-2-сон, 8-модда), Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 9 октябрдаги 469-сон «Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар меъёрий ҳужжатларининг қонунийлигини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорлари тўплами, 1997 й., 10-сон, 33-модда) ҳамда 2000 йил 19 майдаги 197-сон «Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг меъёрий ҳужжатларини қабул қилиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорлари тўплами, 2000 й., 5-сон, 26-модда) қарорларига мувофиқ вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини тайёрлаш, расмийлаштириш, қабул қилиш, ҳуқуқий экспертизадан, давлат рўйхатидан ўтказиш ва кучга кириш тартибини белгилайди.

I-боб. Умумий қоидалар

1-§. Асосий тушунчалар

1. Мазкур Қоидаларда қуйидаги тушунчалар қўлланилади:

қонунчилик техникаси — ҳуқуқ ижодкорлиги фаолиятини ташкил қилиш ва амалга ошириш учун фойдаланиладиган қоидалар, методлар, воситалар ва усуллар (инструментлар) мажмуи;

вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари (бундан кейинги ўринларда норматив-ҳуқуқий ҳужжат деб юритилади) — вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар томонидан белгиланган шаклда қабул қилинган, умуммажбурий норматив-ҳуқуқий

давлат кўрсатмалари сифатида қонун ҳужжатлари нормаларини белгилаш, ўзгартириш ёки бекор қилишга қаратилган расмий ҳужжат;

ҳуқуқий экспертиза — норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонун ҳужжатларига, шунингдек, қонунчилик техникасига мувофиқлигини текширишни амалга ошириш.

2. Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар (бундан кейинги ўринларда вазирлик ва идоралар деб юритилади) Ўзбекистон Республикасининг «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 9 октябрдаги 469-сон «Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар меъёрий ҳужжатларининг қонунийлигини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори, бошқа қонун ҳужжатлари ҳамда мазкур Қоидаларга мувофиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қиладилар.

Мазкур Қоидаларда идоралар деганда вазирлик ёки давлат қўмитаси ҳисобланмаган, ижро этиш ёки фармойиш бериш функциялари, шунингдек, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиш ҳуқуқи берилган давлат бошқарув органлари ёхуд махсус ваколатли бошқарув органлари (агентликлар, комиссиялар, марказлар, бошқармалар ва бошқалар) тушунилади.

2-§. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатни қабул қилиш ваколати

3. Вазирлик ва идоралар ўз ваколатлари доирасида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қиладилар. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатни қабул қилиш, агар Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорларида вазирлик ёки идорага тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатни қабул қилиш ёки тегишли муносабатларни норматив тартибга солиш ваколати берилган бўлса, уларнинг ваколатига киради.

Вазирлик ва идораларнинг таркибий бўлинмалари ва ҳудудий органлари норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилишга ҳақли эмас, қонунчилик билан уларга бундай ҳуқуқ берилган ҳоллар бундан мустасно. Вазирлик ва идоралар норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиш бўйича берилган ваколатни бошқа органларга, шу жумладан ўзларининг таркибий бўлинмалари ва ҳудудий органларига беришга ҳақли эмас.

4. Вазирлик ва идоралар норматив-ҳуқуқий тартибга солишни талаб қиладиган масалалар келиб чиққан тақдирда, агар ушбу масалаларни норматив-ҳуқуқий тартибга солиш ўз ваколатларига кирса, тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ўз вақтида қабул қилишлари керак. Адлия вазирлиги вазирлик ва идораларга тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатни қабул қилиш зарурлиги тўғрисида, уни қабул қилиш муддатини кўрсатган ҳолда тақдимнома киритишга ҳақлидир.

Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Олий Мажлиси палаталари қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорларини бажариш юзасидан норматив-ҳуқуқий

хужжат қабул қилиш муддати, агар бошқа муддат белгиланмаган бўлса, қоида тарихида бир ойдан ошмаслиги лозим.

3-§. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг шакли ва амал қилиш муддати

5. Вазирлик ва идоралар ўз ваколатлари доирасида мазкур Қоидаларнинг 1, 2 ва 3-иловаларига мувофиқ буйруқ ва қарорлар шаклида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қиладилар.

6. Норматив-ҳуқуқий кўрсатмаларни норматив-ҳуқуқий ҳужжат ҳисобланмаган ҳужжатларга (хат, телефонограмма, хусусий масалалар бўйича тушунтиришлар, яқка тартибдаги хусусиятга эга ҳужжатлар ва бошқалар) киритилишига йўл қўйилмайди. Норматив-ҳуқуқий тусга эга бўлмаган, лекин норматив-ҳуқуқий кўрсатмаларни ўз ичига олган ҳужжатлар бекор қилиниши лозим ва қўлланилмайди.

7. Буйруқлар вазирлар ва идора номидан қарорлар қабул қилиш яқка тартибда амалга ошириладиган бошқа идоралар раҳбарлари томонидан қабул қилинади. Буйруқлар бошқа вазирлик ва идоралар билан келишилган ҳолда қабул қилиниши мумкин.

8. Қарорлар давлат қўмиталари ва идора номидан қарорлар қабул қилишни коллегиял орган амалга оширадиган бошқа идоралар томонидан, шунингдек, икки ёки бир нечта вазирлик ва идоралар томонидан қўшма ҳужжатлар қабул қилинган ҳолларда қабул қилинади.

9. Буйруқлар ва қарорлар билан мазкур Қоидаларнинг 1, 2 ва 3-иловаларига мувофиқ ушбу буйруқ ёки қарорнинг таркибий қисми ҳисобланувчи низомлар, қоидалар ва йўриқномалар тасдиқланиши мумкин.

Битта буйруқ ёки қарор билан бир нечта низомлар, қоидалар ёки йўриқномалар тасдиқлашга йўл қўйилмайди.

10. Низомларнинг асосий мазмуни умумий белгилар асосида бирлаштирилган муносабатлар мажмуини тартибга солишга қаратилган ўзаро тизимли боғланган қоидаларни ўрнатишдан иборат.

11. Қоидаларнинг асосий мазмуни аниқ муносабатларни тартибга солишга қаратилган алоҳида ҳуқуқий нормаларни ўрнатишдан иборат.

12. Йўриқномаларнинг асосий мазмуни қонун ҳужжатлари қоидаларини қўллаш тартибини белгилашдан иборат.

13. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар муайян муддатга (вақтинчалик) ёки номуайян муддатга қабул қилиниши мумкин.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг амал қилиш муддати:

а) аниқ сана билан (одатда, бир йилдан кўп бўлмаган);

б) муайян ходисанинг юз бериши ёхуд норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг қабул қилинишидан кўзланган мақсадга эришилганлиги билан чегараланиши мумкин.

4-§. Қўшма норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар

14. Норматив-ҳуқуқий ҳужжат бир нечта вазирлик ва идоралар томонидан қўшма ёки улардан бири бошқалари билан келишган ҳолда қабул қилиниши мумкин.

15. Қўшма норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар бир нечта вазирлик ва идораларнинг қўшма қарори шаклида, мазкур Қоидаларнинг 2-иловасига мувофиқ қабул қилинади.

II-боб. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш

1-§. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг тайёрланишини ташкил этиш

16. Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини тайёрлаш вазирлик ва идораларнинг бир ёки бир нечта таркибий бўлинмаларига, уларнинг вазифалари ва ваколатларини ҳисобга олган ҳолда, юклатилади. Бунда кўрсатилган лойиҳанинг тайёрланиши учун масъул бўлган мансабдор шахслар доираси, уни тайёрлаш муддати, зарурат бўлган тақдирда, мазкур ишга жалб қилинадиган ташкилотлар аниқланади.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини тайёрлашда вазирлик ва идораларнинг юридик хизмати иштирок этиши шарт.

17. Энг муҳим ва мураккаб норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, шунингдек бир нечта вазирлик ва идоралар томонидан қабул қилинадиган ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш учун ишчи гуруҳлари тузилиши мумкин.

18. Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқиш жараёнида лойиҳа мавзусига оид Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги, тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қўллаш амалиёти, кўриб чиқилаётган масала бўйича илмий адабиётлар ва оммавий ахборот воситаларининг материаллари, шунингдек агар ўтказилган бўлса, ижтимоий ва бошқа тадқиқотлар маълумотлари ўрганилиши ва таҳлил қилиниши лозим. Лойиҳада кўрилаётган масалалар хусусиятини ҳисобга олган ҳолда бошқа давлатларнинг қонун ҳужжатлари ва қонунчилик йўли билан тартибга солиш тажрибаси, халқаро шартномалар ва бошқа ҳужжатлар ўрганилади.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорларига мувофиқ бўлиши шарт.

2-§. Норматив-ҳуқуқий ҳужжат тузилиши

19. Норматив-ҳуқуқий ҳужжат тузилиши норматив-ҳуқуқий тартибга солиш предмети изчил (манتيкий) ривожланишини, шунингдек бўлажак ҳужжат бир хилда тушунилиши ва қўлланилишини таъминлаши лозим.

20. Норматив-ҳуқуқий ҳужжат унинг мазмуни ҳамда тартибга солиш предметини акс эттирувчи қисқа номга эга бўлиши лозим. Ҳужжат номи аниқ, раван ва имкон қадар ахборотга бой бўлиши лозим.

Агар буйруқ ёки қарор билан низом, қоидалар ёки йўриқнома тасдиқланадиган бўлса, мазкур Қоидаларнинг 1, 2 ва 3-иловаларига мувофиқ шакл бўйича буйруқ ёки қарорнинг номида ушбу ҳужжатларнинг тасдиқлангани кўрсатилиши лозим.

21. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатни қабул қилишдан кўзланган мақсад ва сабабларни тушунтириш учун лойиҳада кириш қисми — муқаддима берилиши мумкин.

Муқаддимада норматив-ҳуқуқий ҳужжатни қабул қилишнинг сабаблари, мақсадлари ва вазифалари кўрсатилади, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорларини (уларнинг моддалари ёки бандларини) бажариш юзасидан ёки улар асосида қабул қилинаётганлиги кўрсатилади. Муқаддима норматив-ҳуқуқий кўрсатмаларни ўз ичига олмаслиги, бандларга бўлинмаслиги ва рақамланмаслиги керак.

22. Норматив-ҳуқуқий кўрсатмалар араб рақамларида белгиланиб, нукта қўйилган бандлар кўринишида баён қилинади ва сарлавҳага эга бўлмайди. Норматив-ҳуқуқий ҳужжат бандлари изчил кетма-кетликда рақамланиши керак. Бандлар доирасимон қавслар билан беркитиладиган ҳарф кўринишидаги кичик бандларга ҳамда хатбошиларга бўлиниши мумкин.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатда хатбошилар бошланишида дефис ёки бошқа белгилар ишлатишга йўл қўйилмайди.

23. Ҳажмига кўра норматив-ҳуқуқий ҳужжат камайиб борувчи қуйидагича тузилмавий бирликларга бўлинади: бўлимлар, боблар, параграфлар, бандлар, кичик бандлар ва хатбошилар. Хатбошиларни бошқа тузилмавий бирликларга бўлишга йўл қўйилмайди.

Бўлимлар ва боблар рим рақамлари билан рақамланади ва сарлавҳаларга эга бўлади. Параграфлар «§» белгиси билан белгиланади, араб рақамлари билан рақамланади ва сарлавҳаларга эга бўлади.

Агар норматив-ҳуқуқий ҳужжатда боблар бўлмаса, «бўлим» тузилмавий бирлиги киритилишига йўл қўйилмайди.

3-§. Норматив-ҳуқуқий ҳужжат мазмунини баён этиш

24. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг ҳар бир бандида битта норматив-ҳуқуқий кўрсатма бўлиши керак. Ҳужжатнинг ҳар бир мустақил банди тўлиқ ва тугалланган мазмунга эга бўлиши керак.

25. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатда қонун ҳужжатлари нормаларини сўзма-сўз такрорланишига йўл қўйилмайди.

Қонун ҳужжатларининг айрим қоидаларини такрорлашга ушбу ҳужжатлар ва уларнинг эълон қилинган расмий манбаларини кўрсатган ҳолда, масалани тўлароқ баён этиш учунгина йўл қўйилиши мумкин.

26. Норматив-ҳуқуқий ҳужжат матнида қонун ҳужжатларига ҳаволалар қилиш фақат истисно ҳоллардагина йўл қўйилади. Қонун ҳужжатларига уларнинг айрим қоидаларини такрорламасдан ҳавола қилинган ҳолларда мазкур Қоидаларнинг 1, 2 ва 3-иловаларига мувофиқ эълон қилинган расмий манбалар ҳам кўрсатилиши шарт.

27. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатда вазирлик ва идораларнинг бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларининг айрим қоидалари такрорланган ёхуд уларга ҳавола қилинган ҳолларда, мазкур Қоидаларнинг 2-иловасига мувофиқ уларнинг номи, Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказишда берилган рўйхатдан ўтказиш рақами, давлат рўйхатидан ўтказиш санаси, шунингдек эълон қилинган расмий манбаси кўрсатилиши зарур.

28. Давлат рўйхатидан ўтказиш учун такдим этилган ҳужжатда давлат рўйхатидан ўлмаган норматив-ҳуқуқий тусдаги ҳужжатга ҳавола қилишга йўл қўйилмайди.

Вазирлик ва идораларнинг давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим бўлмаган, шу жумладан тавсия хусусиятига эга ҳужжатларига ҳавола қилишга уларнинг қоидаларига умуммажбурий тус бермаслик шарти билан йўл қўйилади (стандартлаштириш бўйича норматив ҳужжатлар, санитария нормалари, қоидалари ва гигиена нормативлари, техник қоида ва нормалар бундан мустасно).

29. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатда унинг бошқа бандларига, шунингдек вазирлик ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларига ҳавола қилиш уларнинг ўзаро алоқасини кўрсатиш ёки такрорланишларнинг олдини олиш учунгина йўл қўйилади.

30. Норматив-ҳуқуқий ҳужжат нормалари, лўнда, аниқ, оддий ва раво тилда баён қилиниши лозим. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатни ўқиганда ва амалда қўллаганда, унинг матни турли хил талқинлар ва тушунмовчиликларга олиб келмаслиги лозим. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатда фойдаланиладиган тушунчалар ва атамалар уларнинг қонун ҳужжатларида қабул қилинган мазмунига мувофиқ, турлича шарҳлаш имкониятини истисно этадиган тарзда бир хилда қўлланилади. Эскирган ҳамда кўп маънони англатадиган сўзлар ва иборалар, мажозий таққослашлар, сифатлашлар, киноялар қўлланилишига йўл қўйилмайди.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатда қонун ҳужжатларида мавжуд бўлмаган тушунчалар, шунингдек техник ва бошқа махсус тушунчалардан фойдаланилган ҳолларда, ҳужжатда уларнинг таърифи берилади. Лойиҳада кўп маротаба қўлланилган бир ёки бир нечта тушунчага таъриф бериш зарур бўлган ҳолларда улар мазкур Қоидаларнинг 2-иловасига мувофиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг бошланишида алоҳида бандда кўрсатилади. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатда, шунингдек умум қабул қилинган қисқартмалар қўлланилиши ва бошқа қисқартмаларга тушунчалар берилиши мумкин.

31. Агар норматив-ҳуқуқий ҳужжатда рўйхатлар, жадваллар, графиклар, хариталар, схемалар, ҳужжатлар ва бланкалар намуналари, услубиётлар берилса, унда улар иловалар кўринишида расмийлаштирилиши лозим, ҳужжатнинг тегишли бандларида ушбу иловаларга ҳавола қилиниши лозим.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатга, шунингдек, тавсия хусусиятидаги ҳужжатлар (намунавий низомлар, уставлар, шартномалар, услубий тавсиялар ва бошқалар) ҳам, уларнинг қоидаларига умуммажбурий тус бермаслик шарт билан илова қилиниши мумкин. Ушбу ҳужжатлар Адлия вазирлигида ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш предмети ҳисобланмайди.

Иловалар тегишли тартибда араб рақамлари билан рақамланади ва мазкур Қоидаларнинг 3-иловасига мувофиқ шаклда расмийлаштирилади.

4-§. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек уларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисидаги лойиҳани тайёрлаш

32. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек уни ўз кучини йўқотган деб топиш тегишлича буйруқлар ва қарорлар билан расмийлаштирилади. Муқаддам қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ёки норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ёхуд уларнинг тузилмавий бирликларини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисидаги нормалар мазкур Қоидаларнинг 5, 6, 7 ва 8-иловаларига мувофиқ буйруқ ёки қарор лойиҳасининг матнига киритилади (ўз кучини йўқотаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, бўлимлар, боблар, параграфлар, бандлар, кичик бандлар, чиқариб ташланаётган хатбошилар кўрсатилган ҳолда).

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатга киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар ёхуд ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисидаги ҳужжат ўзгартириш ва қўшимчалар киритилаётган ёки ўз кучини йўқотган деб топилаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжат қайси тилда қабул қилинган бўлса, шу тилда қабул қилинади.

Ўзгартириш ва қўшимчалар киритилаётган ёки ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасининг матнида ўзгартириш ва қўшимчалар киритилаётган ёки ўз кучини йўқотган деб топилаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжат номидан кейин мазкур Қоидаларнинг 5, 6, 7 ва 8-иловаларига мувофиқ унга Адлия вазирлиги томонидан давлат рўйхатидан ўтказишда берилган рўйхатдан ўтказиш рақами ва давлат рўйхатидан ўтказиш санаси, шунингдек, эълон қилишнинг расмий манбаси кўрсатилади.

33. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритишни назарда тутадиган ҳужжат билан бир ёки бир нечта ўзгартириш ёки қўшимчалар киритиладиган, шунингдек уларнинг ҳажми катта бўлган ҳолларда, бундай ўзгартириш ва қўшимчалар мазкур Қоидаларнинг 9 ва 10-иловаларига мувофиқ буйруқ ёки қарорга илова кўринишида расмийлаштирилади.

34. Бир ёки бир нечта норматив-ҳуқуқий ҳужжат ўз кучини йўқотган деб топилган ҳолларда, ушбу ҳужжатларнинг рўйхати қоида тариқасида мазкур Қоидаларнинг 11-иловасига мувофиқ буйруқ ёки қарорга илова кўринишида расмийлаштирилади.

35. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг кичик бандигача бўлган (кичик бандни ҳам қўшган ҳолда) тузилмавий бирлигининг амал қилишининг тугатилиши ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги ёхуд норматив-ҳуқуқий ҳужжатни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисидаги буйруқ ёки қарорда ўз кучини йўқотган деб топиш, хатбоши кўринишидаги тузилмавий бирликнинг амал қилишининг тугатилиши эса чиқариб ташлаш деб кўрсатилади.

36. Ўзгартиришларга қуйидагилар киради:

рақамлар, сўзлар, гаплар, графалар, блоклар ва позицияларни алмаштириш;

кичик бандлар, бандлар, параграфлар, боблар, бўлимлар, иловаларни ўз кучини йўқотган деб топиш ёки рақамлар, сўзлар, гаплар, графалар, блоклар, позициялар ва хатбошиларни чиқариб ташлаш;

хатбошилар, кичик бандлар, бандлар, параграфлар, боблар, бўлимлар, иловаларни, шунингдек параграфлар, боблар, бўлимлар, иловалар ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар номларини янги таҳрирда баён қилиш.

37. Қўшимчаларга норматив-ҳуқуқий ҳужжатга янги рақамлар, сўзлар, гаплар, графалар, блоклар, позициялар, хатбошилар, кичик бандлар, бандлар, параграфлар, боблар, бўлимлар ва иловаларни киритиш киради.

38. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги ҳужжат қуйидагиларга бўлиниши мумкин:

нуктали араб рақамлари билан рақамланадиган бандлар;

доирасимон қавс билан беркитиладиган кичик ҳарфлар билан белгиладиган кичик бандлар;

хатбошилар.

39. Агар норматив-ҳуқуқий ҳужжатга муҳим аҳамиятга эга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш зарурати ёки айнан бир масала бўйича бир нечта ҳужжатларнинг мавжудлиги аниқланса, у ҳолда уларни тартибга солиш мақсадида ягона янги ҳужжат ишлаб чиқилади. Ушбу ҳужжат лойиҳасига янги, шунингдек муқаддам қабул қилинган ҳужжатлардаги ўз кучини сақлаб қолаётган норматив-ҳуқуқий кўрсатмалар киритилади.

40. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатга ўзгартириш ва қўшимчалар киритишда киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчаларнинг аниқлигини лозим даражада назорат қилишни таъминлаш учун жадвал кўринишида расмийлаштириладиган таққослашлар тузилади.

41. Таққослаш жадвали учта графадан иборат бўлади:

норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш таклиф этилаётган тузилмавий бирлигининг амалдаги таҳрири;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган тегишли тузилмавий бирлигининг таклиф этилаётган таҳрири;

киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчаларни асослантириш.

Тегишли тузилмавий birlikнинг амалдаги ва таклиф этилаётган таҳриридаги графалари таққослаш жадвалида қуйидаги кўринишда баён этилади:

амалдаги ва таклиф этилаётган таҳрирлар графаларида ўзгараётган рақамлар, сўзлар, гаплар, графалар, блоклар, позициялар, хатбошилар, кичик

бандлар, бандлар, параграфлар, боблар, бўлимлар ва иловалар тўқ шрифт билан ажратиб кўрсатилади;

таклиф этилаётган таҳрир графасида тўлдирилаётган рақамлар, сўзлар, гаплар, графалар, блоклар, позициялар, хатбошилар, кичик бандлар, бандлар, параграфлар, боблар, бўлимлар ва иловалар тўқ шрифт билан ажратиб кўрсатилади;

амалдаги таҳрир графасида ўз кучини йўқотган деб топилаётган кичик бандлар, бандлар, параграфлар, боблар, бўлимлар, иловалар ёки чиқариб ташланаётган рақамлар, сўзлар, гаплар, графалар, блоклар, позициялар ва хатбошилар тўқ курсив шрифт билан ажратиб кўрсатилади.

Агар норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг тузилмавий бирлиги янги таҳрирда баён этилаётган бўлса, у ҳолда таққослаш жадвалида фақат тегишлича ўзгараётган, тўлдирилаётган, ўз кучини йўқотган деб топилаётган ёки чиқариб ташланаётган рақамлар, сўзлар, гаплар, графалар, блоклар, позициялар, хатбошилар, кичик бандлар, бандлар, параграфлар, боблар, бўлимлар ва иловалар ажратиб кўрсатилади.

Амалдаги ва таклиф этилаётган таҳрирлар графаларида ўзгармаган тегишли рақамлар, сўзлар, гаплар, графалар, блоклар, позициялар, хатбошилар, кичик бандлар, бандлар, параграфлар, боблар, бўлимлар ва иловалар, киритилган ўзгартиришлар кўзга яққол ташланиши учун оддий шрифтда берилади.

III-боб. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатни расмийлаштириш, келишиш ва қабул қилиш

1-§. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатни расмийлаштириш

42. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг матни А4 форматдаги қоғоз варағининг бир томонида масштаб кичрайтирилмаган ҳолда жойлашиши лозим.

43. Буйруқлар ва қарорлар матнлари Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвирланган тегишли бланкларда ёзилиши ва уларни қабул қилган органнинг (органларнинг) номи бўлиши лозим.

44. Иловалари бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг бетлари изчил кетма-кетликда рақамланиши лозим. Бетнинг тартиб рақами варақнинг юқори ўнг бурчагида «2» рақамидан бошлаб ёзилади. Биринчи бетида «1» рақами қўйилмайди.

45. Қоида тариқасида, стандарт варақда 1,2 қатор оралиғида ёзилиши лозим; ҳар бир бет ҳошияси: юқоридан ва пастдан 2 см, чапдан 3 см, ўнгдан 2 см бўлиши, хатбоши беш-олти белгига тенг ва бир хилда бўлиши лозим.

Матнни компьютер воситасида босиб чиқаришда «Times New Roman» 12 ўлчамли шрифтда ёки шунга ўхшаш шрифтни қўллаган ҳолда Microsoft Word матн редакторидан фойдаланиш тавсия қилинади.

46. Тайёрланган норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасининг грамматика қоидаларига мувофиқлиги текширилади.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжат матнида ўчириш ва тузатишларга йўл қўйилмайди.

47. Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини грамматика қоидаларига мувофиқлиги текшириб чиқилганидан сўнг вазирлик ва идораларнинг юридик хизмати лойиҳанинг қонун ҳужжатларига ва қонунчилик техникасига мувофиқлигини текширади.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси қонун ҳужжатларига ва қонунчилик техникасига мувофиқ бўлса, лойиҳа юридик хизмат раҳбари томонидан имзоланади. Имзолаш лойиҳанинг ҳар бир бетининг орқа тарафига имзо қўйиш билан амалга оширилади.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси қонун ҳужжатларига ва қонунчилик техникасига мувофиқ бўлмаса, юридик хизмат лойиҳани тегишли хулоса билан лойиҳани тайёрлаш учун масъул бўлган таркибий бўлинмага қайтаради.

48. Юридик хизмат норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини имзолаш билан бир вақтда ушбу лойиҳа бўйича маълумотнома тайёрлайди.

49. Юридик хизмат маълумотномасида қуйидагилар акс этирилади:

а) норматив-ҳуқуқий ҳужжатни қабул қилиш асослари:

вазирлик ёки идорага норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилиш топширилган қонун ҳужжатлари тўғрисидаги маълумотлар (номи, санаси, рақами, эълон қилишнинг расмий манбаси, моддаларнинг, бандларнинг рақами), шунингдек топшириқнинг рақами ва санаси (топшириқ нусхаси маълумотномага илова қилинади);

норматив-ҳуқуқий ҳужжатни қабул қилиш бўйича вазирлик ёки идоранинг ваколатини белгилаб берувчи қонун ҳужжатлари тўғрисидаги маълумотлар (номи, санаси, рақами, эълон қилишнинг расмий манбаси, моддаларнинг, бандларнинг рақами);

б) ушбу орган томонидан ушбу масала бўйича муқаддам қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисидаги маълумотлар;

в) ушбу масала бўйича муқаддам бошқа органлар томонидан қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва ушбу ҳужжат қабул қилиниши муносабати билан уларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ёки уларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида таклифлар тайёрлаш ҳақидаги маълумотлар;

г) норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини асослаш учун зарур бўлган бошқа маълумотлар.

50. Юридик хизмат мавжуд бўлмаган тақдирда, норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси бўйича маълумотнома норматив-ҳуқуқий ҳужжатни тайёрлаш учун масъул бўлган таркибий бўлинма томонидан тайёрланиши ва вазирлик ёки идора раҳбари ёхуд унинг тегишли ўринбосари томонидан имзоланиши мумкин.

2-§. Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини келишиш

51. Қонун ҳужжатларига мувофиқ келишилиши мажбурий бўлган ҳолларда, шунингдек норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасида бошқа вазирлик ва

идоралар манфаатларига ёки ваколатларига дахл қилувчи нормалар мавжуд бўлса, норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси манфаатдор вазирлик ва идоралар билан келишилиши лозим.

Келишилаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси вазирлик ва идоралар раҳбарлари томонидан имзоланган ва тегишли вазирлик ва идоралар муҳри билан тасдиқланган ҳолда унинг келишилганини кўрсатувчи якуний қоидаларни ўз ичига олиши лозим. Шу билан бирга, мазкур Қоидаларнинг 1 ва 2-иловаларига мувофиқ шаклда лавозим номи ва фамилия, шунингдек келишилиш санаси кўрсатилиши лозим. Норматив-ҳуқуқий ҳужжат у биринчи келишилаётган вазирлик ва идора билан келишилганидан сўнг, ўттиз кун ичида қабул қилиниши керак.

52. Ижтимоий-иқтисодий ривожланиш ва бюджет масалалари билан боғлиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари тегишлича Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги ҳамда Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги билан, ташқи иқтисодий фаолият билан боғлиқ масалалар бўйича — Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги билан, ташқи сиёсий фаолият билан боғлиқ масалалар бўйича — Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги билан келишилиши лозим.

53. Ходимларнинг ижтимоий-меҳнат ҳуқуқларига тааллуқли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари вазирлик ва идоралар томонидан Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳамда Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши билан келишилган ҳолда қабул қилинади.

54. Атроф-табiiй муҳитга, шу жумладан табiiй ресурслардан фойдаланиш ва атроф-табiiй муҳитни муҳофаза қилишга таъсир кўрсатиши мумкин бўлган хўжалик ва бошқа фаолиятни тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш Давлат қўмитаси томонидан мажбурий давлат экологик экспертизасидан ўтказилади.

55. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 2 майдаги ПҚ-66-сон «Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси фаолиятини ташкил қилиш тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 й., 17-18-сон, 130-модда) Қарорига мувофиқ рақобатни бевосита ёки билвосита чеклаши ва монополияга қарши қонун ҳужжатлари принципларини бузиши мумкин бўлган, шунингдек тадбиркорликни ривожлантириш масалаларига алоқадор бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасида мажбурий тартибда дастлабки экспертизадан ўтказилади.

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси тўғрисида»ги Қонунига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 й., 1-сон, 3-модда) мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси тадбиркорлик субъектлари фаолиятига оид масала-

лар бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқишда иштирок этиш ҳуқуқига эга. Бундай лойиҳалар тегишли вазирлик ва идоралар томонидан Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатасига кўриб чиқиш учун тақдим этилиши лозим.

56. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатни келишиш давомида вазирлик ва идоралар ўртасида келишмовчиликлар юзага келган тақдирда, бундай ҳужжат келишмовчиликлар бартараф қилингунига қадар қабул қилиниши мумкин эмас. Агар келишмовчиликларни бартараф қилишнинг имкони бўлмаса, норматив-ҳуқуқий ҳужжатни тайёрлашга масъул бўлган вазирлик ёки идора бу масалани батамом ҳал қилиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ёхуд бошқа юқори турувчи органга мурожаат қилиши лозим.

3-§. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатни қабул қилиш

57. Вазирлик ва идора томонидан норматив-ҳуқуқий ҳужжат вазирлик ёки идора раҳбари ёхуд унинг вазифасини бажарувчи шахс томонидан буйруқ ёки қарорни имзолаш йўли билан қабул қилинади. Имзолар тегишли вазирлик ва идоранинг муҳри билан тасдиқланади.

Қўшма қарорлар қабул қилишда имзолар ҳар бир вазирлик ва идора учун тартибга солинаётган масаланинг аҳамиятини ҳисобга олган ҳолда кетма-кет жойлаштирилади. Тартибга солинаётган масала бир нечта вазирлик ва идоралар учун тенг аҳамиятга эга бўлган тақдирда, имзолар тегишли вазирлик ва идоралар номлари бўйича алфавит тартибида жойлаштирилади.

58. Норматив-ҳуқуқий ҳужжат давлат тилида қабул қилинади. Норматив-ҳуқуқий ҳужжат давлат ва рус тилларида қабул қилинган ҳолларда, уларнинг таҳрири ўзаро мувофиқ бўлиши лозим.

59. Низомлар, қоидалар ва йўриқномалар уларни тасдиқлаётган буйруқлар ёки қарорларга илова кўринишида расмийлаштирилади, буйруқ ёки қарорнинг тегишли бандида эса уларга мазкур Қоидаларнинг 1, 2 ва 3 иловаларига мувофиқ ҳавола бўлиши лозим.

60. Қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжат қуйидаги реквизитларга эга бўлиши лозим:

- а) норматив-ҳуқуқий ҳужжат шаклининг белгиланиши;
- б) норматив-ҳуқуқий ҳужжат номи;
- в) норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг рақами, қабул қилинган санаси ва жойи;
- г) вазирлик ёки идора раҳбарининг ёхуд унинг вазифасини бажарувчи шахснинг ушбу вазирлик ёки идоранинг муҳри билан тасдиқланган имзоси, лавозими, фамилияси, исми ва отасининг исмининг бош ҳарфлари.

Бир нечта вазирлик ва идораларнинг қўшма қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжати ягона санага эга бўлиши лозим.

Агар вазирлик ёки идора раҳбарига икки ёки ундан ортиқ лавозимдаги вазифаларни бажариш юклатилган бўлса, у ҳолда реквизит сифатида унга

ушбу вазирлик ёки идора номидан имзолаш ҳуқуқини берувчи лавозими кўрсатилади.

Вазирлик ёки идора раҳбари вақтинчалик меҳнатга лаёқатсиз бўлганида, таътил ёки бошқа сабаб туфайли бўлмаганида унинг вазифасини бажаришни юклаш тегишли вазирлик ёки идора раҳбари томонидан имзоланган ташкилий-бошқарув ҳужжатида назарда тутилган бўлиши лозим.

61. Вазирлик ва идоралар ўзлари қабул қилаётган ҳужжатлар ҳисобини олиб бориш учун юритадиган алоҳида журналга норматив-ҳуқуқий ҳужжат ҳақида қўйидаги маълумотлар киритилади:

а) шакли ва номи;

б) қабул қилинган санаси ва жой номи;

в) ҳужжат келишилган органлар (улар мавжуд бўлса);

г) ҳужжатни имзолаган мансабдор шахснинг фамилияси, исми, отасининг исмининг бош ҳарфлари ва лавозими;

д) ҳужжатни тайёрлаш учун масъул бўлган таркибий бўлинманинг номи, шу жумладан масъул ходимнинг фамилияси, исми, отасининг исмининг бош ҳарфлари ва лавозими.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатга норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳисобини олиб бориш учун юритиладиган журналдаги тартиб рақамига мутаносиб рақам берилади.

62. Норматив-ҳуқуқий ҳужжат иккита асл нусхада қабул қилинади («Махфий» ва «Мутлақо махфий» грифдаги ҳужжатлар бундан мустасно). Қўшма норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг асл нусхалари сони ҳужжатни тасдиқлаган органлар сонига мутаносиб равишда ҳамда битта асл нусхаси Адлия вазирлиги учун қабул қилинади.

IV-боб. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг ҳуқуқий экспертизадан, давлат рўйхатидан ўтказилиши ва кучга кириши

1-§. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатни Адлия вазирлигига ҳуқуқий экспертизадан ва давлат рўйхатидан ўтказиш учун тақдим этиш

63. Норматив-ҳуқуқий ҳужжат уни қабул қилган орган томонидан ушбу норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинган кундан бошлаб, ўн кун ичида Адлия вазирлигига ҳуқуқий экспертизадан ва давлат рўйхатидан ўтказиш учун тақдим этилади. Агар кўрсатилган муддатнинг тугаши иш куни бўлмаган кунга тўғри келса, у холда ҳуқуқий экспертизадан ва давлат рўйхатидан ўтказиш учун тақдим қилиш муддати кейинги иш кунига қадар узайтирилади.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатни белгиланган муддат давомида ҳуқуқий экспертизадан ва давлат рўйхатидан ўтказиш учун тақдим қилиш факти Адлия вазирлиги девонхонаси томонидан кузатув хатига қўйилган санадан, агар

норматив-ҳуқуқий ҳужжат почта орқали юборилган бўлса, алоқа бўлинмаси томонидан жўнатма қабул қилинган санадан қайд қилинади.

64. Бир нечта вазирлик ва идораларнинг қўшма қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжати ҳуқуқий экспертизадан ва давлат рўйхатидан ўтказишга тақдим этиш ҳужжатни имзолаганлар орасида биринчи бўлиб кўрсатилган органга юклатилади.

65. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар Адлия вазирлигига вазирлик ва идора раҳбари (раҳбар ўринбосари) томонидан имзоланган кузатув хати билан 4 та нусхада (2 та асли ва 2 та нусхаси) тақдим қилинади. «Махфий» ва «Мутлақо махфий» белгиси қўйилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар 2 та нусхада (1 та асли ва 1 та нусхаси) тақдим қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 5 августдаги 304-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорлари тўплами, 2000 й., 8-сон, 47-модда) билан тасдиқланган «Меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни тарқатиш тартиби тўғрисида»ги низомнинг 14-бандига мувофиқ Адлия вазирлигига мажбурий тартибда, шунингдек ушбу ҳужжатларнинг электрон шакли электрон ахборот ташувчи жисмларда тақдим этилади ёхуд электрон почта тизими орқали юборилади.

Бир нечта вазирлик ва идоралар томонидан қўшма қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжат ҳуқуқий экспертизадан ва давлат рўйхатидан ўтказишга тақдим этилганда, тақдим этилиши лозим бўлган асл нусхалар сони норматив-ҳуқуқий ҳужжатни тасдиқлаган органлар сонига мутаносиб равишда кўпаяди.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатга уни тақдим этган органнинг юридик хизмати раҳбари (вазирлик ёки идоранинг раҳбари ёки тегишли ўринбосари) томонидан имзоланган маълумотнома (бир нусхада) илова қилинади. Маълумотномада имзолаган шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми, лавозими, алоқа телефон рақамлари кўрсатилиши лозим.

Кузатув хатида ёхуд маълумотномада:

норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини тайёрлашга масъул бўлган ходимнинг;

Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатни олишга ваколатли шахсларнинг фамилияси, исми, отасининг исми ва алоқа телефон рақамлари кўрсатилиши зарур.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжат вазирлик ёки идора раҳбари вазифасини бажарувчи шахс томонидан имзоланган тақдирда, маълумотномада вазирлик ёки идора раҳбари вазифасини бажаришни юклаш, шунингдек мазкур вазифаларни бажариш муддати кўрсатилган тегишли ташкилий-бошқарув ҳужжатнинг реквизитлари бўлиши лозим.

66. Агар норматив-ҳуқуқий ҳужжат ҳуқуқий экспертизадан ва давлат рўйхатидан ўтказиш учун такроран жўнатилган, шунингдек агар у рўйхатдан ўтказиш рад этилган ҳужжат ўрнига қабул қилинган ҳолда, маълумотномада Адлия вазирлигининг давлат рўйхатидан ўтказиш рад этилганлиги ёки норматив-ҳуқуқий ҳужжатни давлат рўйхатидан ўтказмасдан қайтарил-

ганлиги тўғрисидаги хатининг (хулосасининг) санаси ва рақами кўрсатилиши лозим.

67. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг таржимаси таржимон имзоси, таржима ихтисослашган ташкилот томонидан амалга оширилган тақдирда, раҳбарнинг ушбу ташкилотнинг муҳри билан тасдиқланган имзоси бўлиши лозим.

68. Адлия вазирлигида қуйидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳуқуқий экспертизадан ва давлат рўйхатидан ўтказилади:

а) Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг фуқаролик, сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва бошқа ҳуқуқлари, эркинликлари, қонуний манфаатлари ва мажбуриятларига, уларни амалга ошириш кафолатларига, кўрсатилган ҳуқуқ, эркинлик ва мажбуриятларни амалга ошириш механизмларига дахл қилувчи;

б) идоралараро тусга эга бўлган;

в) норматив-ҳуқуқий ҳужжатни тасдиқлаган вазирлик ёки идора (қўшма тасдиқлаган икки ёки ундан ортиқ идора) тизимига кирмайдиган ташкилотлар учун мажбурий кучга эга бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар. Агар ташкилотлар вазирлик ёки идораларнинг тўлиқ бўйсунувида бўлсалар, мазкур органларнинг тизимига кирувчи ташкилотлар ҳисобланадилар. Бўйсунув тўғридан тўғри (мазкур тизимнинг барча юқори бўғинларига вертикал равишда) ёки бевосита (бевосита юқори турувчи органга) бўлиши мумкин. Ташкилотлар, агар вазирлик ва идораларга қайсидир алоҳида муносабатлар юзасидан (масалан, ҳисоб юритиш қондалари, маблағ билан таъминлаш, услубий раҳбарлик масалалари бўйича ва ҳоказо) бўйсунувда бўлсалар, уларнинг назорати остида бўлсалар ёхуд вазирлик ёки идора ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш вазифасини бажарса, вазирлик ёки идоралар тизимига кирувчи ҳисобланмайдилар.

Бунда юқорида кўрсатиб ўтилган белгилардан бири ёки бир нечтасига эга бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳуқуқий экспертизадан ва давлат рўйхатидан ўтказиш учун тақдим этилади.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар уларнинг амал қилиш муддатидан (доимий амал қилувчи, вақтинчалик (маълум бир муддатга қабул қилинган), шунингдек уларнинг норматив-ҳуқуқий кўрсатмалари қандай хусусиятда бўлишидан, шу жумладан давлат сирини ташкил этувчи маълумотларга ёки махфий маълумотларга эга бўлишидан қатъи назар, ҳуқуқий экспертизадан ва давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим.

69. Қуйидагилар давлат рўйхатидан ўтказилмайди:

а) якка тартибдаги қуйидаги ҳужжатлар:

шахсий тусдаги (лавозимга тайинлаш, бошқа лавозимга ўтказиш ёки лавозимдан озод қилиш, комиссия ва бошқа коллегиял органлар таркибини тасдиқлаш, фахрий ёки ҳарбий унвонлар бериш, муайян шахсларга имтиёзлар бериш ва бошқа шу кабилар);

амал қилиши бир марта қўллаш билан тамом бўлувчи;

тезкор-фармойишли тусдаги (бир марталик топшириқлар);

б) муқаддам белгиланган тартибни ижро этишни ташкил этишга йўнал-

тирилган ҳамда янги норматив-ҳуқуқий кўрсатмаларини ўз ичига олмаган ҳужжатлар (шу жумладан, бутун мазмуни бошқа органлар ва мансабдор шахсларнинг ҳужжатлари тўғрисида хабардор қилишдан иборат бўлган ҳужжатлар);

в) ўрнатилган тартибда ваколатли давлат органлари томонидан рўйхатга олинадиган стандартлаштириш бўйича норматив ҳужжатлар (стандартлар, стандартлаштириш бўйича қоидалар ва нормалар, техник-иқтисодий маълумотлар классификаторлари);

г) санитария нормалари, қоидалари ва гигиена нормативлари;

д) стандартлаштириш бўйича норматив ҳужжатларга тааллуқли бўлмаган техник қоидалар ва нормалар. Норматив ҳужжатларни техник қоидалар ва нормалар деб ҳисоблаш Адлия вазирлиги билан келишилган ҳолда амалга оширилади, бунинг учун улар вазирлик ва идоралар томонидан мажбурий тартибда Адлия вазирлигига ҳуқуқий экспертизага тақдим этилади;

е) тавсия хусусиятига эга ҳужжатлар;

ж) норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга расмий шарҳ бериш тўғрисидаги ҳужжатлар;

з) умуммажбурий тусга эга бўлмаган бошқа ҳужжатлар.

70. Кўрсатиб ўтилган ҳужжатларнинг мазкур Қоидаларнинг 69-бандида санаб ўтилган мезонларга мувофиқлиги юзасидан шубҳа туғилган ҳолларда, бундай ҳужжатлар Адлия вазирлигига ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш учун тақдим этилиши лозим. Давлат рўйхатидан ўтказиш зарурлиги масаласи юзасидан якуний қарор Адлия вазирлиги томонидан ҳуқуқий экспертиза ўтказилганидан кейин қабул қилинади.

2-§. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ҳуқуқий экспертизадан ва давлат рўйхатидан ўтказиш

71. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатни ҳуқуқий экспертизадан ва давлат рўйхатидан ўтказиш қуйидагиларни ўз ичига олади:

а) норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ва қонун ҳужжатларига, шунингдек қонунчилик техникасига мувофиқлигини текшириш юзасидан ҳуқуқий экспертиза;

б) ушбу ҳужжатни давлат рўйхатидан ўтказиш зарурлиги тўғрисида қарор қабул қилиш;

в) рўйхатдан ўтказиш рақамини бериш;

г) Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идоралари норматив-ҳуқуқий ҳужжатларининг Давлат реестрига (бундан кейинги ўринларда Давлат реестри деб юритилади) норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисида ёзув киритиш ва уни Давлат реестрига киритиш;

д) Давлат реестрига норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг ўз кучини йўқотганлиги тўғрисида ёзув киритиш ва уни Давлат реестридан чиқариш.

72. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатни ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш Ад-

лия вазирлиги томонидан ҳужжат келиб тушган кундан бошлаб ўттиз кун ичида амалга оширилади. Агар кўрсатилган муддатнинг тугаши иш куни бўлмаган кунга тўғри келса, унда давлат рўйхатидан ўтказиш муддати ундан кейинги биринчи иш кунига қадар узайтирилади.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг ҳажми катта бўлган, малакали мутахассисларни жалб қилиш орқали батафсил ўрганиб чиқишни талаб қиладиган техник норма ва қоидаларни ўз ичига олган ҳолларда, ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш муддати ўрнатилган тартибда йигирма кунгача узайтирилиши мумкин.

73. Такдим қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатни давлат рўйхатидан ўтказиш қуйидаги ҳолларда рад этилиши мумкин:

а) ҳужжат Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунчилигига зид бўлса;

б) ҳужжат Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 9 октябрдаги 469-сон қарори билан тасдиқланган «Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар меъёрий ҳужжатларини ҳуқуқий экспертизадан ва давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисида»ги низом ва мазкур Қоидалар билан ўрнатилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни давлат рўйхатидан ўтказиш учун такдим этиш тартибини бузган ҳолда Адлия вазирлигига юборилган бўлса. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни давлат рўйхатидан ўтказиш учун такдим этиш тартиби бузилганлиги сабабли давлат рўйхатидан ўтказиш рад этилса, ҳуқуқий экспертиза ўтказилмайди;

в) ҳужжат манфаатдор органлар билан келишиш мажбурий ҳисобланганда бундай органлар билан келишилмаган бўлса;

г) ҳужжат қонунчилик техникаси талабларига мувофиқ бўлмаса.

74. Давлат рўйхатидан ўтказиш рад этилган кундан бошлаб ўн кун ичида вазирлик ёки идора раҳбари ёхуд унинг вазифасини бажарувчи шахс рўйхатдан ўтказиш рад этилган ҳужжатни бекор қилиш тўғрисида тегишли ҳужжат қабул қилади ва унинг нусхасини Адлия вазирлигига юборади (мазкур Қоидаларнинг 73-банди «в» кичик бандида кўрсатилган асослар бўйича давлат рўйхатидан ўтказиш рад этилган ҳоллар бундан мустасно). Ушбу ҳужжат норматив-ҳуқуқий кўрсатмаларни ўз ичига олмаслиги ва давлат рўйхатидан ўтказишга зарурат бўлмаслиги лозим.

Ҳужжатни бекор қилиш ҳақидаги ҳужжат юборилаётган кузатув хатида Адлия вазирлигининг давлат рўйхатидан ўтказиш рад этилганлиги ҳақидаги хатининг (хулосасининг) санаси ва рақами кўрсатилиши шарт.

Давлат рўйхатидан ўтказиш рад этилган норматив-ҳуқуқий ҳужжат бекор қилинганидан сўнг Адлия вазирлиги хулосасини эътиборга олган ҳолда қайта ишлаб чиқилиши ва давлат рўйхатидан ўтказиш учун такроран такдим этилиши мумкин. Бунда қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорларини бажариш юзасидан, шунингдек Адлия вазирлиги такдимномасига кўра қабул қилинган ҳужжатларни қайта ишлаш ва давлат рўйхатидан ўтказишга такроран такдим этиш муддати бир ойдан ошмаслиги лозим.

Мазкур Қоидаларнинг 73-банди «в» кичик бандида кўрсатилган асослар бўйича давлат рўйхатидан ўтказиш рад этилганда, вазирлик ва идоралар бир ой ичида ушбу норматив-ҳуқуқий ҳужжатни келишишлари ва давлат рўйхатидан ўтказиш учун такроран тақдим этишга ёхуд ҳужжатни бекор қилиш тўғрисидаги ҳужжат нусхасини Адлия вазирлигига юборишга мажбурдирлар.

Давлат рўйхатидан ўтказиш рад этилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг асл нусхалари тегишли вазирлик ва идораларнинг ёзма мурожаати асосида уларга қайтариб берилиши мумкин.

75. Норматив-ҳуқуқий ҳужжат вазирлик ёки идорага бу ҳужжатни давлат рўйхатидан ўтказиш учун тақдим қилган органнинг илтимосига кўра, ҳуқуқий экспертизанинг исталган босқичида рўйхатдан ўтказмасдан Адлия вазирлиги томонидан қайтариб берилиши мумкин. Бу ҳолда вазирлик ёки идора Адлия вазирлигига тегишли хатни, шунингдек ушбу ҳужжатни бекор қилиш ҳақидаги ҳужжат нусхасини юборади.

76. Агар давлат рўйхатидан ўтказиш учун тақдим этилган норматив-ҳуқуқий ҳужжат ҳуқуқий экспертиза ўтказиш натижасида Адлия вазирлиги томонидан давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим эмас деб топилса, ушбу ҳужжатни ҳуқуқий экспертизадан ва давлат рўйхатидан ўтказиш учун тақдим этган органга ушбу қарорни қабул қилиш асослари кўрсатилган тегишли ҳулоса юборилади. Агар бундай ҳужжатга ўзгартиришлар киритилса, улар ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш учун Адлия вазирлигига тақдим этилиши лозим.

77. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатни давлат рўйхатидан ўтказиш Адлия вазирининг буйруғи билан расмийлаштирилади.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатни Давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисидаги буйруқ асосида рўйхатдан ўтказиш рақами берилган ҳолда Давлат реестрига тегишли ёзув киритилади.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги белги (давлат рўйхатидан ўтказиш рақами, санаси ва Адлия вазирлигининг гербли муҳри) буйруқ ёки қарорнинг юқори қисмига қўйилади. Буйруқ ёки қарор иловасининг ҳар бир илова қилинаётган варағининг пастки ўнг бурчагига давлат рўйхатидан ўтганлик ҳақида муҳр қўйилади.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг расмийлаштирилган асл нусхаси норматив-ҳуқуқий ҳужжатни ҳуқуқий экспертизадан ва давлат рўйхатидан ўтказиш учун тақдим этган вазирлик ёки идоранинг ходимиغا тилхат орқали берилади. Агар ҳужжат давлат рўйхатидан ўтказилганидан кейин бир сутка мобайнида олинмаса, у Адлия вазирлиги томонидан почта орқали норматив-ҳуқуқий ҳужжатни ҳуқуқий экспертизадан ва давлат рўйхатидан ўтказиш учун тақдим этган органга юборилиши мумкин.

78. Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги, шунингдек ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар мазкур Қоидаларда ўрнатилган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим.

3-§. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг кучга кириши

79. Норматив-ҳуқуқий ҳужжат агар ҳужжатнинг ўзида кечроқ муддат кўрсатилмаган бўлса, давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради. Ўн кунлик муддатни ҳисоблаб чиқишда давлат рўйхатидан ўтказиш куни ҳисобга олинади. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг амал қилиши ўнинчи кундан кейинги кундан бошланади.

Агар ҳужжатнинг ўзида кечроқ муддат кўрсатилган бўлса, унда норматив-ҳуқуқий ҳужжат шу санадан бошлаб кучга киради.

80. Агар қонун ҳужжатларида ёки норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг ўзида унинг кучга кириш шarti сифатида расмий эълон қилиниши белгиланган бўлса, унда ушбу ҳужжат расмий эълон қилинган кундан бошлаб кучга киради, агар ҳужжатнинг ўзида кечроқ муддат белгиланмаган бўлса. Норматив-ҳуқуқий ҳужжат давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кунлик муддат ўтмасдан эълон қилинган бўлса, унда ушбу ҳужжат мазкур Қоидаларнинг 79-бандига мувофиқ кучга киради.

81. Норматив-ҳуқуқий тусдаги ҳужжатларни давлат рўйхатидан ўтказмасдан ижрога юборишга йўл қўйилмайди. Мазкур талаблар бузилган тақдирда, ҳужжатлар кучга кирмаган ҳужжат сифатида қўлланилмайди.

V-боб. Яқуний қоидалар

1-§. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга расмий шарҳ бериш

82. Вазирлик ва идоралар ўзларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини тўғри ва бир хилда қўлланилишини таъминлайдилар. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатни қўллаш бўйича шарҳ бериш зарурати юзага келган тақдирда, норматив-ҳуқуқий ҳужжатни қабул қилган орган тегишли расмий шарҳ бериши шарт.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатда ноаниқликлар топилган, у амалиётда нотўғри ёки мантиққа зид тарзда қўлланилган ҳолларда расмий шарҳ берилади. Расмий шарҳлар беришда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритишга йўл қўйилмайди.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга расмий шарҳ бериш норматив-ҳуқуқий кўрсатмалар мазмунини тушунтиришдан иборат бўлиб, норматив-ҳуқуқий бўлмаган, балки аниқлаштирувчи кўрсатмаларни ўз ичига олади ҳамда мустақил аҳамиятга эга бўлмайди ва расмий шарҳ берилаётган нормалар билан биргаликда амал қилади.

Бунда расмий шарҳ бериш мақсадида норматив-ҳуқуқий ҳужжат матнidan фақат сўзма-сўз (унинг бўлими, боби, параграфи, банди ва ҳоказо) фойдаланишга йўл қўйилади. Норматив-ҳуқуқий ҳужжат мазмунидан (унинг бўлими, боби, параграфи, банди ва ҳоказо) фарқ қилувчи ҳамда янги норматив-ҳуқуқий кўрсатмалар ҳосил қилувчи бошқа тушунча, атама ва шарҳлардан фойдаланишга йўл қўйилмайди.

83. Адлия вазирлиги тегишли органларга улар қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар бўйича расмий шарҳ бериш тўғрисида тақдимнома киритишга ҳақлидир.

84. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга расмий шарҳлар тегишлича буйруқ ёки қарорлар билан мазкур Қоидаларнинг 12-иловасига мувофиқ шаклда берилади.

85. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатга расмий шарҳ бериш тўғрисидаги тасдиқланган буйруқ ёки қарорнинг қоғоздаги нусхаси ва электрон шакли ўн кун ичида ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш ва келишиш учун Адлия вазирлигига тақдим қилинади.

Расмий шарҳ бериш тўғрисидаги буйруқ ёки қарор Адлия вазирлиги билан келишилгандан кейингина қўллашга юборилади.

86. Расмий шарҳ бериш тўғрисидаги буйруқ ёки қарор норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг ўзи манфаатдор шахслар эътиборига қандай тартибда етказилган бўлса, шундай тартибда етказилади.

87. Норматив-ҳуқуқий ҳужжат қоидаларини қўллаган ҳолда тўлиқ шарҳ бериш имкони бўлмаган тақдирда, вазирлик ёки идора норматив-ҳуқуқий ҳужжатга тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритишга ва уларни Адлия вазирлигига давлат рўйхатидан ўтказиш учун тақдим қилишга мажбурдир.

Агар шарҳ тайёрлаш давомида қонун ҳужжатлари нормаларини қўллашнинг айрим масалаларини норматив-ҳуқуқий тартибга солиш зарурати аниқланса, вазирлик ва идоралар ўз ваколатлари доирасида тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатни ишлаб чиқишлари ва қабул қилишлари ёхуд юқори турувчи органларга норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиш бўйича тақлиф киритишлари лозим.

2-§. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ёхуд ўз кучини йўқотган деб топиш

88. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ёхуд ўз кучини йўқотган деб топиш қонун ҳужжатлари ўзгариши муносабати билан, шу жумладан вазирлик ва идораларнинг янги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари қабул қилиниши муносабати билан, шунингдек уларни қабул қилган вазирлик ва идораларнинг ташаббуси бўйича амалга оширилади.

89. Янги норматив-ҳуқуқий ҳужжат тайёрланаётганлиги муносабати билан муқаддам қабул қилинган тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ёки уларнинг тузилмавий бирликларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ёхуд уларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисидаги тақлифлар бундай ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқиш билан бир вақтда тайёрланиши лозим.

90. Қонун ҳужжатлари ўзгарган тақдирда, вазирлик ва идоралар ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳолга кел-

тиришлари ҳамда ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги тегишли ҳужжатларни ҳуқуқий экспертизадан ва давлат рўйхатидан ўтказиш учун Адлия вазирлигига тақдим этишга мажбурдирлар. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳолга келтирилгунга қадар уларнинг қонун ҳужжатларига зид бўлмаган қисмлари амалда бўлади.

Адлия вазирлиги вазирлик ва идораларга уларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳолга келтириш тўғрисида тақдимномалар киритишга ҳақлидир. Бу ҳолда вазирлик ва идоралар ўн кунлик муддатда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги ҳужжатни ҳуқуқий экспертизадан ва давлат рўйхатидан ўтказиш учун Адлия вазирлигига тақдим этишга мажбурдирлар. Ушбу норма бажарилмаган тақдирда Адлия вазирлиги тегишли орган (органлар)ни кейинчалик хабардор қилган ҳолда норматив-ҳуқуқий ҳужжатни Давлат реестридан чиқаришга ҳақлидир, бу норматив-ҳуқуқий ҳужжатни юридик кучга эга эмас деб ҳисоблаш учун асос бўлади. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатни Давлат реестридан чиқариш Адлия вазирининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатни Давлат реестридан чиқариш тўғрисидаги буйруғи билан амалга оширилади.

91. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қонун ҳужжатлари ўзгариши муносабати билан ёхуд вазирлик ёки идора ташаббуси бўйича қайта кўриб чиқишда айрим норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг амал қилишини тугатиш зарурати юзага келган тақдирда, вазирлик ва идоралар норматив-ҳуқуқий ҳужжатни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисидаги тегишли буйруқ ёки қарорни Адлия вазирлигига тақдим этадилар.

Адлия вазирининг ушбу норматив-ҳуқуқий ҳужжатни давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисидаги буйруғи асосида Давлат реестрига норматив-ҳуқуқий ҳужжатни ўз кучини йўқотган деб топиш ва Давлат реестридан чиқариш тўғрисидаги ёзув киритилади.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжат уни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисидаги ҳужжатда кўрсатилган санадан, агар сана кўрсатилмаган бўлса — ҳужжат давлат рўйхатидан ўтказилган санадан бошлаб ўз кучини йўқотган деб топилади.

92. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ёхуд уни ўз кучини йўқотган деб топиш ушбу ҳужжатни қабул қилган орган томонидан ёхуд бунга ваколатли бошқа орган томонидан ушбу ҳужжат қабул қилинган тартибда амалга оширилади.

Бошқа идоралар билан қўшма ёки келишилган ҳолда қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга шу идоралар билан қўшма ёки келишилган ҳолда ўзгартириш ва қўшимчалар киритилади ёки ўз кучини йўқотган деб топилади.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилган орган тугатилган ёки қайта ташкил этилган тақдирда унинг ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш, уларни манфаатдор шахслар эътиборига етказиш, уларга ўзгар-

тириш ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги масалалар унинг ҳуқуқий вориси ёки юқори турувчи орган томонидан ҳал этилади.

93. Вақтинчалик тусга эга бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар уларнинг амал қилиш муддати тугаган кундан эътиборан Давлат реестридан чиқарилган ҳисобланади. Зарур ҳолларда вазирлик ва идоралар бундай ҳужжатларнинг амал қилиш муддати тугашидан камида ўттиз кун олдин уларнинг муддатини узайтириш тўғрисидаги тегишли ҳужжатни Адлия вазирлигига тақдим этиб, уларнинг муддатини узайтиришга мажбурдирлар.

3-§. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг амал қилишини тўхтатиб туриш

94. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг амал қилиши қуйидаги ҳолларда Адлия вазирлиги томонидан тўхтатиб турилиши мумкин:

а) низоли масалалар келиб чиққанда, шунингдек норматив-ҳуқуқий ҳужжатни қўллаш билан боғлиқ бўлган янги ҳолатлар аниқланганда;

б) норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни белгиланган муддатларда барча манфаатдор шахслар эътиборига етказиш таъминланмаганда.

Ушбу банднинг «а» кичик бандида кўрсатилган ҳолларда Адлия вазирлиги, шунингдек норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг тегишли қисмининг амал қилишини тўхтатиб туришга ҳақлидир.

95. Норматив-ҳуқуқий ҳужжат ёки унинг тузилмавий бирлигининг амал қилиши уни тўхтатиб туриш асослари баргараф қилинган тақдирда қайта тикланиши мумкин.

96. Адлия вазири томонидан тегишли буйруқ қабул қилинган кундан бошлаб норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг ёки унинг тузилмавий бирлигининг амал қилиши тўхтатиб турилган ёки қайта тикланган деб ҳисобланади, буйруқнинг нусхаси ушбу норматив-ҳуқуқий ҳужжатни қабул қилган органга юборилади.

4-§. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни эълон қилиш ва барча манфаатдор шахслар эътиборига етказиш

97. Норматив-ҳуқуқий ҳужжат давлат рўйхатидан ўтказилгандан сўнг унинг 1 та асл нусхаси ва 1 та нусхаси Адлия вазирлигида қолади.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг нусхасидан давлат ҳисобини юритиш ва эълон қилиш учун фойдаланилади.

98. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар эълон қилишнинг расмий манбаларида эълон қилиниши шарт. «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами» — «Собрание законодательства Республики Узбекистан», вазирликлар ва идораларнинг расмий нашрлари норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар эълон қилинадиган расмий манбалардир.

99. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатни эълон қилиш ва тарқатишда Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказиш рақами ва санаси кўрсатилиши мажбурийдир.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатни расмий ва норасмий нашрларда, шу жумладан оммавий ахборот воситаларида ва маълумотларнинг электрон базаларида эълон қилишда (тарқатишда), шунингдек қайта чоп этиш йўли билан тарқатишда Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказиш рақами ва санаси ҳужжатнинг биринчи варағининг марказида унинг номининг остига қўйилади.

100. Расмий шарҳ бериш тўғрисидаги буйруқлар ёки қарорлар «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами» — «Собрание законодательства Республики Узбекистан»да эълон қилинади.

101. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни давлат рўйхатидан ўтказишнинг ҳолати тўғрисидаги маълумотлар «Халқ сўзи» — «Народное слово» газеталарида мунтазам равишда эълон қилиб борилиши шарт.

102. Вазирлик ва идоралар ўзлари томонидан қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кунлик муддатда барча манфаатдор шахслар эътиборига етказишлари шарт.

Вазирлик ва идоралар қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни мажбурий тартибда тарқатиш учун корхона, муассаса ва ташкилотлар рўйхатини, шунингдек мазкур орган томонидан қабул қилинадиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардан манфаатдор бўлиши мумкин бўлган шахслар (жисмоний ва юридик)нинг тахминий рўйхатини белгилашлари лозим. Зарур ҳолларда, Адлия вазирлиги норматив-ҳуқуқий ҳужжатни давлат рўйхатидан ўтказишда қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан таништирилиши лозим бўлган шахсларнинг энг кам рўйхатини белгилашга ҳақлидир.

103. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатни манфаатдор шахслар эътиборига етказиш норматив-ҳуқуқий ҳужжат матни билан тўсиқсиз (эркин) танишиш имконини берувчи ҳар қандай шаклларда, шу жумладан оммавий ахборот воситаларида, расмий нашрларда, умумфойдаланиш жойларидаги пешлавларда ва бошқаларда эълон қилиш йўли орқали амалга оширилиши мумкин. Бунда норматив-ҳуқуқий ҳужжатни қўллашга масъул бўлган шахслар норматив-ҳуқуқий ҳужжат билан шахсан таништирилиб, тилхат олинishi лозим.

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини тайёрлаш ва қабул қилиш Қоидаларига
1-илова

(Ўзбекистон Республикаси Герби)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРИНИНГ БУЙРУҒИ

Актuariй малака сертификатини бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 10 апрелдаги ПҚ–618-сон «Суғурта хизматлари бозорини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорининг (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 15-сон, 158-модда) ижросини таъминлаш мақсадида ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 23 ноябрдаги 553-сонли қарори (Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорлари тўплами, 1992 й., 12-сон, 37-модда) билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги тўғрисида»ги низома мувофиқ **буйраман:**

1. Актuariй малака сертификатини бериш тартиби тўғрисидаги низома иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

Вазир

(имзо, Ф.И.О.)

М.Ў.

Тошкент ш.,
2007 йил 6 сентябрь,
87-сон

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг
2007 йил 6 сентябрдаги
87-сон буйруғига
илова

Актуарий малака сертификатини бериш тартиби тўғрисидаги НИЗОМ

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 10 апрелдаги ПҚ–618-сон «Суғурта хизматлари бозорини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 йил, 15-сон, 158-модда) мувофиқ актуарий малака сертификатини бериш, амал қилиш муддатини узайтириш, амал қилишини тўхтатиш ва бекор қилиш тартибини белгилайди.

I. Умумий қоидалар

1. Актуарий малака сертификати — жисмоний шахсга, агар у актуар ташкилот штатида бўлса ёки у билан актуар ташкилот ўртасида фуқаролик-ҳуқуқий тусдаги шартнома тузилган бўлса, актуар хизматларини кўрсатиш ҳуқуқини берувчи ҳужжат.

.....

XI. Яқуний қоидалар

48. Молия вазирлигининг актуарий малака сертификатини бериш, амал қилишини тўхтатиш ва бекор қилиш масалалари бўйича қарорлари устидан манфаатдор шахслар томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда шикоят қилиниши мумкин.

49. Мазкур Низом талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгарликка тортиладилар.

50. Мазкур Низом Ўзбекистон суғурта бозори профессионал иштирокчилари ассоциацияси билан келишилган.

**Ўзбекистон суғурта бозори
профессионал иштирокчилари
ассоциацияси бош директори**

(имзо, Ф.И.О.)

2007 йил 8 август

М.Ў.

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини тайёрлаш ва қабул қилиш Қоидаларига
2-илова

(Ўзбекистон Республикаси Герби)

**ЎЗБЕКИСТОН RESPУБЛИКАСИ ДАВЛАТ
БОЖХОНА ҚЎМИТАСИ
ЎЗБЕКИСТОН RESPУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ
АЛОҚАЛАР, ИНВЕСТИЦИЯЛАР ВА САВДО ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН RESPУБЛИКАСИ ИҚТИСОДИЁТ
ВАЗИРЛИГИНИНГ
ҚАРОРИ**

2006 йил 30 августдаги Орол денгизининг Ўзбекистон қисмига тегишли Маҳсулот тақсимотига оид битимни бажариш доирасида Ўзбекистон Республикаси божхона чегараси орқали олиб ўтиладиган товарларнинг божхона расмийлаштируви қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси «Давлат божхона хизмати тўғрисида»ги Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 й., 9-сон, 230-модда) 6-моддаси, Ўзбекистон Республикасининг «Ер ости бойликлари тўғрисида»ги Қонуни, (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 й., 1-сон, 5-модда) Ўзбекистон Республикасининг «Маҳсулот тақсимотига оид битимлар тўғрисида»ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002 й., 1-сон, 12-модда) ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 30 августдаги ПҚ-457-сон «Орол денгизининг Ўзбекистон қисмини геологик жиҳатдан ўрганиш ва кейинчалик янги очиладиган углеводород конларини маҳсулотни тақсимлаш тўғрисидаги Битим шартлари асосида қозиш ҳақида»ги (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 й., 8-сон, 477-модда) ҳамда 2006 йил 24 октябрдаги ПҚ-498-сон «Орол денгизининг Ўзбекистонга тегишли қисмига нисбатан маҳсулотни тақсимлаш тўғрисидаги Битимни амалга ошириш тартиби ва механизми ҳақида»ги (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й., 43-44-сон, 426-модда) қарорларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги ва Иқтисодиёт вазирлиги **қарор қилдилар:**

1. 2006 йил 30 августдаги Орол денгизининг Ўзбекистон қисмига тегишли маҳсулот тақсимотига оид Битимни бажариш доирасида Ўзбекистон Республикаси божхона чегараси орқали олиб ўтиладиган товарларнинг божхона расмийлаштируви қоидалари иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

**Давлат божхона
қўмитаси раиси**

(имзо, Ф.И.О.)

М.Ў.

Тошкент ш.,
2007 йил 5 сентябрь,
202326-сон

**Ташқи иқтисодий алоқалар,
инвестициялар ва савдо вазири**

(имзо, Ф.И.О.)

М.Ў.

Тошкент ш.,
2007 йил 5 сентябрь,
195668-сон

Иқтисодиёт вазири

(имзо, Ф.И.О.)

М.Ў.

Тошкент ш.,
2007 йил 5 сентябрь,
164575-сон

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона
қўмитаси, Ташқи иқтисодий алоқалар,
инвестициялар ва савдо вазирлиги,
Иқтисодиёт вазирлигининг
2007 йил 5 сентябрдаги
202326, 195668 ва 164575-сон қарорига
илова

**2006 йил 30 августдаги Орол денгизининг Ўзбекистон
қисмига тегишли маҳсулот тақсимотига оид Битимни
бажариш доирасида Ўзбекистон Республикаси божхона
чегараси орқали олиб ўтиладиган товарларнинг
божхона расмийлаштируви
Қоидалари**

Ўзбекистон Республикаси «Давлат божхона хизмати тўғрисида»ги Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 й., 9-сон, 230-модда) 6-моддаси, Ўзбекистон Республикаси «Ер ости бойликлари тўғрисида»ги Қонуни, (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 й., 1-сон, 5-модда) Ўзбекистон Республикаси «Маҳсулот тақсимотига оид битимлар тўғрисида»ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002 й., 1-сон, 12-модда) ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 30 августдаги ПҚ-457-сон «Орол денгизининг Ўзбекистон қисмини геологик жиҳатдан ўрганиш ва кейинчалик янги очиладиган углеводород конларини маҳсулотни тақсимлаш тўғрисидаги Битим шартлари асосида қазилар ҳақида»ги (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 й., 8-сон, 477-модда) ҳамда 2006 йил 24 октябрдаги ПҚ-498-сон «Орол денгизининг Ўзбекистонга тегишли қисмига нисбатан маҳсулотни тақсимлаш тўғрисидаги Битимни амалга ошириш тартиби ва механизми ҳақида»ги (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й., 43-44-сон, 426-модда) қарорлари, Ўзбекистон Республикаси ва «Ўзбекнефтегаз» МХК, Корея Миллий Нефть Корпорацияси, «ЛУКОЙЛ Оверсиз Холдинг Лтд.» (Россия), «Петронас Чаригали Оверсиз Сдн. Бхд.» (Малайзия) ва «Си-Эн-Пи-Си Интенешнл Лтд.» (ХХР) таркибидаги сармоядорлар консорциуми ўртасида 2006 йил 30 августдаги Орол денгизининг Ўзбекистон қисмига нисбатан маҳсулотни тақсимлаш тўғрисидаги Битимга мувофиқ, кўрсатилган Битим доирасида Ўзбекистон Республикаси божхона чегараси орқали олиб ўтиладиган товарларни божхона расмийлаштирувини амалга ошириш тартибини белгилайди.

1. Ушбу Қоидаларда қуйидаги асосий тушунчалар ишлатилади:

МТБ — 2006 йил 30 августдаги Ўзбекистон Республикаси ва «Ўзбекнефтегаз» МХК, Корея Миллий Нефть Корпорацияси, «ЛУКОЙЛ Оверсиз Холдинг Лтд.» (Россия), «Петронас Чаригали Оверсиз Сдн. Бхд.» (Малайзия) ва «Си-Эн-Пи-Си Интенешнл Лтд.» (ХХР) таркибидаги сармоядорлар

консорциуми ўртасида Орол денгизининг Ўзбекистон қисмига нисбатан маҳсулотни тақсимлаш тўғрисидаги Битим, илова ҳамда ўзгартишлар ва қўшимчаларни ичига олган ҳолда;

Сармоядор — «Ўзбекнефтегаз» МХК, Корея Миллий Нефть Корпорацияси, «ЛУКОЙЛ Оверсиз Холдинг Лтд.», «Петронас Чаригали Оверсиз Сдн. Бхд.» ва «Си-Эн-Пи-Си Интенешнл Лтд.» (ХХР) компанияларни, уларнинг ҳукукий ворислари ва йўл қўйиладиган цессионарийларини бирга англади;

8. Оператор Нефть-газ операцияларини ўтказиш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 20 ноябрдаги 523-сон «Божхона омбори, эркин омбор ва бож олинмайдиган савдо дўкони фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорлари тўплами, 2003 й., № 11, 124-модда) ва «Божхона омбори» божхона режими тўғрисида»ги низомга (рўйхат рақами 1318, 2004 йил 27 февраль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 8-сон, 103-модда) мувофиқ божхона омбори таъсис этиш ҳукукига эга.

29. Ушбу Қоидалар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Марказий банки билан келишилган.

Молия вазири

(имзо, Ф.И.О.)

М.Ў.

2007 йил 3 сентябрь

Марказий банк раиси

(имзо, Ф.И.О.)

М.Ў.

2007 йил 3 сентябрь

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини тайёрлаш ва қабул қилиш Қоидаларига
3-илова

(Ўзбекистон Республикаси Герби)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРИНИНГ БУЙРУҒИ

Ижро йиғимини ундириш тўғрисидаги суд ижрочилари қарорларининг ҳисобини юритиш ва уларнинг ундирилишини назорат қилиш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 27 августдаги 370-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2003 й., 15-16-сон, 138-модда) билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тўғрисида»ги низомнинг 11-бандига мувофиқ ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 1 ноябрдаги ПҚ-722-сон Қарори (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 45-сон, 451-модда) билан тасдиқланган «Ижро йиғимини ундириш ва фойдаланиш тартиби тўғрисида»ги низомнинг 7-банди ижросини таъминлаш мақсадида **бюраман:**

1. Ижро йиғимини ундириш тўғрисидаги суд ижрочилари қарорларининг ҳисобини юритиш ва уларнинг ундирилишини назорат қилиш тартиби тўғрисидаги йўриқнома иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур буйруқ 2008 йил 1 январдан кучга киради.

Вазир

(имзо, Ф.И.О.)
М.Ў.

Тошкент ш.,
2007 йил 24 ноябрь
2229-сон

Ўзбекистон Республикаси Адлия
вазирининг 2007 йил 24 ноябрдаги
2229-сон буйруғига
илова

**Ижро йиғимини ундириш тўғрисидаги суд ижрочилари
қарорларининг ҳисобини юритиш ва уларнинг ундирилишини
назорат қилиш тартиби тўғрисида
Йўриқнома**

Мазкур Йўриқнома Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 1 ноябрдаги ПҚ-722-сон «Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги ҳузуридаги Суд департаментининг суд қарорларини ижро этиш, моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида»ги Қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 45-сон, 451-модда) мувофиқ ижро йиғимини ундириш тўғрисидаги қарорларни чиқариш, ижро этиш ва ҳисобини юритиш, шунингдек уларнинг ундирилиши устидан назорат қилиш билан боғлиқ муносабатларни тартибга солади.

I. Умумий қоидалар

1. Мазкур Йўриқномада мулкӣ характерга эга бўлган ижро ҳужжатлари дейилганда қарздор томонидан ундирувчига, давлат фойдасига ёхуд бошқа шахсга муайян пул маблағларини тўлашни назарда тутувчи суд ҳужжатлари ёки бошқа органлар ҳужжатлари тушунилади.

8. Ижро йиғимини ундириш тўғрисида қарор ихтиёрий равишда ижро этиш муддати тугагандан кейинги кундан кечиктирмасдан суд ижрочиси томонидан мазкур Йўриқноманинг 1-иловасига мувофиқ шаклда чиқарилади.

15. Бир қарздорга нисбатан бир неча ижро ҳужжатини ижро этишда, ижро йиғими ҳар бир ижро ҳужжати бўйича алоҳида ундирилади.

Бир неча талаблар (ижро ҳужжатлари) бўйича қарздордан ундириладиган ижро йиғимлари Қонуннинг 80-моддасида белгиланган тартибда тегишли талабнинг қаноатлантириш навбатига кўра ундирилади. Бунда, мулкӣ характерга эга бўлмаган ижро ҳужжатлари бўйича қарздордан ундириладиган ижро йиғимлари, шунингдек мулкӣ характерга эга бўлган ижро ҳужжатлари бўйича қонунда белгиланган муддатда реализация қилинмаган мол-мулкни ундирувчига топшириш ҳолатлари биринчи навбатда қаноатлан-

тириладиган талабларга тенглаштирилади. Мазкур хатбоши билан белгиланган қоидалар қарздорнинг банк ҳисобварақларидаги пул маблағларини ҳисобдан чиқариш навбатларини белгилаш вақтида ҳам татбиқ этилади.

Мазкур Қоидани қўллаш мисоллари ушбу Йўриқноманинг 2-иловасида келтирилган.

V. Яқуний қоидалар

32. Мазкур Йўриқноманинг бажарилишини назорат қилиш Суд департаменти томонидан амалга оширилади.

Ижро йиғимининг ҳисобини юритиш ва ундиришнинг белгиланган тартиби устидан доимий назоратни амалга ошириш Суд департаментининг ҳудудий бошқармаси бошлиғига юклатилади.

33. Мазкур Йўриқнома талабларининг бузилиши қонунда белгиланган жавобгарликни келтириб чиқаради.

Ижро йиғимини ундириш тўғрисидаги суд ижрочилари қарорлари ҳисобини юритиш ва уларнинг ундирилишини назорат қилиш тартиби тўғрисидаги Йўриқномага 1-илова

«ТАСДИҚЛАЙМАН»

_____ (лавозим)

_____ (мансабдор шахс Ф.И.О.)

_____ (мансабдор шахс имзоси)

« _____ » _____ 20__ й.

ҚАРОР
(Ижро йиғимини ундириш тўғрисида)

.....
Суд ижрочиси:

_____ (Ф.И.О.)

Ижро йиғимини ундириш тўғрисидаги суд ижрочилари қарорлари ҳисобини юритиш ва уларнинг ундирилишини назорат қилиш тартиби тўғрисидаги Йўриқномага 2-илова

Бир қарздорга нисбатан бир нечта ижро ҳужжатларини ижро этишда ижро йиғимини ундириш бўйича мисоллар

1-Мисол. Суд ижрочисининг иш юритувига қарздор — юридик шахсдан турли навбатдаги қарздорликни ундириш тўғрисида урта ижро ҳужжати келиб тушган: солиқ бўйича 100 000 сўм боқиманда қарздорлик ундириш тўғрисида (биринчи навбатдаги талаб); хўжалик юритувчи субъектлар ўртасида шартномавий муносабатлардан юзага келган 60 000 сўм қарздорликни ундириш тўғрисида (олтинчи навбатдаги талаб); гаровга қўйилган мол-мулк қийматидан 50 000 сўм банк кредитини ундириш тўғрисида (тўртинчи навбатдаги талаб). Бироқ, қарздор томонидан кўрсатилган ижро ҳужжатлари бўйича ижро ҳужжати талаблари ихтиёрий равишда бажарилмаган. Шу сабабли, суд ижрочиси кўрсатилган ҳар бир ижро ҳужжати бўйича ундирилаётган сумманинг 2 фоизи миқдоридан ижро йиғими ундириш тўғрисида алоҳида қарорлар чиқарган.

.....

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини тайёрлаш ва қабул қилиш Қоидаларига
4-илова

(Ўзбекистон Республикаси Герби)

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ
САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МЕХНАТ ВА АҲОЛИНИ
ИЖТИМОЙ МУҲОҒАЗА ҚИЛИШ ВАЗИРЛИГИНИНГ
ҚАРОРИ**

**Радиация натижасида келиб чиқиши мумкин бўлган
касалликлар рўйхатини тасдиқлаш ҳақида**

Радиациядан зарар кўрган фуқароларга тиббий ёрдамни ташкил этиш ва улардаги ривожланган касалликларнинг радиацияга боғлиқлигини аниқлаш масалаларини такомиллаштиришда, Халқаро қўмиталарнинг, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги давлатларидаги ҳамда Ўзбекистон Республикасидаги бир қатор илмий ташкилотларнинг тадқиқотларига асосланган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги **қарор қиладилар:**

1. Радиация натижасида келиб чиқиши мумкин бўлган касалликлар рўйхати иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга кирди.

Соғлиқни сақлаш вазири

(имзо, Ф.И.О.)
М.Ў.

Тошкент ш.,
2004 йил 27 февраль,
1245-сон

**Меҳнат ва аҳолини ижтимоий
муҳофаза қилиш вазири**

(имзо, Ф.И.О.)
М.Ў.

Тошкент ш.,
2004 йил 27 февраль,
122-сон

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни
сақлаш вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини
ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг
2004 йил 27 февралдаги 1245,
122-сон қарорига
илова

**Радиация натижасида келиб чиқадиган касалликлар
Рўйхати**

1. Турли даражадаги ўткир ва сурункали нур хасталиги.
2. Хавфли ўсма касалликларининг (саратон) барча турлари.
3. Лейкоз.

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини тайёрлаш ва қабул қилиш Қоидаларига
5-илова

(Ўзбекистон Республикаси Герби)

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ
ҚЎМИТАСИНING
ҚАРОРИ**

«Солиқ маслаҳатчиси малака сертификатини олиш учун малака имтиҳонларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисида»ги низомга ўзгартириш киритиш ҳақида

Ўзбекистон Республикасининг «Солиқ маслаҳати тўғрисида»ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й., 37-38-сон, 374-модда), Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 20 мартдаги 55-сон «Солиқ маслаҳати соҳасини ривожлантириш чоратадбирлари тўғрисида»ги қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 йил, 12-сон, 111-модда) мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси **қарор қилдилар:**

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 2007 йил 17 декабрдаги 108, 2007-63-сонли қарори (рўйхат рақами 1749, 2007 йил 17 декабрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 йил, 50-51-сон, 530-модда) билан тасдиқланган «Солиқ маслаҳатчиси малака сертификатини олиш учун малака имтиҳонларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисида»ги низомнинг 39-банди қуйидаги тахрирда баён қилинсин:

«39. Солиқ маслаҳатчиси сертификатини олиш учун даъвогар бўлимлар бўйича камида қуйидаги миқдордаги саволларга тўғри жавоб бериши лозим:

солиқ ҳуқуқи — 5;

юрidik ва жисмоний шахсларни солиққа тортиш — 9;

иқтисодий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш — 7;

солиқ маслаҳати беришнинг ҳуқуқий асослари, ташкил этиш ва услуги — 3;

бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи — 8;

солиқ ҳисоб-китоблари ва режалаштиришда иқтисодий таҳлил — 3.

Бунда тест натижаларини ижобий деб эътироф этиш учун асос бўлиб ҳисобланадиган тўғри жавоблар миқдори имтиҳон тестларидаги мавжуд саволлар умумий миқдорининг камида 75 фоизини ташкил этиши керак».

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида дав-

лат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

Молия вазири

(имзо, Ф.И.О.)

М.Ў.

Тошкент ш.,
2008 йил 15 сентябрь,
178-сон

Давлат солиқ қўмитаси раиси

(имзо, Ф.И.О.)

М.Ў.

Тошкент ш.,
2008 йил 15 сентябрь,
005478-сон

НАМАДУНГА

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини тайёрлаш ва қабул қилиш Қоидаларига 6-илова

(Ўзбекистон Республикаси Герби)

**ЎЗБЕКИСТОН СТАНДАРТЛАШТИРИШ, МЕТРОЛОГИЯ ВА
СЕРТИФИКАТЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИ БОШ
ДИРЕКТОРИНИНГ
БУЙРУҒИ**

«Мажбурий тартибда сертификатладиган бир турдаги маҳсулотларнинг алоҳида турларини сертификатлаш қоидалари»га қўшимчалар киритиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 8 августдаги 176-сон «Мажбурий тартибда сертификатладиган маҳсулот турлари рўйхатига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 33-сон, 315-модда) мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги бош директорининг 2005 йил 7 сентябрдаги 340-сон буйруғи (рўйхат рақами 1513, 2005 йил 28 сентябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 й., 39-сон, 299-модда) билан тасдиқланган «Мажбурий тартибда сертификатладиган бир турдаги маҳсулотларнинг алоҳида турларини сертификатлаш Қоидалари» қуйидаги мазмундаги XI¹ бўлим билан тўлдирилсин:

«XI¹. Спорт снарядлари, инвентарь ва асбоб-ускуналарни сертификатлаштиришнинг ўзига хослиги

24¹. Спорт снарядлари, инвентарь ва асбоб-ускуналарни сертификатлаштиришда 3, 4, 7, 9-схемалардан фойдаланиш мумкин.

24². Спорт снарядлари, инвентарь ва асбоб-ускуналарни синовдан ўтказишда ва сертификатлаштиришда маҳсулотнинг қуйидаги кўрсаткичлари назоратдан ўтказилади: маркировка, геометрик катталиги, оғирлиги, мустаҳкамлиги, ишончилиги, қимирламайдиган спорт снарядларининг, инвентарь ва асбоб-ускуналарнинг бардошлилиги, материалларнинг сифати, деталларнинг қайта ишланишининг сифати, шикастланишга олиб келувчи нуқсонларнинг йўқлиги, тикишларнинг сифати ва мустаҳкамлиги, кўтариш оғирлиги, таянувчи юзалар ишловининг сифати».

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида дав-

лат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

Бош директор

(имзо, Ф.И.О.)

М.Ў.

Тошкент ш.,
2008 йил 3 сентябрь,
185-сон

Намуна

Вазирликлар, давлат кўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини тайёрлаш ва қабул қилиш Қоидаларига
7-илова

(Ўзбекистон Республикаси Герби)

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ
ҚЎМИТАСИНING
ҚАРОРИ**

«Адвокатлик бюрolari, адвокатлар хайъатлари, адвокатлик фирмалари ва адвокатлар томонидан бюджетга солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги қарор ва унга ўзгартиришни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 52 (II)-сон) ва Ўзбекистон Республикаси «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 й., 9-сон, 232-модда) 7-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Адлия вазирлиги ва Давлат солиқ кўмитаси **қарор қиладилар:**

1. Қуйидагилар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин:

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Адлия вазирлиги ва Давлат солиқ кўмитасининг 2004 йил 29 февралдаги 41, 66-мх ва 2004-29-сон «Адвокатлик бюрolari, адвокатлар хайъатлари, адвокатлик фирмалари ва адвокатлар томонидан бюджетга солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисида йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1330, 2004 йил 22 март) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 12-сон, 148-модда);

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Адлия вазирлиги ва Давлат солиқ кўмитасининг 2007 йил 4 июндаги 60, 20-26-02 ва 2007-28-сон «Адвокатлик бюрolari, адвокатлар хайъатлари, адвокатлик фирмалари ва адвокатлар томонидан бюджетга солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисида»ги йўриқномага ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1330-1, 2007 йил 11 июнь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 24-сон, 253-модда).

2. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш вазирлиги ва Ўзбекистон Адвокатлар ассоциацияси билан келишилган.

3. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида дав-

лат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

Молия вазири

(имзо, Ф.И.О.)

М.Ў.

Тошкент ш.,
2008 йил 28 июль,
196-сон

Адлия вазири

(имзо, Ф.И.О.)

М.Ў.

Тошкент ш.,
2008 йил 28 июль,
190-сон

Давлат солиқ қўмитаси раиси

(имзо, Ф.И.О.)

М.Ў.

Тошкент ш.,
2008 йил 28 июль,
25801-сон

Келишилган:

**Меҳнат ва аҳолини ижтимоий
ҳимоя қилиш вазири**

(имзо, Ф.И.О.)

М.Ў.

2008 йил 8 июль

**Ўзбекистон Адвокатлар ассоциацияси
раиси**

(имзо, Ф.И.О.)

М.Ў.

2008 йил 8 июль

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини тайёрлаш ва қабул қилиш Қоидаларига
8-илова

(Ўзбекистон Республикаси Герби)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ ҚАРОРИ

«Тижорат банкларида қимматли қоғозлар билан бўлган операцияларнинг бухгалтерлик ҳисоби тўғрисида»ги низомга ўзгартириш киритиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида»ги Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси, 1995 й., 12-сон, 247-модда) 7, 17 ва 51-моддаларига мувофиқ Марказий банк Бошқаруви **қарор қилади:**

1. Қуйидагилар кучини йўқотган деб ҳисоблансин:

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 1999 йил 22 январдаги 438-сон қарори (рўйхат рақами 662, 1999 йил 5 март) билан тасдиқланган «Тижорат банкларида қимматли қоғозлар билан бўлган операцияларнинг бухгалтерлик ҳисоби тўғрисида»ги низомнинг 4-боби;

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 1999 йил 20 ноябрдаги 438-1-сон «Тижорат банкларида қимматли қоғозлар билан бўлган операцияларнинг бухгалтерлик ҳисоби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қарори (рўйхат рақами 662-1, 2000 йил 22 февраль) иловасининг 3, 4 ва 5-бандлари;

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2003 йил 1 мартдаги 4/11-сон «Тижорат банкларида қимматли қоғозлар билан бўлган операцияларнинг бухгалтерлик ҳисоби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги қарори (рўйхат рақами 662-2, 2003 йил 28 март) (Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идораларининг меъёрий ҳужжатлари ахборотномаси, 2003 й., 5-6-сон).

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

Марказий банк раиси

(имзо, Ф.И.О.)

М.Ў.

Тошкент ш.,
2008 йил 3 май,
589-сон

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини тайёрлаш ва қабул қилиш Қондаларига
9-илова

(Ўзбекистон Республикаси Герби)

ЎЗБЕКИСТОН АВТОМОБИЛЬ ВА ДАРЁ ТРАНСПОРТИ АГЕНТЛИГИ БОШЛИҒИНИНГ БУЙРУҒИ

«Йўловчилар ва юкларни автомобиль транспортида ташиш билан шуғулланаётган юридик шахсларнинг ходимларига ва юкларни автомобиль транспортида ташиш билан шуғулланаётган хусусий тадбиркорларга қўйиладиган малакавий талаблар тўғрисида»ги низомга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 14 июлдаги 138-сонли қарори (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й., 28-29-сон, 272-модда) билан тасдиқланган «Автомобиль транспортида йўловчиларни ва юкларни шаҳарда, шаҳар атрофида, шаҳарлараро ва халқаро йўналишлар бўйича ташиш фаолиятини лицензиялаш тўғрисида»ги низомга асосан **буюраман:**

1. Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги бошлиғининг 2006 йил 6 сентябрдаги 98-сон буйруғи (рўйхат рақами 1626, 2006 йил 5 октябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й., 40-сон, 403-модда) билан тасдиқланган «Йўловчилар ва юкларни автомобиль транспортида ташиш билан шуғулланаётган юридик шахсларнинг ходимларига ва юкларни автомобиль транспортида ташиш билан шуғулланаётган хусусий тадбиркорларга қўйиладиган малакавий талаблар тўғрисида»ги низомга иловага мувофиқ ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

Бошлиқ

(имзо, Ф.И.О.)
М.Ў.

Тошкент ш.,
2008 йил 8 май,
156-сон

Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти
агентлиги бошлиғининг
2008 йил 8 майдаги 156-сон буйруғига
илова

**«Йўловчилар ва юкларни автомобиль транспортида
ташиш билан шуғулланаётган юридик шахсларнинг
ходимларига ва юкларни автомобиль транспортида ташиш
билан шуғулланаётган хусусий тадбиркорларга қўйиладиган
малакавий талаблар тўғрисида»ги низомга киритиладиган
ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. 3-банднинг биринчи ва иккинчи хатбошилари қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«юридик шахснинг (юридик шахснинг транспорт бўлинмаси (хизмати) раҳбари;

Ташув жараёнини ташкил этишга масъул бўлган юридик шахснинг (юридик шахснинг транспорт бўлинмаси (хизмати) раҳбари);».

2. Қуйидаги мазмундаги 3¹-банд билан тўлдирилсин:

«3¹. Бир неча фаолият турлари билан шуғулланувчи юридик шахслар учун агарда юридик шахснинг йиллик обороти ҳажмининг 50 ва ундан юқори фоизи автотранспорт хизматлари кўрсатишга тўғри келса, малака талаблари юридик шахснинг раҳбарига ёки ташув жараёнини ташкил этишга масъул бўлган унинг ўринбосарига қўйилади.

Агарда юридик шахснинг йиллик обороти ҳажмининг 50 ва ундан юқори фоизи автотранспорт хизматлари кўрсатишга тўғри келса, малака талаблари юридик шахснинг транспорт бўлинмаси (хизмати) раҳбарига ёки ташув жараёнини ташкил этишга масъул бўлган унинг ўринбосарига қўйилади.».

3. 4-бандда:

биринчи хатбошида «банд» сўзи «банд бўлганлар» сўзи билан алмаштирилсин;

«а» кичик бандидан «автомобиль йўналиши бўйича олий маълумот» сўзлари чиқариб ташлансин.

4. 4¹-банднинг биринчи хатбошисида «ташувчи корхоналар раҳбарлари, ўринбосарлари ва мутахассислари» сўзлари «юридик шахснинг (юридик шахснинг транспорт бўлинмаси (хизмати) раҳбари, ташув жараёнини ташкил этишга масъул бўлган юридик шахснинг (юридик шахснинг транспорт бўлинмаси (хизмати) раҳбари, ва ташувларнинг хавфсизлигини таъминлаш масалалари бўйича мутахассис» сўзлари билан алмаштирилсин.

5. 4⁴-банднинг тўртинчи хатбошисидаги «аттестация кунларини белгилайди ва» сўзларидан кейин «аттестацияга камида икки ҳафта қолганида» сўзлари қўшилсин.

6. 7¹-банд қуйидаги мазмундаги «г» кичик банд билан тўлдирилсин:

«г) меҳнат дафтарчаси ва тегишли лавозимга тайинлаш тўғрисидаги буйруқ нусхалари.».

7. 8-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«8. Автомобиль йўналиши бўйича олий ёки ўрта махсус маълумоти тўғрисидаги дипломлари бўлмаган тақдирда юридик шахсларнинг пассажир ва юк ташишни амалга оширувчи ишчилари ва юкларни автомобиль транспортида ташишни амалга оширувчи якка тадбиркорлар Агентлик томонидан тасдиқланадиган махсус ўқув курсларида қайта тайёрлашдан ўтиш ва имтиҳон топишириш асосида бериладиган махсус малакага эга бўлишлари лозим.

Юридик шахснинг (юридик шахснинг транспорт бўлинмаси (хизмати) раҳбари, ташув жараёнини ташкил этишга масъул бўлган юридик шахснинг (юридик шахснинг транспорт бўлинмаси (хизмати) раҳбари, ва ташувларнинг хавфсизлигини таъминлаш масалалари бўйича мутахассис сифатида қайта тайёрлашдан ўтишга олий ва ўрта махсус профессионал маълумотга эга шахсларга рухсат берилади.»

8. Ушбу ўзгартириш ва қўшимчалар Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш вазирлиги билан келишилган.

**Олий ва ўрта махсус
таълим вазири**

2008 йил 25 апрель

(имзо, Ф.И.О.)
М.Ў.

**Меҳнат ва аҳолини ижтимоий
муҳофаза қилиш вазири**

2008 йил 25 апрель

(имзо, Ф.И.О.)
М.Ў.

Вазирликлар, давлат кўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини тайёрлаш ва қабул қилиш Қоидаларига
10-илова

(Ўзбекистон Республикаси Герби)

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОНОПОЛИЯДАН
ЧИҚАРИШ, РАҚОБАТ ВА ТАДБИРКОРЛИКНИ ҚўЛЛАБ-
ҚУВВАТЛАШ ДАВЛАТ ҚўМИТАСИНING
ҚАРОРИ**

«Монополист бирлашмалар (корхоналар) давлат реестрини тузиш ва юритиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг «Товар бозорларида монополистик фаолиятни чеклаш ва рақобат тўғрисида»ги Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси, 1997 й., 2-сон, 54-модда) асосан ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 2 майдаги ПҚ-66-сонли Қарори (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 й., 17-18-сон, 130-модда) билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси тўғрисида»ги низомга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2001 йил 21 августдаги 7-сонли «Монополист бирлашмалар (корхоналар) давлат реестрини тузиш ва юритиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорига (рўйхат рақами 1064, 2001 йил 15 сентябрь) (Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идораларининг меъёрий ҳужжатлари ахборотномаси, 2001 й., 17-сон) иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

**Монополиядан чиқариш,
рақобат ва тадбиркорликни
қўллаб-қувватлаш давлат
қўмитаси раиси**

(имзо, Ф.И.О.)
М.Ў.

Тошкент ш.,
2008 йил 25 апрель,
1546-сон

Ўзбекистон Республикаси Монополиядан
чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-
қувватлаш давлат қўмитасининг 2008 йил
25 апрелдаги 1546-сон қарорига
илова

**«Монополист бирлашмалар (корхоналар) давлат
реестрини тузиш ва юритиш тартиби тўғрисидаги низомни
тасдиқлаш ҳақида»ги қарорга киритилаётган ўзгартириш ва
қўшимчалар**

1. Номи ва 1-банддаги «монополист бирлашмалар (корхоналар)» сўзлари «товар бозорларида устувор мавқега эга бўлган хўжалик юритувчи субъектлар» сўзлари билан алмаштирилсин.

2. Кириш қисмидаги «Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш Давлат қўмитаси тўғрисида»ги низомга мувофиқ» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш Давлат қўмитаси тўғрисидаги низомга мувофиқ» сўзлари билан алмаштирилсин.

3. Низомда:

а) номи ва матнидаги барча «монополист бирлашмалар (корхоналар)» сўзлари «товар бозорларида устувор мавқега эга бўлган хўжалик юритувчи субъектлар» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 1-банд қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«1. Товар бозорларида устувор мавқега эга бўлган хўжалик юритувчи субъектлар давлат реестри (матн давомида — Реестр) мазкур Низомга 1-иловага мувофиқ шаклда ҳалол рақобат меъёрларидан четга чиқишларни бартараф этиш, ўзларининг устувор мавқеини суиистеъмол қилишларининг олдини олиш мақсадида товар бозорларида устувор мавқега эга бўлган хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолияти устидан мониторинг ва назоратни амалга ошириш учун юритилади.»;

в) 2-бандда:

иккинчи ҳатбошисидаги «Монополияга қарши давлат органи» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси ёки унинг ҳудудий органлари» сўзлари билан алмаштирилсин;

қуйидаги мазмундаги ҳатбошилар билан тўлдирилсин:

«Товар бозоридаги устувор мавқе Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш Давлат қўмитаси ва унинг ҳудудий органлари томонидан белгиланади.

Стандартлаштириш органлари томонидан берилган тегишли ҳужжат мавжуд бўлганда бозорга янги, ўзига ўхшаши бўлмаган ҳамда товар бозорида талабгор бўлган муайян турдаги товар билан илк бор кириб келган хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳолати уч йил давомида устувор деб тан олинмайди.»;

г) 3, 10, 11 ва 12-бандлардаги «Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси» ва «Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг» сўзлари тегишлича «Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси» ва «Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасининг» сўзлари билан алмаштирилсин;

д) 5 ва 6-бандлар қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«5. Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш қўмитаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ҳудудий бошқармалари хўжалик юритувчи субъектлар ва бошқа ташкилотлардан олинган статистика, мониторинг, ахборот маълумотлари асосида, шунингдек сотиш, етказиб бериш, олиб кириш-олиб чиқиш ва товарлар (ишлар, хизматлар) қолдиқлари ҳақида аҳоли орасида сўров ўтказиш усули билан товарлар муомаласи чегараси доирасида хўжалик юритувчи субъектларнинг тегишли товар бозоридаги устувор мавқеини аниқлайдилар.

Мазкур бандда кўрсатилган маълумотлар мавжуд бўлмаганда ёки зарур бўлганда, Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси ва унинг ҳудудий бошқармаларининг сўровига биноан хўжалик юритувчи субъектлар, давлат бошқаруви органлари, жойлардаги давлат ҳокимияти органлари ва бошқа ташкилотлар, уларнинг раҳбарлари, шунингдек мансабдор шахслари товар бозори чегараларини аниқлаш масалалари бўйича ва уни монополист сифатида тан олиш учун зарурий ахборотни тақдим этадилар.

6. Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси мустақил равишда, шунингдек Қорақалпоғистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш қўмитаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ҳудудий бошқармаларининг илтимосномаси бўйича товар бозорларида улар ўтказган тадқиқотларга асосан икки ёки ундан ортиқ товар бозорларини бирлаштириш (ёки бошқа усул) билан товар муомаласи чегараларини белгилашга ҳақли.»;

е) 13-банд қуйидаги мазмундаги «в» ва «г» кичик бандлар билан тўлдирилсин:

«в) уни ишлаб чиқаргани ва сотгани учун хўжалик юритувчи субъект Реестрга киритилган маҳсулотни ишлаб чиқариши ва сотиши тўхтатилганда;

г) хўжалик юритувчи субъектга нисбатан судгача санация ёки банкротлик таомили жорий этилганда.».

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини тайёрлаш ва қабул қилиш Қоидаларига
11-илова

(Ўзбекистон Республикаси Герби)

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ БОЖХОНА
ҚЎМИТАСИНING
ҚАРОРИ**

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат божхона қўмитасининг айрим норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 52 (II)-сон), Божхона кодекси (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 й., 2-сон, 36-модда) ва «Давлат божхона хизмати тўғрисида»ги Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 й., 9-сон, 230-модда) 7-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат божхона қўмитаси **қарор қиладилар:**

1. Айрим норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

Молия вазири

(имзо, Ф.И.О.)
М.Ў.

Тошкент ш.,
2008 йил 31 январь,
16-сон

Давлат божхона қўмитаси раиси

(имзо, Ф.И.О.)
М.Ў.

Тошкент ш.,
2008 йил 31 январь,
10-264-сон

Ўзбекистон Республикаси Молия
вазирлиги ва Давлат божхона қўмитасининг
2008 йил 31 январдаги
16, 10-264-сон қарорига
илова

**Ўз кучини йўқотган деб топилаётган норматив-
ҳуқуқий ҳужжатлар
Рўйхати**

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат божхона қўмитасининг 2002 йил 15 январдаги 17, 02/8-1-сон «Юридик ва жисмоний шахслар томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириладиган алоҳида турдаги товарлар бўйича акциз солиғини тўлаш тартиби тўғрисида йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1101, 2002 йил 5 март) (Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идораларининг меъёрий ҳужжатлари ахборотномаси, 2002 йил, 5-сон);

2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат божхона қўмитасининг 2002 йил 23 январдаги 27, 02/8-2-сон «Ўзбекистон Республикаси ҳудудига импорт қилинадиган товарларга нисбатан қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисида йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1124, 2002 йил 15 апрель) (Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идораларининг меъёрий ҳужжатлари ахборотномаси, 2002 йил, 7-сон);

3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат божхона қўмитасининг 2002 йил 22 июлдаги 88, 02/8-20-сон «Ўзбекистон Республикаси ҳудудига импорт қилинадиган товарларга нисбатан қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисида»ги йўриқномага қўшимча киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1124-1, 2002 йил 30 июль) (Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идораларининг меъёрий ҳужжатлари ахборотномаси, 2002 йил, 14-сон);

4. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат божхона қўмитасининг 2003 йил 10 январдаги 5, 01-02/8-3-сон «Ўзбекистон Республикаси ҳудудига импорт қилинадиган товарларга нисбатан қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисида»ги йўриқномага ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1124-2, 2003 йил 22 февраль) (Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идораларининг меъёрий ҳужжатлари ахборотномаси, 2003 йил, 4-сон);

5. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат божхона қўмитасининг 2004 йил 15 январдаги 17, 01-02/8-2-сон «Ўзбекистон Республикаси ҳудудига импорт қилинаётган товарларга нисбатан қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисида»ги йўриқномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1124-3, 2004 йил 12 март) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 йил, 10-сон, 123-модда);

6. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат божхона қўмитасининг 2005 йил 24 январдаги 20, 01-02/8-2-сон «Юридик ва жисмоний шахслар томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириладиган алоҳида турдаги товарлар учун акциз солиғи тўлаш тартиби тўғрисида»ги йўриқномага ўзгартириш киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1101-1, 2005 йил 8 февраль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 йил, 5-6-сон, 43-модда);

7. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат божхона қўмитасининг 2005 йил 24 январдаги 21, 01-02/8-1-сон «Ўзбекистон Республикаси ҳудудига импорт қилинаётган товарларга нисбатан қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисида»ги йўриқномага ўзгартириш киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1124-4, 2005 йил 8 февраль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 йил, 5-6-сон, 49-модда);

8. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат божхона қўмитасининг 2006 йил 4 январдаги 1, 01-02/8-24-сон «Юридик ва жисмоний шахслар томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириладиган алоҳида турдаги товарлар бўйича акциз солиғини тўлаш тартиби тўғрисида»ги йўриқномага ўзгартириш киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1101-2, 2006 йил 18 январь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 йил, 3-сон, 18-модда);

9. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат божхона қўмитасининг 2007 йил 18 январдаги 7, 01-02/8-4-сон «Ўзбекистон Республикаси ҳудудига импорт қилинаётган товарларга нисбатан қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисида»ги йўриқномага ўзгартириш киритиш ҳақида»ги (рўйхат рақами 1124-5, 2007 йил 5 февраль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 йил, 4—6-сон, 54-модда);

10. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат божхона қўмитасининг 2007 йил 18 январдаги 8, 01-02/8-5-сон «Юридик ва жисмоний шахслар томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириладиган алоҳида турдаги товарлар бўйича акциз солиғини тўлаш тартиби тўғрисида»ги йўриқномага ўзгартириш киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1101-3, 2007 йил 26 март) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 йил, 13-сон, 121-модда).

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини тайёрлаш ва қабул қилиш Қоидаларига
12-илова

(Ўзбекистон Республикаси Герби)

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ
ҚЎМИТАСИНING
ҚАРОРИ**

«1 январь ҳолати бўйича асосий фондларни ҳар йиллик қайта баҳолашни ўтказиш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида» ги қарорга (рўйхат рақами 1192, 2002 йил 4 декабрь) расмий шарҳ бериш тўғрисида

1 январь ҳолатига асосий фондларни қайта баҳолаш тартиби бўйича келиб тушаётган сўровларни эътиборга олган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси қарор қиладилар:

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 2002 йил 26 декабрдаги 286, 301-сонли «1 январь ҳолати бўйича асосий фондларни ҳар йиллик қайта баҳолашни ўтказиш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорига (рўйхат рақами 1192, 2002 йил 4 декабрь) (Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идораларининг меъерий ҳужжатлари ахборотномаси, 2002 йил, 23-24-сон) иловага мувофиқ расмий шарҳ берилсин.

2. Мазкур қарор тасдиқлангандан кейин ўн кунлик муддатда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига келишиш учун юборилсин.

3. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги билан келишилгандан кейин ижрога юборилсин.

Молия вазири

(имзо, Ф.И.О.)

М.Ў.

Тошкент ш.,
2003 йил 18 январь,
645-сон

Давлат солиқ қўмитаси раиси

(имзо, Ф.И.О.)

М.Ў.

Тошкент ш.,
2003 йил 18 январь,
26-сон

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги
ва Давлат солиқ қўмитасининг
2003 йил 18 январдаги 645, 26-сон қарорига
илова

«1 январь ҳолати бўйича асосий фондларни ҳар йиллик қайта баҳолашни ўтказиш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1192, 2002 йил 4 декабрь) расмий шарҳи

1 январь ҳолатига асосий фондларни қайта баҳолаш «1 январь ҳолати бўйича асосий фондларни ҳар йиллик қайта баҳолашни ўтказиш тартиби тўғрисида низом»га (рўйхат рақами 1192, 2002 йил 4 декабрь) мувофиқ амалга оширилади.

Қайта баҳолашда асосий фондларнинг тўлиқ тиклаш қиймати, яъни агарда ташкилот уларни қайта баҳолаш кундаги бозор нархлари (тарифлари) бўйича худди шунга ўхшаш янги объектларга алмаштирган тақдирда сарф қиладиган харажатларининг тўлиқ қиймати аниқланади, шулар жумласига сотиб олиш (қурилиш), транспортировка қилиш, объектларни ўрнатиш (монтаж қилиш), импорт қилинадиган товарлар учун божхона тўловлари ва хоказоларга қилинган харажатлар ҳам киради.

Ташкилотнинг мулк ҳуқуқи, хўжалик бошқаруви ҳуқуқи, оператив бошқарув ҳуқуқи ва узоқ муддатли ижара (лизинг) асосида тегишли бўлган, техник ҳолатининг қандайлигидан қатъи назар, ишлаб турган ёки фойдаланилмаётган, консервация қилинган, ҳисобдан чиқаришга тайёрланган, лекин тегишли ҳужжатлар билан расмийлаштирилмаган барча асосий фондлар, шунингдек қурилиши тугалланмаган объектлар ва ўрнатишга тайёрланган асбоб-ускуналар қайта баҳоланиши лозим.

Объектларнинг тўлиқ қайта баҳолаш қиймати ташкилотнинг ихтиёрига кўра ёхуд алоҳида объектларнинг қийматини уларга ўхшаш янги объектларнинг қайта баҳолаш даврида вужудга келган ва ҳужжатлар билан тасдиқланган бозор нархлари асосида бевосита қайта ҳисоблаш йўли билан (бевосита қайта баҳолаш методи) амалга оширилади, ёхуд асосий воситаларни уларнинг олинган даврига мос равишда ва уларнинг турлари бўйича дифференциялаштирилган асосий воситалар қийматининг ўзгариши индексини қўллаш орқали алоҳида объектларнинг бошланғич (қайта тиклаш) қийматини индексациялаш йўли орқали (индекс методи) амалга оширилади.

Асосий воситаларни индексация орқали қайта баҳолашда бухгалтерлик ҳисобида қайта баҳолаш кунда ҳисобда турган асосий воситаларнинг эскириш суммаси (эскириш тўлиқ ҳисобланган объектларни қўшган ҳолда) асосий воситаларни қайта тиклашга ҳисоб қилингандаги асосий воситалар қиймати ўзгаришининг тегишли индексларига кўпайтирилади. Асосий воситаларни бевосита қайта баҳолаш орқали қайта баҳолашда бухгалтерлик ҳисобида қайта баҳолаш кунда ҳисобда турган асосий воситаларнинг эскириш суммаси қайта баҳолашгача ва қайта баҳолашдан кейинги қайта тиклаш қий-

матининг фарқидан келиб чиққан ҳисоб коэффиценти бўйича индексация қилинади.

Бевосита қайта баҳолаш методини қўллашда объектларнинг тўлиқ қайта тиклаш қийматини ҳужжатлар билан тасдиқлаш учун ташкилотлар ихтиёрларига кўра қуйидагилардан фойдаланишлари мумкин:

а) ишлаб чиқарувчи ташкилотлар ва уларнинг расмий дилерлари, товар-хом ашё биржалари, кўчмас мулк биржаларидан ёзма равишда олинган ўхшаш маҳсулотга бўлган нархлар тўғрисидаги маълумотлар;

б) асосий воситаларнинг олинган кундаги (тасдиқловчи ҳужжатлар бўлган тақдирда) эркин айирбошланадиган валютадаги қиймати тўғрисидаги маълумотлар (Марказий банк курсларининг қайта баҳолаш кундаги ва асосий воситалар олинган кундаги ўзаро фарқи тарзида белгиладиган ҳисоб-китоб коэффиценти қўллаган ҳолда);

в) тегишли давлат органларида мавжуд бўлган нархларнинг даражасига оид маълумотлар

г) оммавий ахборот воситаларида ва махсус адабиётларда қайта баҳолаш ўтказилган даврда нашр этилган нархлар тўғрисидаги маълумотлар;

д) баҳоловчининг асосий воситаларнинг қийматига оид ҳисоботи.

Индекс методини қўллаш учун Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси томонидан ҳар йили 31 декабрь кунига қадар навбатдаги қайта баҳолаш бўйича тегишли индекслар ишлаб чиқилади ва оммавий ахборот воситаларида расман чоп этилади.

Асосий воситалар қийматини қайта баҳолаш (ҳар йили 1 февралга қадар) қайта баҳолаш ўтказилган даврдаги нархлардан келиб чиққан ҳолда 1 январь ҳолатига амалга оширилади.

Асосий воситаларни 1 январь ҳолатига қайта баҳолаш натижалари қайта ҳисоблаш ўтказилган жорий даврнинг молиявий ҳисоботида акс эттирилади, яъни январь ойи ҳисоботи — ойлик ҳисобот тузишда, биринчи чорак учун ҳисобот — чорак ҳисобот тузилганда, календарь йили учун ҳисобот — йиллик ҳисобот тузилганда.

Бунда бухгалтерлик балансида (1-шакл) «ҳисобот даври бошида» графасида ва «Асосий воситаларнинг ҳаракати»да (3-шакл) «йил охиридаги қолдиқ» графасида асосий воситаларнинг қайта баҳоланган қиймати кўрсатилади.

Шундай қилиб, молиявий ҳисоботда ўтган йилнинг охиридаги асосий воситаларнинг қиймати қайта баҳолашсиз акс эттирилади, ҳисобот йилининг бошида эса баҳолаш натижаларини эътиборга олган ҳолда кўрсатилади.

«Молиявий ҳисобот шакллари тўлдириш қоидалари»га мувофиқ (рўйхат рақами 1117, 2002 йил 19 март) (Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идораларининг меъёрий ҳужжатлари ахборотномаси, 2002 й., 6-сон), агарда баланс йил бошида ўзгарган бўлса, у ҳолда тушунтириш ёзувида унинг сабаблари кўрсатилади.

Шу сабабли, ўтган йил охири ва ҳисобот йили бошидаги кўрсаткичларнинг мос келмаслиги 1 январь ҳолатига асосий фондларни қайта баҳолаш натижаси деб тушунтирилади, ҳамда жорий йилнинг молиявий ҳисоботига берилган тушунтириш ёзувида баён қилинади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИНИНГ
ҚАРОРИ

85 Ягона ижтимоий тўловнинг базавий миқдори киритилиши муносабати билан ягона ижтимоий тўловни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги вақтинчалик низомни тасдиқлаш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил
17 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1906*

(2009 йил 27 февралдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси, «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги Қонунининг 7-моддасига ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 29 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2009 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги ПҚ–1024-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 52-сон, 515-модда) мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси **қарор қиладилар:**

1. Илова қилинаётган Ягона ижтимоий тўловнинг базавий миқдори киритилиши муносабати билан ягона ижтимоий тўловни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги вақтинчалик низом тасдиқлансин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатига олинган кундан бошлаб ўн кун ўтгач кучга киради.

Молия вазири

Тошкент ш.,
2009 йил 5 февраль,
16-сон

Р. АЗИМОВ

**Давлат солиқ
қўмитаси раиси**

Тошкент ш.,
2009 йил 5 февраль,
2009-8-сон

Б. ПАРПИЕВ

Молия вазирлиги ва
Давлат солиқ қўмитасининг
2009 йил 5 февралдаги 16, 2009-8-сонли
қарори билан
ТАСДИҚЛАНГАН

**Ягона ижтимоий тўловнинг базавий миқдори киритилиши
муносабати билан ягона ижтимоий тўловни ҳисоблаб
чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисида
ВАҚТИНЧАЛИК НИЗОМ**

Ушбу Вақтинчалик низом Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 29 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2009 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги ПҚ–1024-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 52-сон, 515-модда) мувофиқ ягона ижтимоий тўловнинг (кейинги ўринларда ЯИТ деб аталади) базавий миқдори киритилиши муносабати билан хўжалик юритувчи субъектлар томонидан ЯИТни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартибини белгилайди.

Ушбу Вақтинчалик низом қонун ҳужжатларга мувофиқ, ягона ижтимоий тўловнинг пасайтирилган ставкаси белгиланган юридик шахсларга, бюджет ташкилотларига ҳамда нотижорат ташкилотларига татбиқ этилмайди.

I. Умумий қоидалар

1. 2009 йилнинг 1 январидан бошлаб ЯИТ тўловчилари ЯИТни Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига белгиланган тартибда 24 фоизли ставка бўйича, бироқ:

— ҳар бир ходим учун ойига бир минимал иш ҳақидан кам бўлмаган миқдорда, фермер хўжаликлари бундан мустасно;

— фермер хўжаликлари ҳар бир ходими учун ойига минимал иш ҳақининг 50 фоизи миқдоридан кам бўлмаган миқдорда ЯИТ ҳисоблашади.

Ҳисоблаб чиқарилган ЯИТ суммаси фойда солиғи бўйича солиқ солинадиган фойдани аниқлашда Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 145-моддасига мувофиқ чегириб ташланади, бундан ушбу Вақтинчалик низомнинг 13-бандида назарда тутилган ҳолат мустасно.

2. Ушбу Вақтинчалик низомни қўллаш мақсадида ходимларга меҳнат шартномаларига ёки ишлар бажариш ва хизматлар кўрсатиш предмети бўлган фуқаролик-ҳуқуқий тусдаги шартномаларга мувофиқ ишлаётган жисмоний шахслар қиради.

**II. ЯИТ ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш учун ЯИТнинг
базавий миқдорини аниқлаш**

3. ЯИТ тўловчилари ҳисобот ойда ходимларнинг ҳақиқатда ишлаган

кунларидан ва ушбу Вақтинчалик низомнинг 1-бандида белгиланган нормативлардан келиб чиққан ҳолда жами корхона бўйича ЯИТнинг базавий миқдорини аниқлайдилар.

4. ЯИТнинг базавий миқдори қуйидаги формула асосида аниқланади:

$$БР_{\text{яит}} = K/n * N, \text{ бу ерда:}$$

$БР_{\text{яит}}$ — ЯИТнинг бир ой учун базавий миқдори;

K — бир ойда барча ходимларнинг ҳақиқатда ишлаган кунлари (бир кунда ишлаган соатларидан қатъи назар) сони, бироқ корхонада ўрнатилган иш кунлари сонидан ортмаган ҳолда. Ходимларнинг ҳақиқатда ишлаган кунларига, шунингдек, йиллик меҳнат таътилларига ва иш ҳақи сақланган ҳолда бериладиган таътилларга тўғри келадиган кунлар ҳам тааллуқлидир. Бир ойда ходимларнинг ҳақиқатда ишлаган кунларини ҳисоблаб чиқаришда қуйидагиларнинг ишлаган кунлари киритилмайди:

пасайтирилган ставкалар бўйича ЯИТ ҳисоблаб чиқариладиган ихтисослаштирилган цехлар, участкалар ва корхоналарда ишловчи ногиронларнинг иш кунлари;

касаначиларнинг иш кунлари (ЯИТ бўйича имтиёз муддати тугагунга қадар);

фуқаролик-ҳуқуқий тусдаги шартномаларга мувофиқ ишлар бажараётган (хизматлар кўрсатаётган) яқка тартибдаги тадбиркорларнинг иш кунлари.

n — корхонада белгиланган бир ойдаги иш кунлари сони

N — бир ходим учун бир ойда ЯИТ нормативи (бир минимал иш ҳақи, фермер хўжаликлар учун эса белгиланган минимал иш ҳақининг 50 фоизи). Агар минимал иш ҳақининг миқдори ойнинг 1-кунида ўзгармаса, у ҳолда ой учун минимал иш ҳақининг ўртача ойлик миқдори қўлланилади.

5. ЯИТнинг базавий миқдори ҳар ой ҳисоблаб чиқарилади. Ҳисобот даври учун ЯИТнинг базавий миқдорини ҳисоблаб чиқариш учун ҳисобот даврининг ҳар бир оyi учун ЯИТнинг базавий миқдорлари қўшиб чиқилади.

6. Агар Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига мувофиқ ҳисоблаб чиқилган ЯИТ суммаси ЯИТнинг базавий миқдоридан кам бўлса, у ҳолда тўланиши лозим бўлган ягона ижтимоий тўлов ЯИТнинг базавий миқдори суммасига тенг.

7. Агар Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига мувофиқ ҳисоблаб чиқилган ЯИТ ҳақиқий суммаси ЯИТнинг базавий миқдоридан кўп ёки унга тенг бўлса, у ҳолда ЯИТ ҳақиқатда ҳисобланган сумма миқдоридан тўланиши керак.

III. ЯИТнинг базавий миқдорини солиқ ҳисоботида акс эттириш тартиби

8. Тўловчилар, фермер хўжаликлари бундан мустасно, ЯИТ ҳисоб-китобига Маълумотнома-ЯИТнинг базавий миқдори ҳисоб-китобини ушбу Вақ-

тинчалик низомнинг 1 ва 2-иловаларида келтирилган шаклда тақдим этишади. Фермер хўжаликлари улар микрофирма, кичик корхона бўлиши ёки бўлмаслигидан қатъи назар, чорак учун ЯИТнинг ҳисоб-китобига Маълумотнома-ЯИТнинг базавий миқдори ҳисоб-китобини ушбу Вақтинчалик низомнинг 2-иловасида келтирилган шаклда тақдим этишади.

9. Ягона ижтимоий тўлов, фуқароларнинг суғурта бадаллари ва бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига мажбурий ажратмалари бўйича солиқ ҳисоботи шаклида тақдим этиладиган Маълумотнома-Ҳисоб-китобдан келиб чиқиб, ЯИТ ҳисоб-китоби шаклига қуйидаги сатрлар киритилади:

«051» — ҳисобот даври учун ЯИТнинг базавий миқдори. Ушбу сатр фақат 3-устуни бўйича тўлдирилади;

«052» — Ҳисобот даврида тўланиши лозим.

Агар ЯИТ ҳисоб-китоби 3-устунининг «050»-сатри 3-устунининг «051»-сатридан катта ёки тенг бўлса, у ҳолда 3-устуннинг «052»-сатрида «050»-сатридаги ЯИТ суммаси кўрсатилади;

агар 3-устуннинг «050»-сатридаги сумма 3-устуннинг «051»-сатридаги суммадан кичик бўлса, у ҳолда 3-устуннинг «052»-сатрида 3-устуннинг «051»-сатридаги сумма кўрсатилади.

4-устуннинг «052»-сатрига 4-устуннинг «050»-сатридаги сумма кўчириб ўтказилади.

«060»-сатрга ЯИТнинг аввалги ҳисоб-китобининг «052»-сатридаги суммаси кўчириб ўтказилади.

10. ЯИТнинг базавий миқдоридан келиб чиққан ҳолда ЯИТни ҳисоб-китобининг шартли мисоллари ушбу Вақтинчалик низомнинг 3-иловасида келтирилган.

IV. Яқуний қоидалар

11. Тўловчилар ушбу Вақтинчалик низомнинг талабларини ҳисобга олган ҳолда ЯИТни ҳисоблаб чиқаришнинг тўғрилигига ва амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ уни ўз вақтида тўлашга жавобгардирлар.

12. Давлат солиқ хизмати органлари Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ ЯИТни тўғри ҳисоблаб чиқарилиши ва тўланиши устидан назоратни амалга оширадилар.

13. Ушбу Вақтинчалик низомда назарда тутилган ЯИТни ҳисоблаб чиқаришнинг тартиби бузилган ҳоллари аниқланганда, давлат солиқ хизмати органлари ЯИТнинг базавий миқдоридан келиб чиқиб, қонун ҳужжатларга мувофиқ пеня ҳисоблаган ҳолда, ЯИТни қўшимча ҳисоблайдилар. Бунда, давлат солиқ хизмати органлари томонидан қўшимча ҳисобланган ЯИТ суммаси тўловчи ихтиёрида қоладиган фойда ҳисобидан ундирилади ва фойда солигини ҳисоблаб чиқаришда солиқ солинадиган фойдадан чегирилмайди.

14. Ушбу Вақтинчалик низом 2010 йил 1 январгача амал қилади.

Ягона ижтимоий тўловнинг базавий миқдори киритилиши муносабати билан ягона ижтимоий тўловни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги вақтинчалик низомга
1-ИЛОВА

**Маълумотнома-ЯИТнинг базавий миқдори
ҲИСОБ-КИТОБИ**

(хўжалик юритувчи субъектлар учун ЯИТ ҳисоб-китобига илова қилинади, микрофирмалар ва кичик корхоналардан ташқари)

Кўрсаткичлар	Сатр коди	Сумма
1	2	3
Ҳисобот ойида барча ходимларнинг ҳақиқатда ишлаган кунлари	010	
Ҳисобот ойида иш кунлари сони	020	
Ҳисобот ойида бир ходим учун ЯИТ нормативи	030	
Ҳисобот ойида ЯИТнинг базавий миқдори (010-сатр/020-сатр x 030-сатр)	040	
Аввалги ҳисобот даври охиридаги ЯИТнинг базавий миқдори (аввалги ҳисобот даври учун Маълумотнома-Ҳисоб-китобнинг 060-сатри)	050	
ҳисобот даври охирида ЯИТнинг базавий миқдори (040-сатр + 050-сатр)	060*	

* мазкур сатрдаги сумма ЯИТ ҳисоб-китоби 3-устунининг «051»-сатрига кўчириб ўтказилади.

Раҳбар

(имзо)

Бош бухгалтер

(имзо)

М.Ў.

Ягона ижтимоий тўловнинг базавий миқдори киритилиши муносабати билан ягона ижтимоий тўловни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги вақтинчалик низомга
2-ИЛОВА

**Маълумотнома-ЯИТнинг базавий миқдори
ҲИСОБ-КИТОБИ**

(микрофирмалар ва кичик корхоналар учун ЯИТ
ҳисоб-китобига илова қилинади)

Кўрсаткичлар	Сатр коди	Сумма
1	2	3
Барча ходимларнинг ҳақиқатда ишлаган кунлари	010	х
чоракнинг биринчи ойи учун	0101	
чоракнинг иккинчи ойи учун	0102	
чоракнинг учинчи ойи учун	0103	
Ҳисобот даврида иш кунлари сони	020	х
чоракнинг биринчи ойи учун	0201	
чоракнинг иккинчи ойи учун	0202	
чоракнинг учинчи ойи учун	0203	
ЯИТ нормативи:	030	х
чоракнинг биринчи ойи учун	0301	
чоракнинг иккинчи ойи учун	0302	
чоракнинг учинчи ойи учун	0303	
ЯИТнинг базавий миқдори (0401-сатр + 0402-сатр + 0403-сатр):	040	
чоракнинг биринчи ойи учун (0101-сатр/0201-сатр х 0301-сатр)	0401	
чоракнинг иккинчи ойи учун (0102-сатр /0202-сатр х 0302-сатр)	0402	
чоракнинг учинчи ойи учун (0103-сатр /0203-сатр х 0303-сатр)	0403	
Аввалги ҳисобот даври охиридаги ЯИТнинг базавий миқдори (аввалги ҳисобот даври учун Маълумотнома-Ҳисоб-китобнинг 060-сатри)	050	
Ҳисобот даври охирида ЯИТнинг базавий миқдори (040-сатр + 050-сатр)	060*	

* мазкур сатрдаги сумма ЯИТ ҳисоб-китоби 3-устунининг «051»-сатрига кўчириб ўтказилади.

Раҳбар

_____ (имзо)

Бош бухгалтер

_____ (имзо)

М.Ў.

Ягона ижтимоий тўловнинг базавий миқдори киритилиши муносабати билан ягона ижтимоий тўловни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги вақтинчалик низомга
З-ИЛОВА

**ЯИТнинг базавий миқдоридан келиб чиққан ҳолда
ЯИТни ҳисоб-китобининг шартли мисоллари**

1-мисол. Савдо корхонасида 8 киши ишлайди. Корхонада 5 кунлик иш куни белгиланган. Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги томонидан аниқланадиган Иш вақти ҳисоб-китобига мувофиқ 2009 йил январида 5 кунлик иш ҳафтасида иш кунлари сони 21 кунни ташкил этади. 2009 йил январь ойи учун белгиланган энг кам иш ҳақи миқдори 28 040 сўмни ташкил этади. Январь учун қуйидаги иш ҳақи ҳисобланди:

Ходимлар	Ҳақиқатда ишлаган кунлар	Ҳисобланган иш ҳақи (сўм)
1-ходим	21	400 000
2-ходим	21	300 000
3-ходим	11	250 000
4-ходим	21	200 000
5-ходим	14	80 000
6-ходим	15	90 000
7-ходим	21	30 000
8-ходим	21	40 000
Иш ҳақи фонди		1 390 000
ЯИТ суммаси (иш ҳақи фондидан 24%)		333 600

Барча ходимларнинг ҳақиқатда ишлаган кунларининг умумий сони:
 $K = 21 + 21 + 11 + 21 + 14 + 15 + 21 + 21 = 145.$

Белгиланган формулага асосан ЯИТнинг базавий миқдори ($БР_{\text{яит}}$) = $145 / 21 * 28\ 040$ сўм = $193\ 610$ сўмни ташкил этади.

Ҳақиқатда ҳисобланган ЯИТ суммаси ЯИТнинг базавий миқдоридан катта бўлганлиги учун ($333\ 600$ сўм > $193\ 610$ сўм), ЯИТ ҳисоб-китобининг «Ҳисобот даврида тўланиши лозим» сатрида $333\ 600$ сўм кўрсатилади.

2-мисол. Ишлаб чиқариш корхонасида 9 киши ишлайди. Корхонада 6 кунлик иш куни белгиланган. Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги томонидан аниқланадиган Иш вақти ҳисоб-китобига мувофиқ 2009 йил январидан 6 кунлик иш ҳафтасида иш кунлари сони 26 кунни ташкил этади. Январь учун қуйидаги иш ҳақи ҳисобланди:

Ходимлар	Ҳақиқатда ишлаган кунлар	Ҳисобланган иш ҳақи (сўм)
1-ходим	26	150 000
2-ходим	15	90 000
3-ходим	26	90 000
4-ходим	16	65 000
5-ходим	26	80000
6-ходим	11	40000
7-ходим	15	50000
8-ходим	26	50 000
9-ходим	26	60 000
Иш ҳақи фонди		675 000
ЯИТ суммаси (иш ҳақи фондидан 24%)		162 000

Барча ходимларнинг ҳақиқатда ишлаган кунларининг умумий сони:

$$K = 26 + 15 + 26 + 16 + 26 + 11 + 15 + 26 + 26 = 187.$$

Белгиланган формулага асосан ЯИТнинг базавий миқдори ($БР_{\text{яит}}$) = $187 / 26 * 28\,040$ сўм = 201 672 сўмни ташкил этади.

Шундай қилиб, ҳақиқатда ҳисобланган ЯИТ суммаси ЯИТнинг базавий миқдоридан кичик бўлганлиги учун ($162\,000$ сўм < $201\,672$ сўм), ЯИТ ҳисоб-китобининг «Ҳисобот даврида тўланиши лозим» сатрида $201\,672$ сўм кўрсатилади.

Изоҳ:

Агар солиқ тўловчида сменали иш режими бўлса, у ҳолда корхонада белгиланган иш кунлари: 8 соатли иш кунида 5 кунлик иш ҳафтаси сифатида, 7 соатлик иш кунида 6 кунлик иш ҳафтаси сифатида ҳисобланади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МЕҲНАТ ВА АҲОЛИНИ
ИЖТИМОЙ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

86 Корхона, ташкилот, муассаса, жамоа хўжалиги, ўқув юртининг ижтимоий суғурта бўйича комиссияси тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил
17 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 431-1*

(2009 йил 27 февралдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикасининг «Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликларидан мажбурий давлат ижтимоий суғуртаси тўғрисида»ги Қонунига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил., 37-38-сон, 361-модда) ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 6 апрелдаги ПҚ–616-сонли «Аҳоли бандлигини ошириш ҳамда меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш органлари фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 йил., 15-сон, 156-модда) асосан **бююраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси Ижтимоий таъминот вазирлиги томонидан тасдиқланган «Корхона, ташкилот, муассаса, жамоа хўжалиги, ўқув юртининг ижтимоий суғурта бўйича комиссияси тўғрисида»ги низомга (1998 йил 9 апрель, рўйхат рақами 431) иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатига олинган кундан бошлаб ўн кун ўтгач кучга киради.

**Меҳнат ва аҳолини ижтимоий
муҳофаза қилиш вазири в.б.**

А. ХАЙТОВ

Тошкент ш.,
2009 йил 28 январь,
4/Б-сон

Меҳнат ва аҳолини ижтимоий
муҳофаза қилиш вазирининг
2009 йил 28 январдаги 4/Б-сонли буйруғига
ИЛОВА

**Корхона, ташкилот, муассаса, жамоа хўжалиги,
ўқув юртининг ижтимоий суғурта бўйича комиссияси
тўғрисидаги низомга киритилаётган ўзгартиришлар**

1. Низомнинг номланишидаги ва 1.1-банддаги «жамоа хўжалиги» деган сўзлар «фермер хўжалиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. 1.4-банддаги «пенсия жамғармаси» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси (бундан буён матнда Пенсия жамғармаси)» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

3. II-бўлимнинг биринчи хатбошисида «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ижтимоий таъминот вазирлиги ҳузурида пенсия жамғармасини ташкил қилиш тўғрисида»ги 1996 йил 27 декабрдаги 459-сонли қарорига,» деган сўзлари чиқариб ташлансин.

4. 2.2-банд «ҳамда ишлаб чиқаришдаги суғурта ходисаларини белгиланган тартибда текширилишида иштирок этади» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

5. 2.3-бандда «туман (шаҳар) бўлими» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

6. 2.4-бандда «Маъмурият» деган сўзи «Иш берувчи» деган сўзлари билан алмаштирилсин.

7. 2.6-банддаги «12 («б» — «ж»-бандлари) ва 15-моддасига» деган сўзлар «12-моддаси «б» — «ж» бандлари ва 15-моддаси «а» бандига» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

8. 3.2-бандда «туман (шаҳар) бўлими» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

9. Мазкур Низомга киритилаётган ўзгартиришлар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ва Марказий банки билан келишилган.

Молия вазири

Р. АЗИМОВ

*Тошкент ш.,
2009 йил 20 январь*

*Ўзбекистон касаба уюшмалари
Федерацияси Кенгаши раиси*

Д. ЖАҲОНГИРОВА

*Тошкент ш.,
2009 йил 20 январь*

Соғлиқни сақлаш вазири

Ф. НАЗИРОВ

*Тошкент ш.,
2009 йил 20 январь*

*Давлат солиқ
қўмитаси раиси*

Б. ПАРПИЕВ

*Тошкент ш.,
2009 йил 20 январь*

Марказий банк раиси

Ф. МУЛЛАЖОНОВ

*Тошкент ш.,
2009 йил 20 январь*

Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазирлиги вазирликлар, давлат қўмиталари ва
идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат
рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида
2009 йил 14 февралдан 20 февралгача
бўлган маълумотни маълум қилади

1. Давлат рўйхатидан ўтказилди:

1. «Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (7-сонли БХМС) «Номоддий активлар»га ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» *Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2009 йил 21 январдаги 7-сонли буйруғи.*

2009 йил 14 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1485-1 (2009 йил 24 февралдан кучга киради).

2. «Инвестиция воситачиларининг эмитентларга расмий дилер (маркет-мейкер)лик хизматларини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» *Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази, Молия вазирлиги, Марказий банк Бошқарувининг 2009 йил 3 февралдаги 2009-08, 13, 289-В-1-сонли қарори.*

2009 йил 14 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1682-1 (2009 йил 24 февралдан кучга киради).

3. «Қимматли қоғозлар бозори мутахассисларининг малакасини ошириш, уларни қайта тайёрлаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази бош директорининг 2009 йил 9 февралдаги 2009-11-сонли буйруғи.*

2009 йил 14 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1745-1 (2009 йил 24 февралдан кучга киради).

4. «Виночилик, спирт, ароқ ва ликёр-ароқ соҳаси ходимлари учун махсус кийим, махсус пойабзал ва бошқа якка тартибда химояланиш воситаларини бепул беришнинг намунавий меъёрларини тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг 2009 йил 19 январдаги 1/Б-сонли буйруғи.*

2009 йил 14 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1903 (2009 йил 24 февралдан кучга киради).

5. «Мебель ишлаб чиқаришда ходимлар учун махсус кийим, махсус

пойабзал ва бошқа якка тартибда ҳимояланиш воситаларини бепул беришнинг намунавий меъёрларини тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг 2009 йил 23 январдаги 3/Б-сонли буйруғи.*

2009 йил 14 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1904 (2009 йил 24 февралдан кучга киради).

6. «Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини тайёрлаш ва қабул қилиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида» *Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2009 йил 14 февралдаги 42-мҳ-сонли буйруғи.*

2009 йил 14 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1905 (2009 йил 1 июндан кучга киради).

7. «Ягона ижтимоий тўловнинг базавий миқдори киритилиши муносабати билан ягона ижтимоий тўловни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги вақтинчалик низомни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг 2009 йил 5 февралдаги 16, 2009-8-сонли қарори.*

2009 йил 17 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1906 (2009 йил 27 февралдан кучга киради).

8. «Корхона, ташкилот, муассаса, жамоа хўжалиги, ўқув юртининг ижтимоий суғурта бўйича комиссияси тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг 2009 йил 28 январдаги 4/Б-сонли буйруғи.*

2009 йил 17 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 431-1 (2009 йил 27 февралдан кучга киради).

II. Давлат реестридан чиқарилди:

1. Идоравий меъерий ҳужжатларни тайёрлаш ва қабул қилиш қоидалари. *Ўзбекистон Республикаси адлия вазири томонидан тасдиқланган (рўйхат рақами 979, 2000 йил 16 октябрь).*

Адлия вазирининг 2009 йил 14 февралдаги 42-мҳ-сон буйруғи билан реестрдан чиқарилди.

Мазкур ҳужжат амалдаги қонунчиликка ўзгартиришлар киритилиши ва/ёки янги норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ
МАЪЛУМОТЛАРИ
МИЛЛИЙ БАЗАСИ

ҲУҚУҚИЙ АХБОРОТ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ МАРКАЗИ

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасининг ахборот излаш тизими (ҚХММБ LexUZ) аҳолининг ҳуқуқий маданияти даражасини кўтариш, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардан юридик ва жисмоний шахсларнинг кенг фойдаланиш имкониятини таъминлаш, жамиятни ҳуқуқий ахборотлаштириш тизимини такомиллаштириш мақсадида яратилган.

LexUZ фойдаланувчиларга ҚХММБда Интернет орқали фойдаланиш имкониятини таъминлайди ва бунда:

норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни таркибий қисмлари ва реквизитлари, шунингдек, юридик таҳлил карточкаларидаги маълумотлари асосида, яъни:

— *Ўзбекистон Республикаси қонунчилик тармоқлари умумҳуқуқий классификатори бўйича;*

— *қонунчиликнинг мавзули маълумотномаси бўйича;*

— *тушунча ва терминлар маълумотномаси бўйича;*

— *алфавит-предметли кўрсаткич бўйича кўпмезонли, кенқамровли қидириш имконини беради.*

излаш натижалари жадвал қаторлари кўринишида акс эттирилади ва улар билан ишлашнинг кўйидаги имкониятлари мавжуд:

— *танланган ҳужжатларнинг реквизитлари бўйича саралаш;*

— *танланган ҳужжатларнинг реквизитлари бўйича гуруҳлаш;*

— *ҳужжатлар билан ишлаш учун натижавий жадвалда уларни танлаш;*

— *излаш натижасида танланган ҳужжатларга оид барча маълумотларни олиш;*

— *ҳужжатларга киритилган қўшимча ва ўзгартиришларнинг хронологик тарихини кўриш;*

— *ҳужжат матнини алоҳида ойнада очиш;*

— *ҳужжат матнининг фойдаланувчи танлаган санадаги ҳолатини кўрсатиш;*

— *«Ҳаволалар харитаси» — танланган ҳужжатга нисбатан корреспондент /*

респондент ҳужжатлар рўйхати;

— *ҳужжат таркибида расмий матн қаторида норасмий ахборотларни (тушунтириш ва изоҳлар каби) акс эттириш;*

— *ҳужжат таркибида матн, жадвал, расмлар ва графикларни акс эттириш;*

фойдаланувчи ишлаган ҳужжатлар тарихини автоматик тарзда тизимда сақлаб қолиш ва бунда:

— *танланган ҳужжатлар рўйхатини сақлаб қолиш;*

— *излаш шартларини сақлаб қолиш;*

— *фойдаланувчи ишлаган ҳужжатлар тарихини тизимда сақлаш;*

фойдаланувчи маълумотларини ва интерфейсини ўзбек ва рус тилларида олиб бориш; базага киритилган ҳужжатлар ҳақида электрон почта орқали хабар йўллаш.

WWW.LEX.UZ

сайтига марҳамат қилинг